

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

---

---

**Инамова Г.А., Қорабоев.Ш.А., Шокирова.Г.Ш**

**«МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ» ФАНИДАН**  
**МАЪРУЗА МАТНИ**

**НАМАНГАН-2012**

## **Кириш.**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш олий ва ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий мазмунини ташкил этади. Айниқса, келажак фаолияти таълим ва тарбия билан боғлиқ ёш авлодни тарбиялашга дахлдор бўлган касб таълими йўналиши бўйича таълим олаётган бўлғуси муҳандис-педагогларга бошқа фанлар қатори «Менежмент ва иқтисодиёт» фанидан ҳам чуқур ва мукаммал билим бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

«Менежмент ва иқтисодиёт» фани корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини оқилона тарзда ташкил қилиш, хўжалик раҳбарлари, тармоқ, корхоналарни бошқариш тактикаси ва стратегиясини, турли хил сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб, истеъмол бозорларини тўлдириш ва дунё бозорига олиб чиқиш каби масалаларни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Бу фаннинг вазифаси талабаларга бошқариш санъатини эгаллаш, бошқаришни ташкил этиш ва замонавий бошқарув услубларини ҳамда бозорнинг ўзгарувчан муҳитида корхоналар фаолиятини бошқаришда илмий ёндашилган услублар туркумини ўргатади. Шу билан бирга талабалар халқаро иқтисодий муносабатларда бошқаришнинг халқаро миқёслардаги йўналишлари тўғрисида кенг тасаввурга эга бўладилар.

## 1-Мавзу: Фаннинг предмети, мазмуни ва вазифалари

### Ўқув модули бирликлари:

1. Менежмент моҳияти.
2. Менежмент объекти ва субъекти.
3. Менежмент фани, мақсади ва вазифалари.
4. Менежер, бизнес, тадбиркорлик, маркетинг тушунчалари мазмуни ва моҳияти.

### 1.1. Менежмент моҳияти

Бозор иқтисодиётида турли мулкчиликка асосланган минглаб корхоналар фаолиятини тасаввурга сиғдириш қийин эмас. Корхоналар фаолиятини у ёки бу даражадаги бошқарувини ташкил этиш, шу корхона раҳбарининг бошқарув қобилиятига боғлиқ. Унинг қобилияти эса менежмент соҳасидаги билимларни қанчалик даражада эгалланганлиги билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан менежмент сўзи бизнинг ҳаётимизда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ кириб келган сўзлар қаторидан жой олди.

Менежмент инглизча («management») сўз бўлиб, у ўзбек тилида бошқаришни идора қилиш, ташкил этиш, раҳбарлик қилиш маъноларини англатади. Бозор иқтисодиётида корхоналарни бошқариш шакли ҳисобланади. Менежмент инсон ҳаётидаги иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ишбилармонлик асосида ташкил этиш ҳамда бошқаришни билдиради.



Менежмент деганда нимани тушунаси?

Инглизча «менежмент» сўзи, бошқарув деган маънони англатса-да, дастлаб асов отларни тушовлаш маъносини билдирган. Кейинчалик бу атама икки гилдиракли аравага нисбатан қўлланила бошланган. Бугунги кунда эса гап одамларни, жамоаларини бошқариш хусусида борапти. Бу ўринда одамлар меҳнати, хоҳиш иродасидан фойдаланиб мўлжалдаги мақсадларга эришиш тушунилади. Лекин менежментни фақат одамларни бошқариш жараёни деб тушунмаслик керак. Инглиз тилида «Менежмент» сўзининг маъноси ниҳоятда мураккаб. Инглиз тилининг фундаментал Оксфорд луғатида бу сўзнинг қуйидаги талқинларини учратиш мумкин:


1. одамлар билан муомала қилиш усули, тарзи;
2. ҳокимият ва бошқарув санъати;
3. ишбилармонликнинг ўзига хос тури;
4. маъмурий вазифа.

Шундай қилиб, «Менежмент» атамаси қуйидаги маъноларни англатади:

- бошқарув;
- инсон органидаги билимлар соҳаси;
- бошқарувни амалга оширганларнинг ижтимоий қатлами.

Иқтисодиётни бошқариш - бу муайян доирада ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фирмаларни бошқариш тушуниладики, бунда меҳнат жамоаси, персонал (ҳодимлар) ва ишчиларни бошқариш ўзига хос муҳимликни билдиради. Иқтисодиётни бошқаришнинг ана шундай муҳим қисми менежмент соҳаси билан боғлиқ.

Менежмент барча турдаги ресурсларни (яъни табиий, меҳнат, молиявий ва ҳоказо.) самарали бириктиб, фойда олишни билиш, уни кўпайтириш билан боғлиқ соҳа бўлганлиги туфайли учта жиҳат бўйича тўғри танловни ва ишчан қарор қабул қилинишини талаб этади (1-чизма).



**1-чизма. Юқори фойда олишнинг уч шарти.**

1. Харажат - бу маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, товарни сотиш ва ходимларга тўлаш учун сарфланадиган маблағлардир. Унинг таркибига:

- маҳсулот (ёки хизмат) таннари,
- маъмурий харажатлар,
- ижара ва фоиз тўловлари,
- иш ҳақи,
- солиқлар киради.

2. Наф - бу маҳсулот ёки хизматларнинг истеъмолчиларга қанчалик даражада ижобий натижа келтиришидир. Ҳаридорнинг ҳарид қилиш аниқлиги товарнинг нафлилик даражасининг қанчалик юқорилигидан келиб чиқади.

3. Баҳо - бу товар ва хизматларнинг пулда ифодаланган қийматидир. Баҳо иккита асосий вазифани бажаради:

- ресурслар истеъмолини чеклаш имконини беради;
- ишлаб чиқариш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Фойдага таъсир этувчи бу уч омилнинг моҳиятини тушунган бошқарувчигина танловни тўғри амалга ошириши ва ишчан қарорни қабул қила олиши мумкин. Менежер харажатларни минималлаштиришга, маҳсулотнинг нафлилик даражасини белгилаш билан бирга унинг баҳосини тўғри белгилаши лозим.

## **1.2. Менежмент объекти ва субъекти**

Менежмент объекти ҳақида сўз юритганда, энг аввало, объект сўзининг луғавий маъносига эътибор бериш керак бўлади. Шу маънода объект – бу:

- биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот;
- Киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, нарсас, шахс;

- Хўжалик ёки мудофаа аҳамиятига эга бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва шу кабилар<sup>1</sup>.

Демак, объект тушунчаси микро воқеликдан (киши ва унинг фаолиятидан) тортиб, то макро воқелик (моддий дунё, жамият) даражасигача бўлган маънони ўз ичига олади. Масалан, «хайдовчи ўз машинасини бошқара ололмаганлиги сабабли у йўлдан чиқиб кетган». Бу ерда бошқарув объекти бўлиб машина ҳисобланади.

Ёки, «у киши ўзини жуда яхши бошқара олади». Бу ерда бошқарув объекти бўлиб, киши, шахс ҳисобланади. Футбол командаси ёки сув кемаси ҳаракатини бошқариш, туман, шаҳар, вилоят, мамлакатни бошқариш ва ҳоказолар менежментнинг ёки бошқаришнинг объектларидир.

Бирор нарсага ўзининг таъсирини ўтказувчи, ёки унинг қатнашуви таъсиридаги қандайдир сабаб ёки омилларни субъект деб атаймиз. Масалан бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг раҳбарлари менежментнинг субъекти, яъни бошқарув органлари ёки менежерлар – бошқарувчилар бўлиб ҳисобланади. Менежмент объекти ва субъектларини 1.1-жадвалда келтирилганидек тавсифлаш мумкин.

Шундай қилиб ҳар қандай ҳодиса ёки жараён негизи бошқариладиган объект ва бошқарилувчи субъект тизимларидан ташкил топади.

### **1.3. Менежмент фани мақсади ва вазифалари**

Менежмент фан сифатида XIX асрнинг биринчи ярмида капитализм вужудга келиши билан пайдо бўлган. У бир томондан назарий бошқарув масалаларини ўз ичига олса, иккинчи томондан аниқ ҳаётий тажрибаларни кўриб чиқишни камраб олади. Менежмент бошқарув фани сифатида кўп сонли ҳодисаларни таҳлил этишдан иборат. Бу фан мазмунан бошқарув тизими ва бошқариш объекти орасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди. Шу туфайли корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар ва уларнинг таркибий бирикмаларидан иборат ассоциациялар, консорциумлар ва концернлар ҳамда турли ташкилотларда бошқариш қонуниятлари ва тамойилларини ўрганиш фаннинг асосини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётида менежерларнинг (бошқарувчиларнинг) у ёки бу соҳада самарали фаолиятини кузатар эканмиз, уларни билимини оширишда менежмент фани алоҳида ўрин эгаллайди.

«Менежмент» фанининг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида бемалол фаолият кўрсата оладиган малакали бошқарувчиларни тайёрлаш, яъни янги иқтисодий фикрлай оладиган, хўжалик юритиш ва бошқарувда янги услубларни қўллай оладиган, раҳбарлик санъатини эгаллаган кадрларни етиштиришдир. Демак, инсоннинг бошқара олиш қобилиятини шакллантириш ва такомиллаштириш менежментнинг муҳим мақсадларидан ҳисобланади.

Бошқача аялладиган бўлсак, «Менежмент» фанининг асосий мақсади ташкилотлар (барча турдаги) тўғрисида асосий маълумотларни бериб, уларни самарали тарзда бошқаришни ўрганишдир. Самарали раҳбар ўз ишида ҳар хил ҳолатларни ҳисобга олади, келажакни олдиндан кўра билади, ҳар қандай ўзгаришга тез тайёрланади. Мана шундай ҳолатга тайёрлашни «Менежмент» фани ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди.

**МС** «Менежмент» фанининг асосий мақсади нима?

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.: 1991, 517 бет.

## Менежмент объекти ва субъекти

| №                | Менежмент                              |                                                                                                                                                                                                   |
|------------------|----------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                  | Объекти (бошқарилувчи ходиса, воқелик) | Субъекти (бошқарув органи, раҳбарлик)                                                                                                                                                             |
| 1                | 2                                      | 3                                                                                                                                                                                                 |
| 1. Макродаражада |                                        |                                                                                                                                                                                                   |
| 1                | Мамлакат (Республика)                  | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қонун чиқарувчи ҳокимият (Олий Мажлис)</li> <li>• Ижро этувчи ҳокимият (ЎзР Вазирлар Маҳкамаси)</li> <li>• Суд ҳокимияти</li> </ul>                      |
| 2                | Вилоят                                 | <ul style="list-style-type: none"> <li>• ҚҚР Жокарги кенгаши ва вилоят депутатлари</li> <li>• ҚҚР Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари</li> <li>• ҚҚР Олий суди, вилоятлар судлари</li> </ul> |
| 3                | Туман (шаҳар)                          | <ul style="list-style-type: none"> <li>• Туман (шаҳар) халқ депутатлари</li> <li>• Туман (шаҳар) лар ҳокимликлари</li> <li>• Туман (шаҳар) судлари</li> </ul>                                     |
| 2. Мегодаражада  |                                        |                                                                                                                                                                                                   |
| 4                | Концерн (кўп тармоқли корпорация)      | • Кўмиталар ва уларнинг раислари                                                                                                                                                                  |
| 5                | Сектор (тармоқ)                        | • Вазирликлар ва вазирлар                                                                                                                                                                         |
| 3. Микродаражада |                                        |                                                                                                                                                                                                   |
| 6                | Корхона (фирма), корпорация            | • Жамоа кенгаши ва раислар, президент                                                                                                                                                             |
| 7                | Ходимлар                               | • Корхона (фирма) раҳбарлари, бўғин бошлиқлари                                                                                                                                                    |
| 8                | Ишлаб чиқариш                          | • Корхона (фирма) раҳбарлари, бўғин бошлиқлари                                                                                                                                                    |
| 9                | Самарадорлик                           | • Корхона (фирма) раҳбарлари, бўғин бошлиқлари                                                                                                                                                    |
| 10.              | Ўз-ўзини бошқариш                      | • Фуқаро йиғини, раис (оқсоқол)лар                                                                                                                                                                |

Ҳар бир ишчининг ижодий фаоллиги, содиқлиги ва малакасини ошириш туфайли кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва техника-технология базасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш йўли билан фирма фаолиятида даромад олиш ёки фойда кўришни таъминлаш менежмент фанининг туб мақсадини билдиради. Шунингдек, фирмани муваффақиятли бошқариш, бизнесда ички ва ташқи муҳит таъсирига хос раҳбарликни олиб бориш, ташкилотдаги келишмовчилик масалаларини ҳал этиш ҳам менежмент фанининг ана шундай мақсадларидандир.

Моддий ва инсон ресурсларига эга бўлган ҳолда, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш ва товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бозор муҳитида корхона фаолиятининг рентабеллигини ва

унинг барқарор ҳолатини таъминлаш менежментнинг энг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Менежмент вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқаришни автоматлашувини таъминлаш ва юқори малакали ишчилардан фойдаланишга ўтиш;
- яхши меҳнат шароитларини яратиш ва юқори иш ҳақини белгилаш йўли билан фирма ходимлари ишини рағбатлантириш
- фирманинг самарали фаолияти учун доимий назорат ўрнатиш, фирманинг барча бўлимларидаги ишларни мувофиқлаштириш;
- доимо янги бозорларни излаш ва ўзлаштириш;
- фирмаларни ривожлантиришда аниқ мақсадларни белгилаш;
- мақсадлар устиворлигини, уларнинг кетма-кетлиги ва қабул қилинган қарорлар изчиллигини аниқлаш;
- фирмаларни ривожлантиришдаги стратегияни - хўжалик юритиш масалалари ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- турли вақт даврларида белгиланган муаммолар ечимини ҳал этиш учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- зарур ресурслар ва улар билан таъминлаш манбаларини аниқлаш;
- белгиланган вазифаларни бажариш борасида назорат ўрнатиш.

МВ

Менежмент вазифаларига яна нималарни киритиш мумкин? Ўйлаб кўринг.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, тартибга солиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва белгиланган мақсадларнинг қанчалик даражада муваффақиятга эришганлигини бозор муҳитининг ўзи баҳолайди. Ишлаб чиқариш масшабининг кенгайиши, таъминотда ресурслар ҳажмининг ортиб бориши билан бошқарув вазифалари ҳам мураккаблашиб боради.

Менежмент фани воқеликни билишга бағишланган умумфалсафий усулларни қўллайди. Энг аввало бошқарувчи объектини акс эттирувчи, уни талқин этишга ёрдам берувчи маълумотлар жамлаб баҳоланади ёки маълумотлар микро-, мего- ва макродаражадаги воқеликка оид бўлиши мумкин. Бу бошқарувни тафаккур этишдаги эмпирик босқич ҳисобланади (1.2-жадвал).

#### **1.4. Менежер, бизнес, тадбиркорлик, маркетинг, тушунчалари мазмуни ва моҳияти.**

Тадбиркорлик - фойда ва манфаат олиш мақсад ида муайян таваккалчилик асосида янгиликларни жорий этиш иштиёқидаги ишчанлик фаолиятдир. Тадбиркорлик жисмоний ва юридик шахслар томонидан мустақил хўжалик юритишнинг алоҳида бир турини акс эттирувчи фаолият. Тадбиркорликда таваккалчилик шахсан тадбиркор томонидан амалга оширилади. Бизнесни ташкил этишдан бошлаб, унинг якуний натижаларигача барча иқтисодий жараёнларда тадбиркор муайян жавобгарликни ҳис этиб фаолият кўрсатади. Тадбиркор учун энг зарур нарса вақт бўлиб, ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

МС

«Тадбиркорлик», «бизнес» «менежер» ва «маркетинг» тушунчаларининг мазмуни тўғрисида нималар дея оласиз?

Тадбиркор куйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

-фаолият доирасида касбий билимга;

-маълум даражада бошқаришни билиш ва маркетинг ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятида тажрибага;

-ўз фаолияти, бозор ҳолати, жалб қилинадиган ресурслар ва молиявий воситаларни баҳолаш қобилиятига;

-иқтисодий тафаккур, билимдонлик, иш маданияти, амалий тажриба ва кўникмаларга;

-ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қобилияти ва фойда олиш, мақсадга эришиш учун таваккалчиликдан қўрқмай ҳаракат қилишга;

-бозор имконияти ва новаторлик ғояларини таҳлил қилиш, фойдаланиш қобилиятига.

Бизнес - бу даромад олиш мақсадида пул билан амалга ошириладиган ишчанлик фаоллигидир, яъни бозорда унинг иқтисодий субъектлари орасида хизматлар ва товар айирбошлаш билан боғлиқ масалани ечишга йўналтирилган фаол ишчанлик машгулотидир. Бизнес тадбиркорликка нисбатан кенг маъноларда ишлатилганлиги туфайли тадбиркорлик фаолиятини ҳам уз ичига олади. Бизнес билан шугулланган кишиларни бизнесмен деб атайдилар. Баъзан менежер, тадбиркор, дилер, маклер, брокер, коммерсантларнинг муайян фаолиятини умумлаштириб бизнесмен деб аташ ҳам мумкин. Аммо бу терминларнинг ҳар бирининг узига яраша функцияси мавжуд бўлганлиги туфайли уларни бири-биридан фарқлай билиш керак.

Менежер - бу махсус тайёргарлик курган, бошқарув санъатини эгаллаган, тадбиркорлик қобилиятини ишга тушура оладиган малакали мутахассис. Улар ёлланма бошқарувчилар бўлиб, аҳолининг алоҳида ижтимоий катламини ташкил этади.

Корхона, компания, фирма, банк, молия муассасаларининг ижроия ҳокимиятига эга бўлган бошқарувчи, раҳбар, мудир, директор, маъмурий бошқарувчиларнинг барчасини менежерлар деб юритилади. Менежерлар бошқарув поғонасига қараб, уч тоифага бўлинади.

1. Юқори поғонадаги менежерлар - булар фирма истикболини белгилаш, унинг келажаги учун аҳамиятли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан шугулланади. Бозор муҳитида фаолият олиб бориш учун фирманинг уз андозасини ишлаб чиқариш йўналишларида иш олиб борадилар. Ташқи муҳит билан бевосита боғланган бўладилар.

2. Ўрта поғонадаги менежерлар - булар фирманинг ички ва ташқи муҳитлари уртасидаги боғлиқликни таъминлайдилар. Шунинг учун фирма микёсида айрим томонларни бошқариш билан машгул бўладилар. Масалан, ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, нарх белгилаш, молия фаолияти, янги товарларни узлаштириш, технологияни куллаш, меҳнатни ташкил этиш, қаби жараёнларни бошқариш билан банд бўладилар.

3. Қуйи поғонадаги менежерлар - булар цех, булим, бригада доирасида ишни ташкил этиш, кунлик, ҳафталик, ойлик иш топшириқларни бажарилишини бошқариб борадилар.

Иқтисодий алокалар мураккаблашган сари менежер хизматида талаб ошади. Фирманинг ҳаёт-мамотига жавобгар бўлгани учун ёлланиб ишловчилар орасида энг катта хизмат хаки оладилар.

МС

**Менежернинг қандай хусусиятларни ўзида мужассам этган бўлиши зарур?**

Менежер кенг билим сохиби, корпорацияларда омилларнинг узаро ички алокаси ва корпорацияларнинг ташқи муҳит билан алокасига оид масалалар хусусида оригинал, янгича фикр юритиш керак. У юксак инсоний фазилатлар сохиби, психологик қобилиятга эга бўлиши керак, оқилона иш юритиши, керак бўлганда таваккалига иш кура олиши лозим. Бизнес лоихаларини (бизнес-режани ишлаб чиқиш, тузатишлар киритиш, амалга ошириш) маркетинг тадқиқотларини амалга ошира олиш, бозор талаб-эҳтиёжларини ва унда янги инновация уринларини эгаллашни ҳисобга олган ҳолда тизим ривожини олдиндан кура билиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Менежерлар хўжалик юритиш ва раҳбарлик соҳасида маълум мустакилликка эгаки, ишлаб чиқариш ҳажми ва доираси кенгайиши билан уларнинг роли ошиб боради. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва товарлар муомаласини уюштиришда муҳим омилдир.

Ҳар қандай менежер учун қуйидаги талаблар қуйилади:

- корхонани бошқариш соҳасида умумий билимларга эга бўлиш;
- фаолият характериға кўра тегишли тармоққа тааллуқли фирманинг ишлаб чиқариш технологиясига оид масалаларидан хабардор бўлиш;
- нафақат маъмурий балки тадбиркорлик доирасида ҳам малакаға эга бўлиш, бозорда турли вазиятларға мослашиш, тасаббускорлик кўрсатиш, фирма ресурсларини фаол тақсимлашда уларни энг юқори манфаат келтирадиган соҳаларға жалб этиш;
- қуйи раҳбарият ва ишчилар билан келишган ҳолда чуқур асосланган қарорлар қабул қилиш ва уларни бажаришда ҳар бир катнашчини жалб этиш;
- асосий бозорларда ёки уларнинг сегментларида ишлаш жараёнида ёки ишлашни бошлашда иқтисодий вазиятларни таҳлил қилиш соҳасида амалий тажриба ва билимға эга бўлиш;
- рақобатчи фирмаларнинг фаолиятини ва таъсирини таҳлил қила олиш;
- фирманинг бозорларда уз вазиятини сақлаб қолиш ёки кучайтиришға интилиш, уз юртида ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни давлат томонидан тартибға солиш чора-тадбирларини, талаб хусусиятларини, ва хўжалик юритиш конъюнктурасини ривожлантириш йўналишини олдиндан кўришни билиш.

Шунингдек, менежерға қуйилган энг муҳим талаблардан бири одамларни бошқаришдир. Бунға қуйидагилар қиради:

- тўғридан-тўғри (менежернинг) ўзига бўйсунадиган кишиларни малакасини ошириш ва аниқ белгиланган топшириқларни бажаришда уларнинг қобилиятларини ва имкониятларини билиш;
- корхона ва ишчиларни бир-бириға боғловчи шароитларни билиш, ҳақиқат ва адолат асосида у ёки бу манфаатларни ҳимоя қилиш;
- корхона фаолиятининг тўғрилигини ва бирлигини сақлаш мақсад ида қарама-қарши иллатларни чеклаш;
- бозор иқтисодиётига ижодий ёндашувчи бошқарувчилардан яхши ахборотға эга бўлишни, ресурслардан фойдаланишнинг энг мақбул йўллари кидириб топишни ва шу тарзда фирма фаолиятида самарадорликни таъминлашни талаб этади.

Ҳар бир менежер шуни англаши керакки, уларнинг фирмалари бозорға хос шароитларда фаолият кўрсатмоқда ва унинг тулақонли фаолияти бозорға боғлиқ.

Маркетологлар - маркетинг фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислардир. Улар бозор талаби ва таклифини ўрганиш орқали бозорға чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни сотиш жараёнларини ташкил этиш ҳамда товарлар рекламасини ташкил этиш, умуман бозор муҳитига таъсир кўрсатиш соҳаларини яхши эгаллаган бўладилар. Маркетологлар ишлаб чиқарилган товарни

бозорда сотишдан бошлаб, унинг тақсимооти ва ҳаракатларини ҳам белгилаб борадилар. Реклама қилиш орқали савдо-сотиқни рағбатлантиришда ҳам маркетингларнинг алоҳида ўрнини қайд этиш зарур. Бундан ташқари истеъмолчиларни дидини ўрганиш, товарларни ҳаётий даврини ошириш масалаларида маркетинглар фаоли бўлишлари лозим. Чунки айнан шу жиҳатлар корхона фаолиятини ташқи муҳит билан нақадар яқиндан эластик алоқа ўрнатишини таъминлайди. Бозор сегментини ўрганиш ҳам айнан маркетинглар учун биринчи даражали ишдир.

### **Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар**

- |              |                         |
|--------------|-------------------------|
| 1. Менежмент | 7. Менежмент мақсади    |
| 2. Менежер   | 8. Иқтисодий бошқариш   |
| 3. Нафлик    | 9. Менежмент вазифалари |
| 4. Баҳо      | 10. Бошқариш объекти    |
| 5. Харажат   | 11. Бошқариш субъекти   |

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Менежмент сўзининг маъноси нима?
2. Фойда олишнинг қандай шартлари бор?
3. Менежмент фанининг вазифа ва мақсадларини тушунтириб беринг.
4. Тадбиркор, бизнесмен ва менежер тушунчаларини изоҳланг.
5. Менежернинг функцияларига нималар киради?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. -Т.: «Университет», 1997. -166 б.
2. Шарифхўжаев М.; Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001. -704 б.
3. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер с англ. -М.: Дело, 2000. -704 стр.
4. Ғуломов С.С. Менежмент асослари. -Т.: 1998. -427 б.
5. [www.webww.net.ru](http://www.webww.net.ru)

## **2 -Мавзу. Менежмент назарияси ва амалиётининг ривожланиши**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Менежментнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Менежментнинг турли хорижий мактаблари табақаланиши.
3. Ўзбекистонда бошқаришнинг илк илмий асослари.

#### **1.1. Менежментнинг вужудга келиши ва ривожланиши.**

Менежмент аслида фан сифатида Америка Қўшма Штатларида шакллана бошлаган. Монополистик капитализм даврида вужудга келган. Унинг шаклланишидан олдин бошқарув вазифаларининг ажратилиши, унга хос бўлган бошқарув меҳнатининг тарқалиши, унинг махсус назарий асос яратилишига эҳтиёж ўсиши юз берди.

Менежмент назариясини асосчилари Ф.Тейлор, Г.Форд, Ф.Гильберт, Г.Эмерсон, А.Файол ва бошқалардир. Бошқарув назариясининг тарихан дастлабки йўналиши «классик» (анъанавий) мактаб номини олган. Бу мактабнинг вужудга келишида америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Фредерик Тейлорнинг хизмати ката бўлди. У хизмат поғонасининг барча даражаларини АҚШдаги Бстлегемдаги йирик металлургия корхонасининг кичик хизматчисидан бошқарувчисигача бўлган лавозимларни эгаллаган. У биринчилар қаторида ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнларини ташкил этиш ҳамда бутун корхонани бошқаришга илмий ёндошишни кўллади. Унинг «Корхонани илмий бошқариш асослари», «Бошқаришни илмий ташкил этишнинг тамойил ва усуллари», «Саноат корхоналарини маъмурий-техникавий ташкил этиш» каби машхур асарлари хорижда чоп этилган. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва илмий ташкил этиш бўйича адабиётларнинг катта тўпламига асос солди. Ф.Тейлор меҳнат жараёнларини махсус функционал бошқариш зарурлигини асослаб берди. Жисмоний меҳнат билан бир қаторда ишлаб чиқаришни ташкил этишни таркибий унсурларга ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Унинг асарларида пала-партиш ишлаш мумкин эмаслиги, ҳар бир нарсга олдиндан ўйланган, ишнинг барча шартлари ва усуллари олдида аниқ белгиланган бўлиши акс эттирилган. Ф. Тейлор киши ақл-заковатига катта эътибор берган. Масалан, у корхона устаси қуйидаги тўққиз сифатга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган:

- ақл-заковатга;
- маълум мълумотга;
- иш тажрибасига;
- одобга;
- ғайратга;
- зийракликка;
- халолликка;
- тўғри фикр юритишга;
- яхши саломатликка.

Шу билан бирга Ф.Тейлор бу сифатларнинг барчасига эга бўлган кишини топиш жуда мушкул эканлигини айтган. Кўпчилик фақат учта сифатга эга бўлади - улар оддий иш ҳақи тўланадиган ишга олиниши мумкин. Бу сифатларнинг тўрттасига эга бўлган киши нисбатан кўп ҳақ тўланадиган ишга олиниши керак. Бешта сифатни ўзида жам этган кишини топиш анча мушкул, олти, етти, саккизта сифатга эга бўлган кишини топиб бўлмайди. Агар юқорида санаб ўтилган тўққиз сифатга эга бўлган киши топилса, уни уста лавозимига эмас, бошқарувчи лавозимига қабул қилиш лозим. Ф.Тейлор айниқса иш жойларини ташкил этиш, ишлашнинг мақбул усуллари танлаш, аниқ вазифаларни белгилаш, кишиларни тўғри танлаш ва ишга қўйишга алоҳида аҳамият берарди. У томонидан ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича қатор тавсиялар ишланган. Масалан, у бошқариш бўйича фаолиятнинг 8 та вазифасини ажратиб кўрсатган:

1. Ишларни бажариш ва тақсимлаш тартиби;
2. Чизмалар ва қўлланмаларни тузиш;
3. Вақтни меъёрлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш;
4. Интизомга риоя қилиш;
5. Иш услубларини белгилаш;
6. Ускуналар иш тартибига риоя қилиш;
7. Ускуналарни таъмирлаш ва сақлаш
8. Сифатни назорат қилиш.

Ф.Тейлорнинг функционал бошқарув тизими ҳозирги даврда саноатда қўлланмасада, бошқариш жараёнини функционал тақсимлаш ғоясидан бошқаришнинг чизиқли (линейний) тизимидан ҳам фойдаланади. Ф.Тейлор маъмурият ва таъминловчи ижтимоий жиҳатларни ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлаб, бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг муҳим тамойилларидан бири эканлигини айтган. У ижтимоий демагогия усуллариини инкор этмай, улардан фойдаланишни тавсия қилган. У ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида «синфий ҳамжиҳатлик»ни таъминлаш, улар ўртасида мунозарага йўл қўймаслик заруриятига таянган ва уни менежментнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблаган. Ф.Тейлор фикрига биноан, бундай вазифани фақат илмий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими - менежмент назариясигина ҳал этиши мумкин.

## **2.2. Менежментнинг турли хорижий мактаблари табақаланиши**

Тейлоризм илмий бошқарув ҳаракатини бошлаб берди. Бу ҳаракат АҚШни қамраб олиб, бошқа капиталистик мамлакатларга ҳам ёйилди. Ф.Тейлор тизими илмий менежмент ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодийётни бошқариш соҳасининг яна бир йирик назарийчиси - Гаррингтон Эмерсон (1853-1931) эди. У «Унумдорликнинг ўн икки тамойили» асарини ёзиб, бу асарда у биринчи бўлиб, инсон фаолиятини мақбуллаштиришга йўналтирилган тизимни баён қилиб берди. Г.Эмерсон қуйидаги тамойилларга асосланган максимал меҳнат унумдорлигига эришиш усулини ишлаб чиқди.

- |                                            |                                                  |
|--------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| 1. Аниқ белгиланган ғоя ва мақсадлар;      | 7. Тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқ ва доимий ҳисоб; |
| 2. Ақли расолик;                           | 8. Меъёр ва тартиб;                              |
| 3. Асосли маслаҳат;                        | 9. Шароитни нормаллаштириш;                      |
| 4. қатъий интизом;                         | 10. Операцияларни меъёрлаш;                      |
| 5. Ходимларга нисбатан адолатли муносабат; | 11. Ёзма стандарт қўлланмалар;                   |
| 6. Марказлаштириш;                         | 12. Унумдорлик учун рағбатлантириш.              |

Ўз хулосаларига қўшимча қилиб бошқариш услубини баён қилиш билан муаллиф классик мактаб концепцияга салмоқли хисса қўшди.

Саноат корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ўрганган яна бир америкалик иқтисодчи Гамильтон Черч (1866-1936) ўз диққат эътиборини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларига қаратди. Америкалик бошқа назарийчилардан фарқли Г.Черч тайёр қонун-қоидаларни тавсия қилмаган. У барча саноат корхоналарини бошқаришнинг умумий назарий тамойилларини белгилаб берди, бошқарувнинг умумий вазифалари билан уни ташкил этиш тамойилларини кўрсатиб берди. Ўзининг «Ишлаб чиқаришни бошқариш асослари» китобида у бошқариш вазифаларининг қуйидаги классификациясини баён қилиб берган:

- лойиҳалаштириш,
- ускуна билан таъминлаш,
- буюрувчилик,
- ҳисоб ва амалга ошириш.

Г.Черч китобининг айрим назарий қоидалар ҳозирги даврда ҳам илмий ва амалий қимматга эгадир.

Илмий бошқарув ривожланишига ҳисоб ва режалаштиришнинг чизма усулини ишлаб чиққан Генри Гант (1861-1919) ишлаш тартибини мақбуллаштириш учун

стандарт ҳаракатларни қўллаб айрим ишларни бажариш усуллари таклиф этган. Френк Гильберт (1868-1924) ҳам менежментни ривожланишига салмоқли хисса қўшган иқтисодчилардандир. Шунингдек, менежмент назариясига француз муҳандиси Анри Файол муҳим хисса қўшган, у бошқарув вазифалари мақбуллаштириш - олдиндан кўра олиш, ташкил этиш, буюриш, келишув, назорат қилишга тенглаштирган. 1916 йилда унинг «Умумий ва саноат бошқаруви», 1924 йилда «Меҳнатни илмий ташкил этиш» ва «Ижобий бошқарув» асарлари чоп этилди.

Генри Форд ишлаб чиқариш корхоналарини бошқаришнинг ташкилий-техникавий тамойилларини яратган. Фордизм фақат бошқарув техникаси ва ташкил этиш ривожланишида эмас, балки меҳнат унумдорлиги ўсишида ҳам янги босқич бўлди. Г.Форд ҳам Ф.Тейлор сингари кам ҳаражат билан юқори меҳнат унумдорлигига эришишни мақсад қилиб қўйган бўлсада, унга бошқа йўл билан эришишга ҳаракат қилди. Ф.Тейлор инсон меҳнатини ташкил этишга алоҳида эътибор берган бўлса, Г.Форд техника-технология, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга эътибор берган.

Шундай қилиб, Ф.Тейлор ва унинг издошлари буржуа бошқарув назарияси ривожланишининг бошқарув концепцияси вужудга келган, XIX-XX асрлар чегарасидан асримизнинг 20-йилларигача давом этган даврни қамраб олган биринчи босқичи намоёндаларидир.

XX асрнинг 20-йилларидан менежмент ривожланишининг йирик капиталистик ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асосланган янги босқичи бошланди. Назариётчилар Тейлоризмни нисбатан мослашувчан тизим билан алмаштиришга ҳаракат қилдилар. Улар бошқаришнинг социологик ва психологик жиҳатларига эътибор бериб, уларни илмий менежмент таркибига киритдилар.

Давлат ва иқтисодиётни бошқариш назариясининг айрим жиҳатлари шарқнинг йирик алломаларининг ҳам назаридан четда қолмаган. Иқтисодиётни ривожлантириш ва уни бошқаришга хисса қўшган йирик аллома ва давлат арбоблари қаторида Форобий, Ибн Сино (IX-X аср), Хос Хожиб (XI-XII аср), Амир Темур, Ибн Холдун (XIII-XIV аср), Бобур, Алишер Навоий кабиларнинг номларини келтириб ўтиш жоиздир.

МС

### **Менежментнинг турли хорижий мактаблари қандай гуруҳларга бўлинади?**

Менежмент фани ва назарияси асосини ташкил этган қонун-қоидалар, хусусиятларига кўра турли бошқарув мактабларига бўлинади. Улар жумласига:

- илмий менежмент мактаби ёки «илмий менежеризм»;
- мумтоз (классик) ёки маъмурий менежмент мактаби;
- илмий муносабатлар мактаби ёки неоклассик менежмент, инсоний сайи-ҳаракатлар мактаби;
- бошқарув илми ёки миқдорий услуб.

Илмий менежмент мактабининг намоёндалари америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Ф.Тейлор, Ф.Гилбрет, Т.Гант. Бу мактаб намояндалари узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш бўйича ката ишларни амалга оширдилар. Аммо уларнинг қарашларида салбийлик мавжуд бўлиб, у «тинкани қуритадиган» тизим асосида ишни ташкил этиш деган номни ҳам олди.

Мумтоз (классик) ёки маъмурий менежмент мактабининг намояндалари француз олими А.Файол, инглиз Л.Урвин, немис иқтисодчилари М.Вебер, Г.Форд, Г.Эмерсонлардир. Бошқарувнинг классик мактаби тўрт муҳим унсур - меҳнат

тақсимоти, бошқарув табақалашуви ва кўп бўғинлилиги, ташкил этиш таркиби, бошқарувнинг мумкин бўлган чегараларини ўрганади.

Шундай қилиб, бошқарувнинг «классик» мактаби унинг инсоннинг турли-туман фаолиятини бошқаришга қўллаш мумкин бўлган тамойилларини асослаб беришга ҳаракат қилган. У бошқарувни ташкил этишнинг қатор тамойилларини ўрганган.

XX асрнинг 30-йилларидан америка бошқарув назариясида янги йўналиш - «инсоний муносабатлар» мактаби вужудга кела бошлади. Бу йўналишнинг асосчилари - америкаликлар М.П.Фоллет, Э.Мэйо, Ф.Ротлисбергер, Дж.Лизли ва бошқалардир. Гарвард университети профессори Э.Мэйо «инсоний муносабатлар» назариясини илгари сурди. Унинг ғояларининг моҳияти шундаки, меҳнат жараёнида психологик ва ижтимоий омиллар етакчи аҳамиятга эга. Шу сабабли, Э.Мэйо фикрига биноан ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг барча муаммоларига инсон муносабатлари нуқтаи назаридан қараш лозим. Бу назария инсоннинг маълум ижтимоий ва психологик эҳтиёжларини қондириш йўли билан уни янада унумли меҳнат қилиши мумкин деган ғояга асосланган. Бу мактабнинг яна бир намоёндаси Д.Мак Грегор бошқарувни ташкил этишга 2 хил ёндошув мавжудлигини қайд этди:

- 1) мажбурлаш ва рағбатлантириш усуллари;
- 2) ташаббускорлик ва мустақилликни иложи борида намоён қилиш учун шароит яратиш.

Лекин бу назариянинг асосий жиҳати шундаки, «инсоний муносабатлар» мактаби вакиллари ижтимоий муаммоларни бутун жаият миқёсида эмас, балки алоҳида корхона миқёсида ҳал этадилар. Меҳнаткашлар ижтимоий аҳволига комплекс равишда ҳал этилиш лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида эмас, балки кишиларнинг гуруҳий муносабатлари сифатида қаралган.

Агар «классик» мактаб намоёндалари низоларни моддий рағбатлантириш ёки жиҳозлаш йўли билан, «инсоний муносабатлар» мактаби ишлаб чиқариш жараёнини адолатли қилиш йўли билан ҳал қилишни таклиф этган бўлсалар, «инсоний сайи-ҳаракатлар» мактаби ташкилотда низоларнинг мавжуд бўлиши унинг табиатидан келиб чикувчи ҳолат деб ҳисоблаб асосий вазифа низолар ва уларнинг оқибатини юмшатишдан иборат деб таъкидлайдилар.

XX асрнинг 50-йиллардан бошлаб менежмент назарияси янада ривожланди. Бу даврдан яна бир мактаб шакллана бошлади. У менежментга аниқ фанлар усуллари - қарорлар қабул қилишни математик моделлаштириш, математик мантиқ, дастурлаш, иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш усуллари жорий қилди. Бу мактаб номи «бошқарув илми ёки миқдорий услуб» деб аталиб унинг энг ёрқин намоёндалари - Р.Аккоф, Л.Клейн, В.Люс ва бошқалардир. Бу мактабнинг шаклланиши кибернетика ва жараёнларни ўрганиш ривожланиши билан боғлиқдир. Жараёнларни ўрганиш захиралар, ресурслар тақсимоти, эскирган ускуналарни алмаштириш, мақбул равишда режалаштиришни бошқаришни математик моделлаштириш билан боғлиқдир. Кейинчалик бу мактаб таркибида мустақил фан - бошқарув қарорларини қабул қилиш назарияси шаклланди. Хорижий менежмент ривожланишининг қисқа тавсифи бошқарувни такомиллаштириш янги усуллари ва шакллари излаш узлуксиз давом этганлигидан далолат беради.

### **2.3. Ўзбекистонда бошқаришнинг илк илмий асослари**

Ўзбекистонда бошқаришнинг илмий асослари пайдо бўлиши ўзининг чуқур тарихий илдизларига эга бўлиб, унинг асосий тамойиллари XIII-XIV асрларга келиб Туркистонда Амир Темури ҳукмронлиги вақтида тўла шаклланган эди. Бу даврда юқори

интизом, ижтимоий ҳимоя ва олий даражадаги бошқариш тизимига эга бўлган кучли давлатнинг бунёдга келиши ўрта аср давридаги бошқариш услублари ўзида энг илғор ғояларни мужассамлаштирган. Бошқарув тизимининг самарали ташкил этилиши, унинг инсонпарварлик, иқтисодий ва оқилона усул билан ташкил этилиши, унинг негизида инсон манфаатлари ётганлиги, давлат сиёсатининг бошқарувга ижобий таъсири дунёда буюк давлат пайдо бўлиши билан яқунланади.

МС

### **Ўзбекистонда бошқаришнинг илк илмий асослари қачон шаклланди?**

Тарихий манбаларга кўра А.Темур даврида марказлашган буюк, иқтисодий баркамол, сиёсий барқарор давлатнинг шаклланиши билан унда бошқарувнинг илмий асослари пайдо бўлди, шунингдек унинг асосий қоидалари фақат шу давлатдагина эмас, балки бошқа ўлкаларда ҳам давлатни илмий бошқариш назарияси сифатида қўлланила бошланди.

Ҳозирги менежмент фанида таъкидланган бошқаришнинг, инсоний, иқтисодий, оқилона ва самарали шаклини яратиш бўйича ҳаракатлар А.Темурнинг «Темур тузуклари»да ўз аксини топиб, ҳозиргача ҳам ўзининг қийматини йўқотмаган, ваҳоланки, бугунги мустақил гуркираб ривожланаётган юртимизда ҳам бошқаришни ташкил қилишда муҳим дастур сифатида амалда қўлланилмоқда, чунки у кимнингдир хоҳиши туфайли юзага келган ўткинчи назария бўлмай, балки тарих синовларида ўзининг илмийлигини чуқур исботлаган йўналиш сифатида фойдаланилмоқда.

А.Темурнинг қонуниятлари ва қоидалари ўз давридаги бошқариш илми юқори даражада бўлганлиги учун ҳам Марказий Осиёда шундай катта давлат самарали бошқарилган. У ўзининг иқтисодий асосларига ва ихчам тезкор бошқариш девонига эга бўлган бўлиб, унда демократия, яккахокимлик, илмийлик, иерархия, билимдонлик тамойиллари ўз аксини топган. Лекин А.Темур томонидан яратилган бошқариш илмига амал қилмаслик, бошқаришда амалдорларнинг ниҳоятда кўпайиб кетиши, маълум синфий тамойилларнинг инкор қилиниши, асоссиз тўловлар, майда ва иқтисодий жиҳатдан кучсиз давлатларни вужудга келиши ва натижада ўзаро келишмовчилик туфайли Туркистон ҳудудида мустақил давлатларнинг умуман барбод бўлиши фикримизнинг далилидир.

XIV аср охири ва XV аср бошларида Шайбонийхон томонидан темурийлар давлатини тиклаш йўлидаги урушнинг барбод бўлиши билан бирга давлатни бошқариш бўйича ўша давргача амал қилган маълум назариялар, ғоялар ҳам унитилиб кетди. Кейинроқ темурийлар сулоласи булмиш Захириддин Муҳаммад Бобир бобоси А.Темур ғояларидан амалий фойдаланди ва назарий ривожлантириб, «Бобирнома» асарида уни илмий асослаб берди. Лекин майда хонликлар ва чор Россия мустамлакаси даврида мамлакатимизда бошқариш илми инкирозга юз тутди.

Бу даврга келиб, бошқаришнинг юртимизга тикиштирилган усули юқоридан бошқариладиган маъмурий буйруқбозлик усули вужудга кела бошлади. Бунинг оқибатида Ўзбекистонда илм фан, тараққиёт, иқтисодий ривожланиш жуда ҳам сусайди, мамлакат босқинчиларнинг хом ашё манбаига айланиб қолди.

1917 йилда амалга оширилган шуролар инқилобига халқимиз катта умид боғласа-да, у ҳам мамлакатимиздан улкан хом-ашё манбаи сифатида, халқимиздан эса арзон меҳнат кучлари сифатида фойдаланиш ниятларини яшириб ўтирмади. Ҳаммамизга маълум бўлган яқин тарихий ўтмишимиз бу нарсаларнинг гувоҳи бўлди.

Большевиклар миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларига эгадир, деб ўзлари эълон қилган ишларга хилоф равишда Туркистон халқларига ўз тақдирларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини бермадилар ва кўп миллатли собиқ Россия империясининг барча халқлари сингари бу халқларга ҳам жамиятни социалистик қайта тузиш моделини тикиштирдилар.

МС

### **Замонавий менежментнинг шаклланиши тўғрисида қандай фикрларни билдириш мумкин?**

Менежмент бир илм соҳаси сифатида фанлараро тармоқ бўлиб, унда иқтисод социология, психология, ҳуқуқ, техник ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар, шунингдек, бошқарув санъати тажрибалари уз ифодасини топади. Ўзбекистонда шакилланаётган замонавий менежмент - бу комплекс равишдаги инновация фани бўлиб, у бозор иқтисодиётининг шаклланиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, муайян шарт-шароитлар ва рақобатга лаёқатлилиқ-нинг яратилиши, иқтисодий эркинлик ҳамда масъулият асосида жисмоний ҳамда ҳуқуқий шакллар фаолиятини жонлантириш учун қулай замин яратилиш билан бир вақтда дунёга келмоқда.

Менежмент ўзига хос мураккаб ижтимоий-иқтисодий, ахборот берувчи ва ташкилий-техник ходиса, иш жараёни бўлиб, объект ҳолати, сифатларининг турланишига қараб ўзгариб боради. Бу эса муайян тамойиллар ва босқичларнинг мавжуд бўлишини, яъни ҳар қандай фаннинг предметини ташкил этувчи қонуниятлар ва тамойилларни такозо этади. Бу уринда генезисни ҳам, эволюцияни ҳам, кескин сакрашларни ҳам, нияту мақсад ва умиду орзуларни ҳам санаб ўтиш мумкин. Менежмент илм, малака, кўникма, маҳорат, усуллар, операциялар, маросимлар, асослаш оркали таъсир кўрсатиш қоидалари, ҳуллас, ижтимоий ва инсон технологияси тушунчасига қирадиган маъноларни уз ичига олади.

Менежмент ривожланишни секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи муайян объектив тамойиллар, шунингдек, унинг муайян потенциали ва ўзгариш динамикаси билан ҳарактерланади. Шунинг учун ҳам объектив тенденцияларни уз вақтида аниқлаб, улардан бошқарув жараёнида мохирона фойдаланиш керак. Потенциал ва фойдаланилаётган ресурслар, имкониятлар (моддий, молиявий, ишлаб чиқариш, меҳнат, ахборот, ташкилий) ва ҳажми билан белгиланади.

Менежментга маданият, кадриятлар ва эътиқодлар тизимининг бир унсури сифатида қаралади. Замонавий менежмент ўз кадриятлари ва бойликларини яратаётган ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашларини шакллантирадиган инсон ва жамият ривожига муайян таъсир кўрсатади. Инсон ресурслари ва тадбиркорлик фаолияти замонавий менежмент асосини ташкил этади. Бинобарин, менежментнинг асосий вазифаси ахборот, билим, тажриба ва янгиликни ишлаб чиқариш кучига айлантиришдир.

Менежер қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

- билимга ташналик, профессионализм, новаторлик, ишга ижодий ёндашиш;
- қатъийлик, ўзига ишонч ва ишга фидоийлик;
- янгича фикрлаш, топқирлик, ташаббускорлик ва ғояларни ҳаётга татбиқ эта олиш қобилияти;
- одамларга рухий таъсир кўрсата олиш салоҳияти;
- чиқишимли бўлиш ва ютуқни ҳисоб қилиш;
- хиссиётга берилмаслик ва рухий зарбаларга чидаш;
- очик қўнгиллилиқ, тадбиркорлик ва юз бераётган ўзгаришларга осон мослашиш;

- вазиятни бошқара олиш ва корпоратив тузилмаларда шахсга хос ғайрат-шижоат кўрсатиш;
- ўзини-ўзи ўстиришга ва ўзини сафарбар этишга ички эҳтиёж сезиш;
- серғайрат ва бардошли бўлиш;
- ўзини муваффақиятли ҳимоя қилишга мойиллик ва самарали хужумга ўта олиш;
- ўз иши ва қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни хис этиш;
- жамоада ва жамоа билан ишлашга ўзида эҳтиёж сезиш;

**Замонавий менежмент тамойиллари.** Амалиёт тажриба бошқарувнинг анъанавий тўрачилик тамойиллари ўрнига замонавий менежмент назариясининг тизимли тамойилларини ишлаб чиқди. Уларга қуйидагилар киради:

- тизимнинг ўзини-ўзи ташкил қилувчи ва ўзини-ўзи бошқарувчи инновация унсурларини шакллантириш ва ривожлантириш динамизми;
- вертикал тузилмаларни децентрализация қилиш ва мақсадли фаолиятни таъминловчи горизонтал алоқаларни кучайтириш;
- ижобий ва салбий оғишларга ўз вақтида, тез эътибор бериш;
- фирмада биргаликдаги ҳаракатлар ташкил қилиш борасида кўрилган тадбирларни тижорий ва функционал натижаларга, эришишга ёрдам бераётган, ҳам самарали ишлашга ғов бўлаётган омилларга баҳо бериш.
- замон ва маконда фаолиятни бошқариш, одамларни (персонални) бошқариш, ишлаб чиқаришни янгилаш учун ташкилотдан ташқари алоқаларни бошқариш усуллари ва жараёнларини синтез қилиш орқали уларни самарали бирлаштириш.

**Илим ва маҳорат.** Замонавий менежерга бутун дунёда самарали, инновацион раҳбар деб қаралади, унинг ютуқлари қуйидагилардан ташкил топади:

## **ЕТАКЧИ | ҲУҚУҚ | ИШ УСЛУБИ | МАНСАБ**

Бунинг учун менежер бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва тамойилларини, замонавий менежер назарияси ва амалиётини, менежмент тизимида одамларнинг бир мақсад йўлидаги ҳуқ-атвори, юриш-туриши тарзини асослаш шакллари ва услубларини бошқаришнинг замонавий парадигмаларини, бозор тузумларини лойиҳалашга системали ёндашишни, бозор тузулмаси фаолияти натижаларини комплекс равишда таҳлил этиш усулларини билиш керак. Менежер амалдаги қонунларни ва менежментни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамда фаолият доирасида қонуний равишда тартибга солиб туришни билиши керак.

Менежментда кўпгина анъанавий мактаб ва услублар ўрганиб борилсада, уларнинг имкониятлари бугунги кунга келиб бир оз торайгандек. туюлпти. Шунинг учун ҳам янги, янада замонавий бошқарув усуллари талаб этилади ва кўпчилик менежерлар қўл остидаги одамларга бошқачароқ муносабатда бўлишлари, муомала қилишнинг бошқа усуллари ўзлаштиришлари керак.

Бугунги кунда ёлланма ходимлардан фойдаланиш катта сарф-ҳаражатлар ва қатор қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бироқ шунга қарамай, ҳар бир раҳбардан одам ресурсларидан моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади. Кенг кўламдаги ўзгаришларнинг юз бериши янги кўникмаларни ўзлаштиришни, янги ёндашувларни ривожлантиришни, замондан орқада қолиб кетмаслиги учун курашишни талаб этади. Шунинг учун ҳам менежерлар бошқаларнинг янги усулларни тезроқ ўрганишлари ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришларига ёрдам беришлари талаб этилади.

Мураккаб муаммолар бир неча одамларнинг биргаликда ҳаракат қилишларини, қарорларни ҳамкорликда амалга оширишларини тобора кўпроқ талаб қилмоқда,

бинобарин менежер тадбиркор, топқир, самарали ишлай оладиган гуруҳларни барпо эта олиши, уларни мутассил такомиллаштириб бора олиши керак.

**Таянч сўз ва иборалар:** Менежмент назарияси асосчилари, Ф.Тейлор, Г.Форд, Г.Гильберт, Г.Эмерсон, А.Файол, бошқувнинг (классик) мактаби ёки «илмий менежеризм» мактаби, инсоний муносабатлар мактаби, инсоний сайи-ҳаракатлар мактаби, бошқарув илми ёкимикдорий услуб мактаби, Ўзбекистонда бошқаришнинг илк илмий асослари, А.Темур, замонавий менежмент тамойиллари.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Э.Тейлор Ким?
2. Илмий бошқариш мактаби намояндалари қаторида кимларнинг номларини келтира оласиз?
3. Маъмурий менежмент мактабининг асосчиси Ким?
4. Ўзбекистонда бошқаришнинг илк асослари қандай шаклланган?
5. Замонавий менежментни қандай тасаввур қиласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. -Т.: «Университет», 1997.
4. Парпиев У., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: «Шарқ», 1995.
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. -Т.: «Меҳнат», 2000.

## **3- Мавзу. Менежмент конунлари ва тамойиллари.**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Иқтисодий конунларни билиш аҳамияти.
2. Умумий иқтисодий ва фалсафий конунлар.
3. Менежментнинг асосий тамойиллари.

### **3.1. Иқтисодий конунларни билишнинг аҳамияти.**

Менежмент жамият конунлари тизимида асосланади. Назарий жихатдан тушунмай ва асосланмаган ҳолда бирорта йирик амалий масала ҳал этилиши мумкин эмас. Назария янгиланишнинг муҳим усулидир. Фан эса воқелик ҳақида объектив билимларни урганиш ва тартибга солишга қаратилгандир. Билимларни тартибга солиниши конунларда ифодаланади.


Конун - фалсафий категория бўлиб, борлик воқеаларнинг барқарор, такрорланувчан алоқаси ва муносабатини, ҳодисалар юз беришининг аниқ тартибда бўлишига олиб келувчи томонларини акс эттиради. Конунларни билиш ривожланишнинг объектив йуналишларини аниқлаш, амалий вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Шу сабабли иқтисодиётни бошқариш конунларни билаш, уларни амалда усталик билан қўллай олишга асосланиши керак.

Умумий фалсафий конунлар материя, ҳаракат, макон, замон, микдор, сифат, сабаб, окибат, шакл, мазмун каби категориялар воситасида ифодаланади. Иктисодий назария конунлари иктисодий категориялар воситасида (мулк, ишлаб чиқариш, талаб, таклиф, тақсимт, айирбошлаш, қиймат, нарх, фойда, товар, пул, мувозанатланиш) фиодаланади.

Иктисодиётни бошқаришда конунлардан канчалик тулик ва изчил фойдаланилса, меҳнат сарфи шунчалик самарали бўлади. Ва, аксинча, бошқариш жараёнида иктисодий конунларни ҳисобга олмаслик жамият учун қутилмаган, салбий оқибатларга олиб келади. Шу сабабли бошқарув конунларини урганишда факат амал қилишни эмас, балки бошқарув жараёнида онгли равишда қулланилишни ҳам қузда тутиш лозим. Бошқарув конунларидан онгли равишда фойдаланишнинг қуп жихатдан уларни урганиш билан боглик. Конунлар канчалик чуқур урганилса, улардан амалда тугри фойдаланиш имқониятлари ортади.

Лекин бошқарув конунларини билиш уларни аниқ амалиётда муваффақиятли қуллаш учун қафолат бўлолмайди. Конунларни билишда назария амалиётдан ажралиб қолиши фойдасиздир. Демак, конунлардан фойдаланиш уларни билиш, тушуниш, амалда уз вақтида ва тугри қуллаш олишга боглик экан. Бу бошқарув самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи омилдир.

Иктисодий конунлар тизимидан фойдаланишнинг асосий унсурлари ва босқичлари қуйидаги схемада акс эттирилган:



Қурсатилган схемани таҳлил этиш жараёнида уҳта узаро боглик ва кетма-кет, иктисодий конунлар тизимидан фойдаланилган ҳолда ечиладиган масалаларни қуриб утиш зарур:

- мавжуд конунларни, уларнинг у ёки бу босқичда намоён бўлиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чуқур ва ҳар томонлама билиш;

- иктисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларини белгилаш ва уларни ҳал этиш йулларини аниқлаш;

- хужалиқ юритишнинг бозор иктисодиёти шароитида ривожлантириш ва унга мос шакл ва услубларини қуллаш.

### **Умумий фалсафий ва иктисодий конунлар.**

Умумий фалсафий ва иктисодий конунлардан тугри фойдаланилган ҳолдагина иктисодиётни муваффақиятли бошқариш мумкин. Умумий фалсафий конунлар таъсири ижтисоий амалиётда иктисодий ривожланиши қонуниятлари ва йуналишларини аниқлаш шаклида намоён бўлади. Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги турли-туман ижтимоий муносабатлар фани умумий фалсафий, ҳам иктисодий назария умумий конунларга бўйсунди.

Умумий фалсафий конунлар бу аввало қуйидаги материалистик диалектика конунларидир:

1. Микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиш конуни нарса ва ходисалар микдор ва сифат жихатларини узаро богликлиги ва таъсирини тавсифлайди.

2. Карама-каршиликлар бирлиги ва кураши конуни ҳаракатлантирувчи куч,уз-уздан ҳаракат килиб амалга ошувчи ривожланиш манбаини курсатади.

3. инкорни инкор этиш конуни чексиз ривожланиш ва такомиллашиш йуналишини белгилайди. Эскирган нарсани инкор этмай, ривожланишга эришиб булмайди, чунки инкор натижасида янги нарса учун жой яратилади. Шунинг учун инкор янги билан эски боғланган вақтдир.

Бозор муносабатлари шароитида менежмент эски буйруқбозлик шакл ва услубларни инкор этиб, улар илмий асосланган янгилари билан алмаштирилади.

4. ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгдан бирламчи эканлигини белгиловчи конун меҳнат жамоаси, алоҳида меҳнаткаш ҳаётининг бирламчи эканлигини курсатди. Бошқарувни умумлаштириш зарур булган ижтимоий, жамоа, шахсий манфаатларни аниқлашда бу конун амал қилишини ҳисобга олмай амалга ошириб булмайди.

5. Ишлаб чиқариш қучларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларга нисбатан белгиловчи эканлигини ифодаловчи конун бошқарув учун катта аҳамиятга эга. Айнан бошқарув воситасида ишлаб чиқаришнинг икки томони ишлаб чиқарувчи қучлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар алоқаси юз беради.

Фалсафанинг юқорида санаб утилган ва бошқа конунлари менежмент методологияси асосини ташкил этади. Улар менежментда марказий категориялар булиб, унинг концепцияси бирлигини мустаҳкамлаш, барча категориялар уртасидаги боглиқликни аниқлашга имкон яратади.

Иқтисодиётни бошқариш тизимида иқтисодий конунлар етакчилик қилади. Инсонлар меҳнатини эркин бирлаштирувчи ва тартибга солувчи бошқариш тизими мақсадларни аниқ белгилаш, уларни амалга ошириш йулларини излаш, улар эришилган натижаларига баҳо бериш, иқтисодий самарадорлигида акс этувчи иқтисодий конунлар талаблари аниқ ҳисобга олиш лозим.

1. Жамият эҳтиёжларини мумкин қадар кам ресурслар сарфлаб иложи борица тулик қондириш конуни. Жамиятдаги барча иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар, уларни амалга ошириш конунлари бу конунга амал қилади, чунки у қуйидагиларни ифода қилади:

- ишлаб чиқаришнинг объектив йуналиши, унинг халқ фаровонлигини ошириш, шахсий ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилганлигини;
- инсонлар ҳужалик фаолиятининг асосий сабаблари, умумхалқ иқтисодий манфаатларининг етакчилигини;
- ишлаб чиқариш самарадорлигинининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини.

Бозор муносабатлари шароитида бу конуннинг мазмуни ҳар томонлама бойиб боради.

2. Қиймат конуни ёки нарх конуни. Товарларнинг пулда ифодаланган қиймати нарх деб аталади. Нарх эса талаб ва таклифга боглиқ равишда аниқланади. Нарх бозор бараметридир: агар талаб ва нарх юқори булса, ишлаб чиқариш кенгаяди. Талаб ва нарх пасайганда ишлаб чиқариш қисқаради. Талаб ҳажми ва таркиби таклиф ҳажми ва таркибига тенг булган ҳолдаги нарх мувозанат нархи дейилади.

Ишлаб чиқариладиган ҳар бир товар тури, ҳажми уларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларга тенг бўлиши, яъни тулов қобилиятига эга талабга тенг бўлиши керак.

3. Талаб қонуни. Унинг мазмуни шундан иборатки нарх канча юқори бўлса, талаб шунчалик кам бўлади. Талаб харидорнинг тулов қобилиятини ифодалайди. Бунда талаб эластиклиги коэффициентлари қандай аниқланишини қуриб чиқамиз:

$$K_{\text{талаб элас.}} = \frac{\text{талаб ҳажми ўсиши } \%}{\text{нархларнинг пасайиши } \%}$$

4. Таклиф қонуни. У нарх ортиши билан таклиф ортишини ифодалайди. Таклиф - бу товар ва хизматларнинг нархдаги қийматидир. Бунда таклиф эластиклиги коэффициентлари қуйидагига тенг:

$$K_{\text{таклиф элас.}} = \frac{\text{таклиф ўсиши ҳажми, } \%}{\text{нархлар ўсиши, } \%}$$

5. Рақобат қонунининг моҳияти шундан иборатки, яъни рақобат шароитида зарар келтирмай энг яхши натижага эга бўлиб бўлмайди, чунки барча товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ошиши тартибини урнатиб бўлмайди.

6. Истеъмолчи нуқтаи назаридан энг сунгги нафлилик қонуни. Нафлик - товар ва хизматлар истеъмолидан қониқишни билдиради. Умумий нафлилик маълум товар ва хизмат бирлигидан қониқишни билдиради; сунгги нафлик - шу товар ва хизматнинг яна сотиб олишдан қониқишни билдиради.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда иқтисодий қонунлардан фойдаланиш имкониятлари ҳар томонлама кенгайиб боради.

### 3.3. Менежментнинг асосий тамойиллари.

Тамойил - бу фаолият юритиш, халқнинг асосий қоида, етакчи ғоядир. Илмий адабиётларда одатда бошқарув тамойиллари деганда иқтисодиётга раҳбарлик қилишда асосланиладиган асосий қоида, йул-йурик, ҳулқ меъёрлари тушунилади. Бошқарув тамойиллари иқтисодиёт қонунлари таъсири натижасида бошқарув усулларига боғлиқ ҳодисалар моҳиятини акс эттиради. Бошқарув механизми схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

қонунлар → тамойиллар → усуллар → услублар.

Бошқарув тамойиллари ўзаро боғлиқ ва биргаликда қулланилиши лозим. Асосий тамойилларга қуйидагилар қиради:

1. *Бошқарувда яққабошчилик ва коллегиаллик тамойили.* Яққабошчилик тамойили бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш персонали аъзоларининг ягона раҳбар бўйруқларига қатъий бўйсунушини талаб қилади. Юқори даражадаги раҳбар қуйи бугин раҳбари вақолатига қирувчи масалаларни ҳал этмаслиги лозим. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий шарти ҳар бир ижрочининг ҳуқуқ, бурч, мажбуриятларини қатъий белгилаб қуйишдир. Ягона бошчилик коллегиаллик, қабул қилинадиган қарорлар ошқаралиги билан қушиб олиб бўрилиши керак. Коллегиаллик интизом, раҳбар, ягона шахс иродасига сузсиз бўйсунуш билан бирга

амалга ошиши керак. Демократия, ошкоралик ҳар бир кишига уз фукаролик қарашларини намоён қилиш, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол қатнашиш учун имкон яратади.

2. *Илмийлик тамойили.* Бошқарув тамойиллари орасида валютаризмни инкор қилувчи ҳар бир раҳбар иқтисодий қонунлар, ҷамият ривожланишининг объектив йуналишлари, бу соҳада миллий ва чет эл таҷрибасини қўллашини тақозо қилувчи урин эгаллайди.

3. *Режалилик тамойили.* Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режалли бошқариш - бизнес ва стратегик режалсини тузиш - иқтисодий сиёсатларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Бу тамойил ишлаб чиқариш ривожланишининг узок муддатга мулжалланган йуналишлари, суръатлари ва нисбатларини, суръатлари ва нисбатларини белгилашни ифодақайди.

Ишлаб чиқаришни режаллаштириш бошқаришнинг асосий вазифаларидан биридир. У иқтисодий қонун, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини илмий таҳлил этиш, эҳтиёжларни истикболини аниқлаш техникавий ва ташқилий қарорларни қабул қилиш асосида амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида стратегик режаллаштириш - у ёки бу тармок ривожланишининг мақбул нисбатларини, энг муҳими ресурслардан самарали фойдаланиш йулларини белгиловчи иқтисодий ривожланиш параметрларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга булади.

4. *Бошқарув шакл ва усулларини тақомиллаштириб бориш тамойили.* Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг уч шакли маъжуд: хусусий, ҷамоа, давлат бошқаруви. Бошқарувнинг хусусий шаклида мулкдор яққа узи қарор қабул қилади ва бутун иш учун ҷавобгар булади. Бошқарув хусусий шаклининг ижобий томони мулк эғаси ишлар боришини узи тулик назорат қилиш имқониятига эғалиги қамчилигини эсасарсояннинг унча қатта булмаслиги ва бир қиши бошқарувнинг турли вазифаларини баҷаришига мажбурлидир. Мулкдор бошқарувнинг барча вазифаларини амалга ошириши: режаллаштириш, ташқил этиш, рағбатлантириш, йуқатош зарар ва бошқаларга шахсан булишдадир. Қучли рақобат шароитида мулкдор синмаслиги учун доимо уз билимларини қупайтириб, бошқарув усулларини тақомиллаштириб, яъни ишчиларга таъсир этиш йулларини бозорда маъжуд ҳолатга мос равишда узғартириб бориши керак.

Бошқарувнинг ҷамоа шаклида икки ёки ундан қуп ҷисмоний ва ҳуқуқий шахслар бошқарув қарорларини бирғалиқда қабул қиладилар ва қорҳона ёки акционерлар ҷамияти фаолияти учун ҷавобгар буладилар. Шерикчилиқ нисбатан маалақали бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарувнинг хусусий шакли қамчиликларини бартараф этишга имқон яратади. Бошқарувнинг ҷамоа шаклининг афзаллиги шериклар акция сотиш йули билан қушимча сармоё ҷалб қилиш имқониятига эга булишидадир. Бошқарувнинг ҷамоа шакли директорлар қенғаши томонидан амалга оширилиб, у асосий бошқарув сиёсатини ва бошқарувнинг мажуд вазиятга мос иқтисодий, ташқилий-бошқарувчилик, ижтимоий-психологик, ҳуқуқий усулларини танлайдилар. Бошқарувнинг ҷамоа шаклининг асосий қамчилиги барча шериклар - акция эғалари бошқарувда ва қорҳона фаолиятини назорат қилишда қатнаша олмайди. Унинг яна бир қамчилиги - қорпорация, акционерлар ҷамияти ёки қорҳона акционерларидан «икки ёқлама» солиқ олинишидир, қунқи қорҳона фойдадан. Акционерлар эса қушимча равишда дивидентдан солиқ тулайдилар.

Давлат бошқарув шакли давлат ёки маҳаллий мулк булган қорҳоналарда амалга оширилади. Давлат бу қорҳоналар фаолияти учун тулик ҷавоб беради.

5. *Кадрлар танлаш ва жойлаштириш тамойили.* Бозор иктисодиёти шароитида кадрларни танлаш ва жой-жийига куйиш тамойили маҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари бошқарув кадрларига катъий талаблар қуяди, уларнинг ишбилармонлик сифатлари, ишлаб чиқариш олдида турган масалаларни белгилайди.

6. *Агентлар мустақиллик ва эркинлиги тамойили.* Бозорда агентлар фаолияти иктисодий жавобгарлик билан биргаликда амалга ошириш керак.

7. *Шахсий таъаббус тамойили.* Бозорда ишбилармон, омилкор, шахсий фойда учун ҳаракат қилувчи, тадбиркор кишилар фаолият юритиши керак.

8. *Жавобгарлик ва таваккалчилик тамойили.* Тадбиркор уз фаолияти учун жавобгар бўлиши, бунда маълум таваккалчилик ҳам ҳисобга олиниши, яъни тадбиркорнинг уз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлиши керак.

### **Хулоса.**

Иктисодиётни бошқаришда қонунлардан қанчалик тулиқ ва изчил фойдаланилса, меҳнат сарфи шунчалик самарали бўлади. Ва, ақсинча, бошқариш жараёнида иктисодий қонунларни ҳисобга олмаслик жамият учун қутилмаган, салбий оқибатларга олиб келади. Шу сабабли бошқарув қонунларини урганишда қанат амал қилишни эмас, балки бошқарув жараёнида онгли равишда қулланилишни ҳам қузда тутиш лозим. Бошқарув қонунларидан онгли равишда фойдаланишнинг қуп жихатдан уларни урганиш билан боғлиқ. Қонунлар қанчалик қуқур урганилса, улардан амалда тугри фойдаланиш имқониятлари ортади.

### **Таъанч иборалар:**

Қонун, принцип, қонуният, системанинг бирлиги, пропорция, марқазлаштириш. номарқазлаштириш, оптималлик, режалаштириш.

### **Саволлар:**

1. Қайси иктисодий қонунлар сизга маълум?
2. Моддий диалектика қонунлари моҳияти ва уларнинг бошқарувга таъсирини таърифлаб беринг.
3. Бозор иктисодиётида қайси қонунлар моҳим роль уйнайди.
4. Бошқарувнинг қайси принциплари сизга маълум?
5. Рақобатчилик қонунининг моҳияти нимада?

### **Адабиётлар.**

- 1.Гладўшев А.Г., Городеяненко. Теория управления: Учеб. пособ. – М., 2003. – 100 с.
- 2.Говриленко В.М. Менеджмент: Конспект лекций. - М.: Приор-издат, 2004. - 160с.
- 3.Гурков И. Б. Стратегический менеджмент организации: Учеб пособ. 2-е изд., исправ. и дополн. - М: ТЕИС, 2004. - 238 с.
- 4.Джини Даниэль Дак. Монстр перемен. Причинў успеха и провала организационнўх преобразований. - М.: Альпина Паблишер, 2003. - 320 с.
- 5.Егорова В.Н., Уолт К. Ключевўе показатели менеджмента. 2-е изд.- М: Дело, 2004. - 100 с.

## 4-Мавзу. Менежмент функциялари

### Ўқув модули бирликлари:

1. Менежмент функциялари
2. Менежмент функцияси классификацияси ва тушунчаси

#### 4.1. Менежмент функциялари

Хамма бошқарувнинг узлуксиз ишлаш жараёни менежментдир. Бу бошқарув аппаратининг меҳнат жараёнидир. Умумий ҳолда менежментни қуйидагича тавсифлаш мумкин: технология нуқтан-назаридан (қандай бажарилади), ташкиллаштириш (ким томонидан ва қандай тартибда) ва мазмунан (аниқ нима едкнади).

Менежмент икисодий нуқтаи-назаридан - бу, аввало, хамма иқтисодий муаммоларни бошқариш системаси, инсонларни бошқариш. Менежмент ижтимоий нуқтаи-назаридан - бу, аввало, меҳнат жамоалари ижтимоий талабларини қондириш, инсонни тарбиялаш. Менежмент жараёни технологияси эса бошқарув аппарати ходимларининг бажараётган амалий ишларидир.

Шундай қилиб, менежмент жараёни қуйилган масалага эришиш учун бошқарув аппарати раҳбари ва одамларнинг қилишилган ҳолда ҳамоҳанг фаолият қурсатишидир.

Менежмент жараёни *бостум*, операция, восита ва операциясини амалга ошириш билан тавсифланади. Менежмент жараёни моҳиятидан қилиб чиқиб, қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин:

МАКСАД] (ХОЛАТ) [МУАММО] ЕЧИМ

Қурсатилган кетма-кетлик билан бошқарув фаолияти бажарилади. Ҳар қандай фаолият мақсадли бошқарувга йўналтирилган бўлиши керак, эро бошқариш мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Менежментнинг навбатдаги босқичи ҳолатларини таҳлил этиш дейилади. Бу босқичда ишлар мажмуи, система ҳолатини баҳолаш, уни такомиллаштириш йўллари, ишга ҳалакит берувчи элементларидан қутулиш чоралари қурилади.

Муаммолар босқичида системани жорий ҳолатидаги асосий қарама-қаршилиқлар, система ишини яхшилаш учун нималар қилиш кераклиги аниқланади. Ечим босқичи раҳбарнинг амалий ишларга утиш фаолиятидир. қарор қабул қилиниши биланок бошқарилувчи системаларга аниқ таъсир қурсатилади, алоҳида оддий бошқарувга оид ҳаракатлар бажарилади.

Менежмент жараёни услуби қуйидагилар: ахборот-аналитик ва ташкилий ишлар.

Ахборот-аналитик ишлар қуйидагилардан иборат: ахборотлар йиғиш, таҳлил этиш, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, бошқарув Қарорлари вариантларини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорлари вариантларига доир ахборотларни сақлаш ва бошқалар.

Ташкилий ишлар қуйидагилардан иборат: тушинтириш, ишонтириш, рағбатлалтириш, топшириқларни тақсимлаш, ижрони назорат қилиш, таъсир этиш ва бошқалар.

Инсонларни бошқариш нафакат қарорлар қабул қилиш билан, балки уни бажарилишни назорат қилишни ҳам тақозо этади. Афсуски, қуп ҳолатларда ҳаётимизда менежмент жараёни бажарилиши ҳар тарафлама ташкил этилмайди, уни ташкилий, мазмунан, техник томонлари узаро боғланмайди.

#### 4.2. Менежмент функцияси классификацияси ва тушунчаси

Менежмент жараёни мазмуни уни функцияларда куринади. Менежмент функцияси дейилганда бошқарувга доир маълум масалаларни ечишга йуналтирилган бир турли ишлар йигиндиси тушунилади. Бошқарув органлари ва ижрочилар маъсулиятли бошқариш функциясини белгилайди. Бу вазифалар функционал булим тўғрисидаги Низом ва мансабдор бошқарувчилар учун курсатмаларда уз ифодасини топади. Бошқарув жараёнининг функционал тахлили хар бир функция учун иш хажми асосларини ташкил этади, бошқарувчилар сонини белгилайди, ва бошқарув тизимини лойик^алаштиради.

Бошқарув органлари асосий ва аник функдияларга бўлинади. Асосий функция хам ишлаб чикариш жараёнида хам муомала ва ноишлаб чикариш амалга ошади.

Улар куйидагилар:

- а) маркетинг; г) мувофиклаштириш;
- б) режалаштириш; д) рағбатлантириш;
- в) ташкил этиш; е) хисоб ва назорат;

А) Маркетинг - бу инсон э^тиёжи ва талабларини таъминлаш ва фойда олиш максадида бозор билан амалга ошадиган, товарлар сотилишини таъминлаш, айирбошлаш тезлаштиришга қаратилган фаолият. Масалан, асосий товарни қайта ишлаш, бозорни тахлил этиш, коммуникацияни йулга қуйишни, таксимлашни ташкил этиш, баҳоларни белгилаш, сервис хизматини ривожлантириш. Булар бошқарувни функцияларига таъсир этади.

Б) режалаштириш - бу ижодий лойихалайгирнш истикболини, иктисодий системани белгилаш. Режалаштириш барча хужалик субъектлари стратегиясида уз аксини топади.

В) ташкил этиш - бу техник, иктисодий, ижтимоий ва бошқариш системаларини тартибга келтириш. Менежменти ташкил этиш, аввало, энг макбул ташкилий тузилмалар қуриш, моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, бошқариш тизимлари орасидаги муносабатларни уюштириш.

Г) мувофикаштириш - техник, иктисодий, ижтимоий масалаларни бирга хал этишда барча бошқарув функцияларининг келиши. Бундан узаро алоқа урнатилади, амалдаги меъёр ва меъёрий хужжатлардан четланилса огохлантирилади.

Д) рағбатлантириш - бу инсон омилини кенг демократая асосида фаоллаштириш, унинг манфаатлари йулида гамхўрлик қилишни бошқариш;

Е) хисоб ва назорат - бу бошқарилувчи система ҳолатининг назорат ва хисобга олиш, ишни бир меъёрда таъминлашни бошқариш.

Агар бошқарилувчи объект узига хос хусусиятларга эга бўлса, бошқарув функциялари хам фаолият кўрсатади. Бирок, корхона тамсолида ^куйидагиларни^ функцияларни ажратиш мумкин:

- а) асосий ишлаб чикаришни бошқариш;
- б) ёрдамчи ишлаб чикаришни бошқариш;
- в) махсулот сифатини бошқариш;
- г) меҳнат ва иш ҳақини бошқариш ва бошқалар.

Хар бир аник функция менежмент функциясининг таркибий қисми бўлиб, улар уз навбатида яна бир неча қисмга бўлинади. Масалан, асосий ишлаб чикаришни бошқариш маркетинг, режалаштириш, рағбатлантириш ва бошқаларни уз ичига олади. ҳамма функдиялар узаро алоқада бўлади.

Бозор мухитининг тез узгариши корхонага доим "ташвиш" келтариб туради. Аҳоли даромади, харид килиш қобилияти, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб, демографик шароит тез-тез узгариб туради.

Масалан, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши дилтортар товарларга эҳтиёжни оширади. Шундай товарларга талабни қондирган корхона катта фойда олади. Бозор муносабатларининг узгариши ишлаб чиқариш ва бошқаришни ўзгаришини талаб этади. Менежмент функциясини узгартиришга эҳтиёж тугилади. Яна қуйидагилар қайта қурилади:

режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш ва бошқалар.

Бозор муносабатларига ўғиш, барча Низом, йуриқномалар қонунга зид меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қайта қуришни талаб этади. Бошқариш, лизинг, молия ва кредит, нарх белгилаш ва режалаштиришда янги низомлар қабул қилинади. қўйи ва юқори ташкилотлар уртасида ошқоралик қенгади, бошқарув органлари функцияси узгаради.

Менежмент функциясининг "бошқариш" роли ҳам тубдан узгаради. Халқ; ҳужалигининг барча бўғинлари, ҳуқуқий бошқариш бошқатдан қурилади.

Асосий эътибор ишлаб чиқариш ва истеъмол уртасидаги зарурий муносабатни урнатишга қаратилади. Ишлаб чиқариш ва таъминот, меҳнат ва иш хақи, ишчи урни қони ва меҳнат ресурслари, талаб ва тақлиф уртасидаги зиддиятлар қартараф этилади.

Бошқарув органларининг ниҳоятда самарали ишлаши ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унга эришиш воситаларини мувофиқлаштиришни қўзда тутлади.

Меҳнатни қировард натижасига қараб қодимларни рағбатлантириш қўндаланг туради. Бунда қоддий рағбатлантириш қилан қирга қодимларни маънавий рағбатлантириш усули қўлланиладики, ақсарият қолларда у қатта самара қеради.

Шундай қилиб менежмент функцияси ҳеч қачон қўнмайди, у доим аниқ қиллий қолатларни ҳисобга олган қолда ҳамда инсон руҳиятидаги узгариш қараёнларига қараб тақомиллашаваради.

## **5-Мавзу. Менежмент усуллари**

1. Менежментнинг иқтисодий усуллари.
2. Менежментнинг ташқилий қармойиш усули.
3. Менежментнинг ижтимоий-психологик усуллари.

### **5.1. Менежментнинг иқтисодий усуллари.**

Бошқарув усуллари бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадли йуналтирилган таъсир утқизишнинг усуллари, яъни бошқарувчининг у бошқараётган ишлаб чиқариш қоллективига қўйилган мақсадларга эришиш қараёнида унинг қаролияти қординаясини таъминлашқир.

Бошқарув усуллари воситасида иқтисодий қараёнларга ва ишлаб чиқариш қатнашқиларига қоддий, молиявий, энергия, меҳнат ресурсларини имқони қорича қам сарф қилиб юқори натижаларга эришиш мақсадида таъсир этилади. Ишлаб чиқариш самарақорлиги қўп қихатдан бошқарув усуллари муқаммаллиги ва тутри шаклланлиги қилан ўзвий қогликқир.

Бошқарув усуллари бошқарув фанида муҳим уринни эгаллаб, бошқарув конун ва тамойиллари билан узвий богликдир. Мехнат жамоасига таъсир этиш усуллари орасида бошқарув механизми учун бозор иктисодиёти шароитида бошқарув объектив конунлари талабларига мувофик келувчиларигина энг макбул ва максадга мувофик деб ҳисобланади. Бунинг моҳияти шундаки, бошқарув усуллари бозор иктисодиётига мансуб конунлар тизими билан узвий богликдир.

Бошқарув усуллари ташки ва ички омиллар таъсирида узгаради. Ташки омилларга: ташки ва ички шароит узгариши, иктисодиётни бошқаришда туб ислохатларни амалга ошириш, халқ хужалигининг техникавий куролланганлик даражасини бошқариш тизимида узгаришлар (иктисодий ислохатлар, иктисодиётни бошқаришнинг тармок тизимидан ҳудудий тизимига утиш ва ҳ.к.) киради. Ички омилларга: жумласига йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш концентрациясини амалга ошириш; корхона катталиги узгариши натижасида унинг бир гуруҳдан иккинчисига утказилиши; ишлаб чиқариш ихтисослашиш даражаси узгариши; мехнатнинг техника билан таъминланиш даражаси яхшиланиши; ишлаб чиқаришни режалаштириш ва жадал тартибга солишнинг мавжуд усуллариини такомиллаштириш ва янгиларини жорий қилиш (тармоқли режалаштириш ва бошқариш; ишлаб чиқаришни узлуксиз тезкор режалаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни автоматлаштирилган тизимини куллаш ва ҳ.к.) киритиш мумкин.

Бошқарув усуллари бевосита ижтимоий-иктисодий муносабатларга таъсир этувчи ишлаб чиқариш усули ривожланиши ва жамият ишлаб чиқариш қучлари усиши билан узгариб боради. Иктисодиёт муваффақиятли ривожланишда бошқарув усуллариини тугри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бошқарув усуллариини иктисодиётнинг маълум аниқ соҳаларида амал қилишнинг турли йуллари орасидаги умумий ходиса сифатида ажратиш мумкин. Масалан, бошқарув даражалари бўйича бошқарув усуллари (давлат секторини бошқариш усуллари, цех, корхона, бирлашма, минтакани бошқариш усуллари), ёки тармоқларни бошқариш усуллари (саноат, транспорт, кишлок хужалигини бошқариш усуллари) ҳақида суз юритиш мумкин. Шунингдек, турли субъектлри томонидан кулланиладиган бошқарув усуллариини ажратиб курсатиш мумкин. Давлат бошқаруви усуллари жамоат ташкилотларини бошқариш усуллари. Ёки иктисодиётнинг айрим соҳаларида кулланиладиган бошқарув усуллариини (ишлаб чиқаришни, молиявий соҳани, фан ва маорифни бошқариш усуллари)ни ҳам кузда тутиш лозим.

Бошқарув ташкилотлари тизими билан турли-туманлиги бу ташкилотлар фаолияти усуллариини ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ерда суз вазирликлар, ассосациялар, акционерлар жамияти, давлат кумиталарини бошқариш усуллари ҳақида суз боради.

Ва нихоят, турли туркумга қирувчи ишловчилар бошқарув фаолиятида менежерлар, директорлар, булимлар бошликлари томонидан кулланиладиган бошқарув усуллариини ажратиб курсатиш мумкин.

Демак, бошқарув назария ва амалиётида турли бошқарув усуллари мавжуддир. Улар бошқарув усуллариининг ҳар бир гуруҳи уз хусусиятларига эга бўлган тизимни ташкил этган.

Халқ хужалигини бошқаришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: иктисодий, ташкилий, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий. Бошқарувнинг бу усуллари узаро узвий богликдир, шу сабабли уларнинг бирортасига ортикча

аҳамият бериш бутун ишлаб чиқаришнинг нормал бориши бузилишига олиб келади. Хозирги даврда бозор иқтисодиётини бошқаришнинг иқтисодий усуллари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари кишиларга иқтисодий манфаатлар орқали таъсир курсатади.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига улар манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароит яратишдан иборатдир. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи уринни эгалайди.

Иқтисодий усуллар иқтисодий таъсир воситалари йигиндисидан (нарх, кредит, бизнес-режа, фойда, солиқлар, иш хаки, иқтисодий рағбатлантириш ва ҳ.к.), яъни хужалик фаолиятига таъсир этишнинг ҳар бир жамоа мос хужалик бугини билан узвий алоқада амал қилишини таъминловчи тадбирларидан иборатдир.

Бозор механизмнинг муҳим вазифаларидан бири бизнес режа ва бозорнинг узвий боғлиқ бўлишига имкон яратувчи пул ва товар ресурслари тугри нисбатини таъминлашдир.

Бозор - бу товар-пул муносабатларининг доимо соқланувчи балансидир. Бозор муносабатлари шароитида режали иқтисодиётга нисбатан катъий бошқарув тизими урнатилади. Бозор тамойиллари хужалик раҳбарларидан ташаббускорлик, корхона фаолияти масалалари бўйича юқори натижаларга эришиш мақсадида қайишқоқлик, таваккалчиликни талаб этади.

Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозлик тизимида нисбатан қарама-қарши тизим бўлиб, бозорда нарх, солиқ, кредит воситасида тартибга солиш энг аввало ижтимоий мақсадда амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва иш хаки узгаришни катъий тартибга солмай барқарорликка эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар моҳирона ва уз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий усуллар билан қушиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Корхоналар, акционер жамиятлари, фирмаларда муҳим бошқарув усулларидан бири - бизнес-режалардир. У иқтисодий жараёнларни умуммиллий манфаатларни қўллаб, хужалик амалиётида объектив иқтисодий қонунлардан фойдаланиш асосида, онгли равишда, бир мақсадга интилан ҳолда бошқаришнинг узро узвий боғлиқ тизимидан иборатдир.

Бизнес-режа воситасида ҳал этиладиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: иқтисодиёт ривожланиши йўналишлари ва мақсадларни амалга ошириш йўллари қўрсатиш, иқтисодиётнинг барқарор, мутаносиб ўсишини таъминлаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни таъминлаш; тармоқларaro интеграция, тармоқ ичида ихтисослашув ва саноат кооперациясини қўқўрлаштириш; хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тезқор тартибга солиш ва координация қилиш.

Бизнес-режа корхона, акционерлар жамияти, концернлар фаолиятининг ҳамма томонларини: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш; моддий-техникавий таъминот ва ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш, меҳнат ва иш хаки, жамоада ижтимоий жараёнлар ва ҳ.к.ларни қамраб олади. Бозор муносабатлари шароитида уларга режалаштириш борасида кенг ҳуқуқлар берилади.

## **5.2. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усули.**

Хужалик ташкилотларининг ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича фаолияти бошқарувнинг турли ташкилий-фармойиш усуллари билан боғлиқдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар самарали фаолият юритишини таъминловчи таъсир этиш тизимидан иборатдир. Бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усуллари иқтисодий усуллари тулдириб, бозор иқтисодиёти қонунлари. Ҳуқуқий актларни ҳисобга олиш ва бажаришга асосланади.

Давлат махсус тузилган бошқарув ташкилотлари воситасида бошқариладиган тизимга маъмурий ва ташкилий жихатдан таъсир утказади. Менежмент тизимида ташкилий усуллар умумий мақсадга эришиш учун ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати тартибга солинадиган маъмурий ҳужжатлар асосида амалга ошади. Ташкилий-фармойиш усулини куллаш асосини бошқарувнинг барча тамойиларига риоя қилиш ташкил этади.

Нима сабабдан бошқарувнинг маъмурий-фармойиш усуллари маъмурий шакллар билан қушиб олиб борилади. Бу қуп ҳолларда ташкилий таъсир маъмурий ҳуқуқни куллаш, яъни қарор ва фармойишларни амалга оширишга асосланади. Лекин, «бошқарувнинг ташкилий-фармойиш усули» тушунчаси «маъмурий бошқарув усули» тушунчасидан бир мунча кенгдир, чунки ташкилий-фармойиш усуллари бошқарувнинг турли даражаларига турли қуламда ва шаклда ташкилий таъсир этишни урганиш масалаларини ҳам қамраб олади. Ташкилий-фармойиш усуллари ташкилий аниқликни таъминлайдилар, ташкилий тизим, бошқарувнинг ҳар бир бўғини вазифаларини белгилаб беради, бошқарув аппарати интизоми ва фаолияти самарадорлигини таъминлайди, ишда тартиб урнатади, қарор. Фармойишларни бажаради, кадрларни танлайди ва жой-жойига қуяди ва ҳ.к. Бошқарувнинг ташкилий фармойиш усуллари уларнинг ишлаб чиқарувчиларга таъсир этиш манбаалари ва йуналишлари бўйича турларга ажратилади. Бунга боғлиқ ҳолда таъсир этишнинг ташкилий-фармойиш усуллари уч гуруҳга бўлинади: ташкилий-барқарорлаштирувчи, фармойиш ва интизом.

Таъсир этишнинг ташкилий-барқарорлаштириш усуллари асосий мақсади ҳамкорликда ишлаш учун ташкилий асос яратишдир, яъни, вазифа, мажбурият. Жавобгарлик ва ваколатларни тақсимлаш, тартиб урнатиш ва ҳ.к. Маъмурий таъсирнинг ташкилий шакллариининг икки ташкилий регламентлаш ва ташкилий меёрлаш тури мавжуд. Ташкилий регламентлаш воситасида давлат бошқарувчи ва бошқариладиган тизимга уларнинг мақбул нисбатини, ташкилий тизимини ва ҳар бир даражада бошқарув чегараларини аниқлаш мақсадида таъсир этади. Ташкилий регламентлашга мисол қилиб лавозимлар ҳақида Низомни қурсатиш мумкин. Ташкилий меёрлаш ҳужжатлари воситасида ҳом-ашё, материаллар сарфини меёрлаш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришга меҳнат сарфи ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш техникавий ва технологик меёрлар (стандартлар, меёрлар, қайта ишлов бериш усули, тартиби ва ҳ.к.) ишлаб чиқаришини ташкил этиш меёрлари (мақбул ишланма қулами).

Таъсир этишнинг фармойиш усуллари чекловчи ҳужжатларда қузда тутилмаган мавжуд вазиятдан қелиб чиққан ҳолда қундалиқ жадал бошқариш мақсадида қулланилади. Фармойиш таъсирининг асосий мақсади бошқарув аппаратининг аниқ ҳаракати, бошқарувнинг барча бўлинма ва хизматлари барқарор ишлашини таъминлаб беришдан иборат. Таъсир этишнинг фармойиш усуллари

буйрук, фармойиш, курсатма ва бошка меёрий хужжатлар асосида амалга оширилади.

Буйрук - бу рахбарнинг кул остидаги ходимлардан маълум вазифани бажаришни ёзма ёки огзаки равишда алаб килишидир. Буйрук факат чизикли бошқарув тизими рахбари томонидан берилади. Фармойиш - ходимлардан айрим ишлаб чиқариш ва хужалик масалаларини ҳал этишни талаб килишдир. Фармойиш бошлик уринбосарлари, хизматлар бошликлари, улар эга булган ваколатлари доирасида берилади. Бошқарув амалиётида кулланиладиган таъсир килиш усулларида бири - огзаки курсатмадир. Таъсир килиш усулларида бири - огзаки курсатмадир. Таъсир этишнинг бундай шаклини барча даражадаги рахбарлар, лекин купинча куйи даражадаги командирлар, бригада бошликлари, усталар куллайдилар.

Фармойиш воситасида таъсир этиш бажариш муддатлари билан фарк килади. буйрук ва фармойишлар узок ёки киска муддатда мулжалланган булади.

Ҳар бир буйрук ёки фармойишда кандай вазифа бажарилиши, қачон бажарилиши кераклиги белгиланади. Таъсир этишнинг фармойиш усули ташкилий таъсирга нисбатан унинг бажарилишини назорат килишни купрок талаб этади. Ижро этишнинг бориши назорат килингандан сунг яна фармойиш билан таъсир этишга эҳтиёж тугилади. Фармойиш усулининг кулланиш кулами бошқарув кадрлари малакаси, ташаббускорлиги ва қобилиятига боглиқдир.

Корхонани бошқаришда фармойиш билан таъсир этиш факат қонунга зид булмаган ҳолдагина бажарилиши қатъий булган ҳуқуқий қучга эга булади. Шу сабабли барча тизимдаги ташкилий-фармойиш фаолияти мавжуд қонунчилиққа буйсунган ҳолда амалга ошириши лозим.

Интизомий таъсир усуллари ташкилий барқарорлаштирувчи ва фармойиш воситасида таъсир этиш усуллари тугдириб, интизомий талаблар ва мажбуриятлар тизими воситасида ташкилий алоқалар барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

### **5.3. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари.**

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари - бу ишлаб чиқарувчи ва айрим шахсларга уларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва психологик хусусиятларига таъсир этиш билан бошқариш воситасидир. Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари куллаш қорхонада юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни қучур урганиш қодимлар нерв системаси қайфиятига таъсир этувчи психологик (рухий) омилларни билишни талаб этади.

Ишлаб чиқариш шароитида социология қишилар ижтимоий алоқаси шаклланишининг асоси булган меҳнат омилларини урганади, ижтимоий тизимлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш тизими ривожланиши ва амал килиш қонуниятлари, қишиларнинг қамиятнинг турли қатламидаги ҳуқ-атвори қонуниятларини таққик килади. ижтимоий психология гуруҳ ва омма психологиясининг хусусиятлари, уларнинг шахснинг онги ва ҳуқкига таъсири, қишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар, қайфият, ижтимоий фикрни шакллантирувчи омилларни урганади. Шахс психологияси олий нерв фаолияти турлари ва инсон темпераменти, қарактери, шахснинг иродаси, қобилияти, қиссийети, хотираси, англаш ва қис этиш қобилиятини урганади, меҳнат психологияси меҳнат фаолиятлари, шу жумладан, раҳбар ва муқахассислар (қасбий хусусият ва қобилиятлари, қадрларни уқитиш усуллари, иш ва дам олиш тартиби, қадрларни

танлаш ва баҳолаш усуллари, меҳнат жараёнининг психологик жихатлари) фаолиятини урганади.

Кишилар фикрлаш усулида узгариш юз бериши ва улар маданий ҳамда билим даражаси ортиб бориши билан ижтимоий-психологик усуллар аҳамияти ҳам ортиб боради. Бундай шароитда шахснинг эҳтиёж ва манфаатлари маънавий соҳа томон узгариб боради. Уз меҳнатидан коникишнинг муҳим омили булиб ишлаб чиқарувчиларнинг раҳбар билан узаро яхши муносабати ишлаб чиқаришдаги қулай ижтимоий-психологик вазият хизмат қилади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари ишлаб чиқаришда мавжуд ижтимоий механизмни (узаро муносабат тизими, ижтимоий эҳтиёжлар) қуллашга асосланади. Бошқарувнинг ижтимоий усуллари ижтимоий тартибга солиш воситасида амалга оширилади.

Ижтимоий тартибга солиш усуллари турли гуруҳлар ва шахслар мақсади ва манфаатларини аниқлаш ва рўстлаш йули билан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва уйғунлаштириш мақсадида қулланилади.

Улар жумласига ижтимоий ташкилотлар низомлари, шартномалар, узаро мажбуриятлар, ишчиларни танлаш, тақсимлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш тизими қиради. Ижтимоий тартибга солиш усуллари инсон омили фаоллигини ошириш, бошқарувни демократлаштириш мақсадида ҳам қулланилади.

Бошқарувнинг психологик усуллари жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йули билан кишилар уртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Психологик усулларга кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш, меҳнатни инсонийлаштириш, малакали кадрлар танлаш ва уларни уқитиш ва ҳ.к.лар қиради.

Кичик гуруҳ ва жамоаларни ташкил этиш усулини қуллаш кичик гуруҳдаги ишчилар уртасидаги мақбул миқдорий-сифат нисбатини аниқлаш имконини беради.

Меҳнат фаолиятини инсонийлаштириш деганда ранглар, мусиканинг рухий таъсиридан фойдаланиш, бир хил, узгармас меҳнатни бартараф этиш, ижодий ёндашувни кенгайтириш тушунилади.

Қасбий танлашнинг моҳияти - кишиларнинг рухий хусусиятлари улар бажарувчи ишларига энг мос бўладиган қилиб танлашдан иборат. Шахснинг рухий хусусиятлари жусласига унинг қизиқиш ва майллари, қобилияти, темперамент ва характери қиради. Шу сабабли, раҳбар шахсга раҳбарлик қилганда уз олдида инсон рухий хусусиятлари шаклланиши ва ривожланишини урганиши, унинг қиқиқиш ва қобилияти, темперамент ва феълени билиш вазифасини қуйиши керак.

Шахснинг рухий хусусиятларини инсон фаолиятида ажратиб тушуниб бўлмайди, чунки киши қобилияти ва феъли хусусиятлари унинг фаолияти ва ҳулкида намоён бўлади. Инсон ҳаёти ва оммавий фаолияти унинг рухий ҳолатини шакллантиради. Инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима билан шугулланишини билмай вужудга қелганлиги, у ёқи бу нарсага қобилият ривожланганлиги, феъли шаклланганлигини англаб бўлмайди.

Инсон аввало узини ижодий шахс сифатида баҳолайди. Ишчи меҳнатга бундай нуқтаи назардан қарашга дарров қелмайди: моддий эҳтиёжлар бирламчи булиб, улар қоникқандан сунг нисбатан юқсак инсоний эҳтиёжлар илгари сурилади.

Инсон фаолияти маълум рағбатлантирувчи омилларга асосланган булиб, маълум мақсадга эришишга қаратилгандир. Рағбатлантирувчи омил - мақсад

муносабати инсон фаолияти узагидир. Умумий маънода рағбатлантирувчи омил - бу инсонни фаолият юритиш учун ундовчи омил булиб, мақсад эса инсон уни амалга ошириш натижасида эришишни хоҳлаган нарсадир. Рағбатлантирувчи омил киши хулқининг ички кучидир. Психологияда узок ва киска рағбатлантирувчи омил ажратилади. Агар инсон фаолиятини рағбатлантирувчи омил ва уз олдиға куйган мақсад якин келажакка мулжалланган булса, у киска муддатли, агар улар узок истикболни камраб олса узок муддатли дейилади. Рағбатлантирувчи омил даражаси билан инсоннинг меҳнатға, ютук ва муваффакиятсизликка нисбатан булган муносабати узвий богликдир. Факат узок муддатли рағбатлантирувчи омил меҳнатға ижодий муносабатда булиш манбаидир.

Раҳбарға хос булган муҳим хусусият кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи омилларни яхши билиш, ҳар бир кишини у ёки бу вазифани бажаришға кизиқтира олишдир. Бу айниқса, у ёки бу корхонаға ишға кириб, уларни келажакда нима кутишини билиш лозим булган ёшлар билан ишлашда муҳимдир. Раҳбар ишини ким ва қачон қайси скрипкани чалиши, қайси асбобда мусика чалишини урганган, ким нотугри чалиши мумкинлиги, кимни қайси ерға қуйиш кераклигини билиши лозим булган дирижер меҳнати билан солиштириш мумкин.

Киши рухий хусусиятларнинг у бажарувчи иш талабларига мос келмаслиги уз касбидан коникмаслик уни узгартиришға ҳаракат қилишға, ҳато қилиш эҳтимоли ортишиға ва натижада меҳнат унумдорлиги пасайишиға олиб келади.. аксинча, агар инсон уз қобилиятини тулик намоён қила олувчи иш билан бунд булса, у уз меҳнатидан мамнун булади, касбни тез эгаллайди ва меҳнат унумдорлиги юкори булади.

Инсон учун факат моддий рағбат муҳим деб ҳисоблаш нотугри. Унга жуда куп нарса катта умумий ишда уз ҳиссаси борлигини ҳис этиш, узини меҳнат орқали намоён этиш, уз малақаси билан гурурланиши, уртоклари ҳурматига сазовор булиш ва ҳ.к.лар ҳам муҳимдир. Купчилик кишилар шахсий фаровонликка бошқалар ҳисобига эришилган шахсий муваффакият орқали эмас, мамлакат иқтисодиётиға қушган меҳнати ҳисобига эришиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Изданишлар меҳнат меҳнатға нисбатан муносабатға таъсир этувчи рағбатлантирувчи омиллар қуйидаги тартибда тақсимланишини қурсатди: меҳнат моҳияти, иш ҳақи, юкори лавозимға эға булиш имқонияти, ишнинг кизиқарлилиги, меҳнатни ташкил этиш, маъмуриятнинг ишчига нисбатан муносабати.

### **Хулоса.**

Шундай қилиб, бошқарувнинг иқтисодий усуллари жуда кенг имқониятларға эғ булиб, улар моҳирона ва уз вақтида ташкилий-фармойиш, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий усуллар билан қушиб олиб борилган тақдирда яхши натижаларға эришиш мумкин.

### **Таянч иборалар:**

Иқтисодий воситалар, бошқариш усуллари, социология, психология, ҳуқуқий усуллар, тарбиявий усуллар, номарказлаштириш принципи, ижтимоий жавобгарлик, низо, асабни бузиш.

### **Саволлар:**

1. Иқтисодий бошқарув усулларининг қандай ютук ва қамчиликларини Сиз тасаввур этасиз?
2. Ташкилий-фармойиш (маъмурий) усулларнинг моҳияти нима?

3. Социология нимани урганади?
4. Ташкилий-мувофиқлаштирувчи таъсир меҳнат жамоаларига нимага керак?
5. Шахснинг кандай рухий хоссаларини биласиз?
6. Психология нимани урганади?
7. Маънавий рағбатлантириш деганда нимани тушунаси?

#### **Адабиётлар.**

1. Курс МВА по менеджменту. Ғ. Пер. с англ. Коэн. Аллен Р. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. - 507 с.
2. Мазур И.И. Управление качеством: Учеб. пособ. - М.: Омега-Л, 2005. - 400 с.  
Мазур И.И., Шапира В.Д. Нескучный менеджмент-2. Для руководителей и стремящихся ими стать. - М.: ЗАО "Издательство" Экономика, 2004.
3. Волгин В.В. Автосервис. Производство и менеджмент: Учеб. пособ. М.: Дашков и К, 2004. - 440 с.
4. Гавриленко В.М., Водопьянов В.П. Менеджмент: Учеб. пособ. - М.: Книга-сервис, 2003. - 192 с.

### **6-мавзу. Бошқарув маданияти ва услуги**

#### **Ўқув модули бирликлари.**

1. Маданият ва бошқарув
2. Бошқарув маданиятининг асосий элементлари.
3. «Раҳбар – бошқарув услуги» тушунчаси.

#### **5.1. Маданият ва бошқарув.**

“Маданият” тушунчаси ривожланиши даражасининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, бир қанча маънони билдиради. Масалан, жамият маданияти, айрим шахс маданияти, ва низо, инсон фаолиятининг айрим тури маданияти ҳақида сўз юритиш мумкин. Инсон фаолияти моддий ва маънавий бойликлар яратувчи турларга бўлинади. Шу сабабли, моддий ва маънавий маданият фарқи келинади.

Моддий маданият инсон томонидан табиатни бўйсундириш даражаси кўрсаткичидир. Унга ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметлари киради. Маънавий маданиятга фан, аҳоли маълумот даражаси, медицина хизмати даражаси, санъат даражаси, одамлар ахлоқий меъёрлари, маънавий эҳтиёжлар ва манфаатлар ривожланиши даражасини киритиш мумкин. Шундай қилиб, маданият инсоннинг ҳам маданий ишлаб чиқариш, ҳам маънавий ҳаёт соҳасида ривожланиши жараёнидаги ютуқларини қамраб олади. У инсоният билимлари, унинг меҳнати муҳиятидан иборат бўлиб, кишиларнинг аввалги авлодлари томонидан яратилади.

Инсоният маданияти ўсувчан, ўзгарувчан, чунки ҳозирги авлод аввални авлодлар маданий қадриятларидан ижодий фойдаланиш асосидагина янада ривожланиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ноёб маданияти йиллар, асрлар давомида шаклланиб, уни сақлаш, ривожлантириш кўп миллатли республиканинг юқори маълумотли инсонлари - фан, адабиёт, санъат арбоблари вазифасидир.

Инсон ҳаёти фаолиятининг муҳим таркибӣ қисми бутун инсоният томонидан жамланган маданий бойликка эга бўлиши, шу жумладан бошқарув маданиятини эгаллашдир.

Бошқарув маданияти жуда муҳимдир. Инсоният ўз ривожланиш жараёнида жуда катта бошқарув тажрибасини жамлаган. Бозор шароитида бу тажриба бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Бошқарувнинг вужудга келиши ва ривожланиши, аввало бошқарув маданияти даражаси юксалиши билан боғлиқдир. Чунки, бошқарув йўллари, усуллари, восита ва услубларига танқидий баҳо бериш йўли билан, уларнинг энг яхшилари жаҳон тажрибасида қўланиши учун ажратиб олинди.

Бошқарув маданияти инсон маданиятининг таркибӣ қисми бўлиш билан бирга қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Маданиятга эга бўлиш менежер учун фақат зарур эмас, балки шартдир, чунки ҳар бир ташкилотнинг ҳар бир бўлинмаси самарали ишлаши учун унинг ходимлари юксак маданиятга эга бўлишлари керак.

Бошқарув маданияти даражаси ходимлар, айниқса, менежерлар маданиятини, бошқарув жараёни маданияти, бошқарув техникаси, меҳнат шароитини акс эттирувчи кўрсаткичлар бўйича баҳоланади. Бошқарув маданияти унсурларининг турли-туманлиги бошқарув жараёнида турли-туман меъёрларга, жумладан, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, эстетик меъёрларга риоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ахлоқий меъёрлар инсоннинг ахлоқ ва одоб соҳасидаги хулқини тартибга солади. Улар жумласига ижтимоий бурчни тўғри тушуниш, киши ўртасида инсоний муносабат ва ўзаро ҳурмат, виждонлилик, ҳақиқатгўйлик, камтарлик ва ҳ.к.лар киради. Бошқарув жараёнида ахлоқий меъёрларга риоя қилиш унинг маданияти юқори даражасидан далолат беради.

Бошқарувда ҳуқуқий меъёрлар давлат-ҳуқуқий ва ташкилий-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда акс этади. Унинг жумласига давлат корхонаси тўғрисида қонун, тадбиркорлик ҳақида, мулк тўғрисида қонунлар киради. Лекин қонунлар ҳар бир корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга ололмайди. Шу сабабли, ҳар бир корхона, қонунга асосланган ҳолда, корхонада ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи меъёрий қоидалар ўрнатилади.

Иқтисодий меъёрлар корхона фаолияти жараёнида эришилиши лозим бўлган иқтисодий кўрсаткичларни белгилайди. Улар жумласига молия-кредит меъёрлари, ссудалар олиш тартиби, амортизация меъёрлари, маҳсулотнинг ҳисобланган баҳоси, фойда меъёри, рентабеллик меъёри, фондлар учун тўловлар, бюджетга тўловлар, иқтисодий рағбатлантириш меъёрлари киради.

Ташкилий меъёрлар ташкилот таркибини, алоҳида бўлинма ва шахслар фаолияти таркиби ва тартибини ички тартиб фаолият турларини, ходимлар вазифаларини, ахборотни қайта ишлаш ва фойдаланиш жараёнини белгилайди.

Техникавий меъёрлар корхонанинг ва унинг бўлинмаларининг бошқарув учун зарур ускуна, техника ва транспорт воситалари, асбоблар билан қуролланганлик даражасини билдиради.

Эстетик талаблар ва меъёрлар ҳам бошқарув жараёнида қўлланиладиган техника воситалари ва ускуналари, ҳам бошқарув ходимларини ўраб турувчи ташқи муҳит учун белгиланади.

## **6.2. Бошқарув маданиятининг асосий элементлари**

Бошқарув маданияти таркибига бошқарув ходимлари маданияти, бошқарув жараёнлари маданияти, меҳнат шароити маданияти ва хужжатлар юритиш маданияти киради.

Бошқарув маданиятининг барча унсурлари ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчидир. Шу билан бирга улар орасида бошқарув ходимлари маданияти етакчи аҳамиятга эга. Менежер бошарув жараёни маданиятининг юқори даражасига эришиш ва ўз меҳнاتини ташкил этишни такомиллаштириб бориши керак.

Бошқарув ходимлари маданияти кўп омилларга боғлиқ, умумий маданият даражаси, ишбилармонлик сифатлари, бошқарув илмини чуқур ва ҳар томонлама билиш ва уни ўз фаолияти жараёнида қўллай олиш билан ҳарактерланади.

Ҳар бир корхона ва ташкилот менежери ўз вазифасини бажариш жараёнида жамоанинг бошқа аъзолари билан муносабатда бўлар экан ишбилармон кишилар ўртасида мавжуд ахлоқий қоидаларга бўйсунди. Ҳар бир жамоада хайрихоҳлик, инсонга хурмат муҳити мавжуд бўлиши керак. Бошқарув маданияти сансалорлик, мансабпарастлик, шавқатсизлик, қўполликка зиддир. Бошқарув тизимида, шунингдек, давлат меъёрларига риоя қилмаслик, ваъдабозлик, фаолиятга нотўғри баҳо бериш ва бошқа хусусиятларга йўл қўйиб бўлмайди. Амалий фаолиятда фандан фойдаланиш. Меҳнатга ижодий ёндашиш, тадбиркорлик, жавобгарлик, ташаббус ва мустақиллик, ҳўжасизликка, бюрократизм, қонун бузувчиликка, мурасасизлик, виждонийлик, камтарлик ва оддийлик бошқарув ходимлари маданиятини ифодалайди.

Бошқарув ходимлари маданиятини таъминлашнинг асосий йўллари - бошқарув илмини чуқур эгаллаш, умумий маданий даражаси ва малакасини мунтазам ошириб бориш, ўз фаолияти натижаларини таҳлил этиш ва тушуниш, ижобий шахсий сифатларни ривожлантиришдан иборат.

Бошқарув маданияти учун бошқарув жараёнини ташкил этиш маданияти даражаси муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув жараёни маданиятига риоя қилиш корхонада замонавий бошқарув жараёни қўлланилишини билдиради.

Бошқарув жараёни маданияти шунингдек, бошқарув меҳнاتини (бошқарув меҳнатини мақбул тақсимлаш, кооперация қилиш ва чегаралаш, ишчилар сонини меъёрлаш, кадрларни тўғри жойлаштириш ва улардан фойдаланиш) ва ишловчи иш жойини (иш жойи ва бинонинг қулайлиги, уларнинг санитария-тозалик талабларига жавоб бериши), мақбуллаштириш, мажлисларни, суҳбатларни, ташрифчиларни қабул қилиш, учрашув, телефон орқали сўраш, меҳнаткашлар хатлари билан танишишни тўғри ташкил этиш ва расмийлаштиришни ҳам қамраб олади.

## Бошқарув маданиятининг асосий элементлари.



Бошқарув жараёнида турли-туман техника - оддий калькулятордан тортиб мураккаб ЭХМларгача қўлланилади. Менежерлар бу техника имкониятлари ва мақбул фойдаланиш соҳаларини билишлари лозим бўлиб, бу бошқарув маданияти даражасини билдиради.

Бошқарув маданиятининг ажралмас унсури - хужжатлар юритиш маданиятидир. Хужжатларнинг бошқарув жараёнидаги аҳамияти жуда катта, чунки бошқарувнинг бирор-бир вазифасини хужжатлар асосида етказилиб берилувчи ахборотсиз амалга ошириб бўлмайди. Хужжатлардаги ахборот корхона ташқи ва ички фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олади.

Бошқарув жараёнининг барча операциялари амалда хужжатлардан бошланиб, хужжатлар билан тугайди.

Бошқарув маданиятини такомиллаштириш - унинг бара унсурларини такомиллаштириш демакдир.

### 6.3. Раҳбар - бошқарув услуби тушунчаси

Бошқарув услуби - бу маълум бир раҳбарнинг бошқарув жараёнида қўлловчи ўзига хос ва ўзгармас усул ва ҳаракатлари йиғиндисидир.

Мутлақо ўхшаш кишилар бўлмагани каби вазифалар кўплиги сабабли мутлақо бир хил бошқарув услуби ҳам бўлмайди. Раҳбар фақат ўзига хос хусусият ва

сифатлар воситасида фақат ўзига хос, мансуб услубда иш юритади. Бу маънода услуб раҳбарни шахс сифатидаги хусусиятларини, балки фаолияти хусусиятларини ифодалайди. Кишиларни бошқарар экан, раҳбар жамоанинг натижавий мақсадини кўра билади ва уни шу мақсад сари йўналтиради. Раҳбар ишнинг моҳиятига тушунган ва уни чуқур ўрганган ҳолда мутахассислар фаолиятини моҳирона бирлаштириш ва йўналтириши керак.

Ишлаб чиқаришни бошқариш услуби бошқарув аппарати, барча раҳбар ва мутахассисларнинг катта ва мураккаб фаолиятини акс эттиради. Бошқарувнинг ҳар бир вазифаси ўзига хос хусусиятларга эга ва шу сабабли унга мос усулларни талаб этади. Назарий жиҳатдан бошқарув аппаратининг умумий услуби алоҳида бошқарув ташкилотлари услублари йиғиндисидан иборат бўлиши керак. Лекин амалда алоҳида ташкилотларнинг турли услублари ўзаро бирлашиб, бир-бирини бойитади ва натижада, бутун бошқарув аппаратига хос бўлган ўзига хос бошқарув услуби вужудга келади.

Ҳисобчининг юксак даражадаги аниқлиги, механикнинг эҳтиёткорлиги, иқтисодчининг режалилиги ва х.к.билимларни бошқариш услубини белгиловчи мажмуанинг таркибий қисмларидан иборат бўлади жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз услубини киритади, ва шу йўл билан ушбу жамоа бошқарув услуби вужудга келади. Кўпинча жамоадан бирор ходим кетиб, ўрнига янги киши келади. У, одатда жамоада ундан олдинги ходим эгаллаган жойни эгалламаслиги мумкин. У мавжуд услубга мослашиши, жамоа иш юритиш услубига тўғри келувчи услуб яратиши лозим. Албатта унинг ишлаш услуби меҳнат жамоаси услубига ҳам таъсир кўрсатади.

Замонавий услуб жамоанинг ҳар бир аъзоси олдига катта талаб қўяди ва шу билан бирга ўз-ўзидан мамнун бўлиш, маъмуриятчилик, расмийчиликни инкор қилади. Услуб ижтимоий ривожланиш қонунларини, ишлаб чиқаришни бошқариш тамойил ва усулларини билиши асосида шаклланади ва бошқарув малакаси йиғиндиси кишиларни ташкил этиш кўникмаси, шунингдек, шахсий тартиблилик билан характерланади. Ва, ниҳоят, услуб бошқарув ходимларининг руҳий ва психологик хусусиятлари, кучли ирода, қатъийлик ва қўрқмаслик, бошқа кишилар фаолиятини йўналтира олиш қабиларни қамраб олади. Бундан ташқари раҳбар тасаввур этиш, аниқ фикр юритиш, қайишқоқлик, илмий фикрни тушуна олиш ва еткази олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Раҳбар бошқарув, иқтисодиёт ва молия, ҳуқуқ, социология ва педагогика асосларини билиши лозим. Бу фанлар бутун бошқарувга илмий қарашлар тизимини яратиш имконини беради. Бошқарув фақат илмий билимларига эга бўлишни эмас, балки бошқариш санъатини билишни ҳам талаб қилади. бошқарув ташкил этиш билан шуғулланувчи аввало ўз-ўзини тарбиялай олиши, ўзини бошқара олиши зарур. Бунинг учун у доимо ва мунтазам ўзини - ўзи тарбиялаши керак. Раҳбар услуби эшитиш ва ўқиш, сўзлаш ва ёзиш, яъни ахборотни қабул қилиш ва уни бошқаларга узатиш малакасида ифодаланади. Раҳбар учун зарур бўлган сифатлар жумласига унинг ташкилотчилик қобилияти, иш қобилияти, кучи, хушмуомалалиги, иродалилиги киради.

Бозор шароитида ишловчи раҳбар ва мутахассислар олдига қатъий талаблар қўйилади. Улар юқори ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларга, тадбиркор бўлиши, ахил жамоа ташкил этиш ва меҳнат жамоаси билан давлат манфаатлари келишини таъминлай олишлари керак. Замонавий раҳбарлар юқори малакага эга бўлиши, истиқболни кўра олиши ва самарали хўжалик юритишга имкон яратувчи

иқтисодий фикр юритиш, шахсий интизомга эга бўлиш, топширилган вазифага жавобгарлик хисси билан ёндошиш, ғояларни тўплаш, чиқишимли ва ишбилармон бўлиши керак. Раҳбар доимо хотиржам ва ўзига ишонган бўлиши, ташаббускорлик кўрсатиш, таваккалчи бўлиши керак. Жавобгарлик олдида қўрқиш - кучсизлик белгисидир. Жавобгарликдан қўрққан киши раҳбар бўлолмайди. Раҳбар қўл остидагилар билан шундай муносабатда бўлиши керакки, токи улар унинг олдида маслаҳат учун бемалол кирсинлар. Раҳбар ўз қўл остидагиларини яхши билиши, улар билан суҳбатлашиши, улар қобилияти, билими, малакаси эгаллаган лавозимига мослигини ва аксинча, улар билим, қобилият, малака ва ахлоқий сифатларидан фойдаланиш етарли эканлигини аниқлаш лозим.

Обрўга эга бўлмай муваффақиятли раҳбарлик қилиш мумкин эмас, лекин обрўга куч билан эмас, иш билан, қандай ишлашни ўз мисолида кўрсатиш билан, уни қандай бажариш ҳақида сўзлаш билан, фақат талабчанлик ва қатъийлик билан эмас, билим ва кўникма орқали эришиш мумкин. Бошқарув санъатига эга бўлмаган раҳбар қабул қилинган қарорлар самарали бўлишини таъминлай олмайди. Лекин инсон раҳбар бўлиб туғилмайди, балки иш жараёнида шаклланади.

Раҳбар иш услуби корхона фаолияти якуний натижаларига ишлаб чиқаришни бошқариш вазифалари воситасида таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бири бошқа вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда таъсир қилади ва услубнинг фойда ҳамда корхона фаолиятини умумлаштирувчи кўрсаткичларга таъсир этишнинг ягона механизми таркибига кирувчи боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Услуб билан ишлаб чиқариш натижалари ўзаро алоқаси тизими раҳбарлар билим ва кўникмалари, бошқарув жараёни технологияси, меҳнат интизоми воситасида амалга ошади ва раҳбар томонидан қўлланилувчи бошқарув усули билан боғлиқ бўлади.

### **Хулоса**

“Маданият” тушунчаси кенг қамровли, умуминсоний тушунча. Инсон моддий ва маънавий бойликлар яратиш билан ҳамisha банд. Шунинг учун моддий ва маънавий маданият фарқланади. Инсоннинг табиатни ўзлаштириш амалий кўрсаткич даражаси, моддий маданиятни билдиради. Маънавий маданиятга фан, аҳолининг маълумот даражаси. Тиббий хизмат. Санъат даражаси. Одамларнинг ахлоқий меъёрлари, руҳий билим ва қизиқишлари киради.

Бошқариш маданияти ҳам умуминсоний маданиятни бир бўлаги ҳисобланиди, у бошқарув ходимларининг маданият даражасини, бошқарув жараёни маданияти. меҳнат шароити маданияти, хужжат ва иш юритиш маданиятини акслантиради.

Бошқарув услуби - бу раҳбарнинг бошқарув жараёнида қўллайдиган барча энг яхши, чидамли, бардошли усуллар йиғиндиси.

Бошқаришнинг учта аниқ усул бор: авторитар (директив), демократик (коллегиял), ва либерал.

Амалиётда у ёки бу усул “тоза” қўлланилмайди. Ҳар бир усулни омукта қилиб, бошқарувда қўлланилади. Демократик услубга ҳар бир устуворлик берилади.

### **Таянч иборалар:**

Менежер маданияти, маданият турлари, раҳбарлик услуби, профил белгиси, гуруҳ, формал гуруҳ, ишлаб чиқариш гуруҳлари, ориентация мезони, ноформал ташкилот, ҳокимлик шакллари.

### **Назорат саволлари:**

1. Бошқариш маданияти ва услуги нима?
2. Киши бажарадиган нарсаларни ориентация мезони бошқариш услуги ҳақида маълумот беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Энциклопедия менеджера. Библиотека успешного менеджера. Пер. с англ. Филип Холден. - М: НІРРО, 2003. - 340 с.
2. Алан Вест. Бизнес – план: Учеб. практ. пособие. Пер. с англ. Алмазовой Н.И. и Булиной И.Ю. - М.: Изд-во Проспект, 2004. - 232с.
3. Кузнецов О.В. Букварь предпринимателя. СПб.: Питер, 2004.- 237 .
4. Дейл Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей, Вступая публично. М.: Прогресс, 2000 й.
5. Дж. Чрейсон (младший), Карл О'Делл. Американский менеджмент на пороге XXI века. М.: Экономика, 2003 й.
6. <http://www.dis.ru/manag/index.html>

## **7-Мавзу. Менежмент самарадорлиги**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Бошқарув самарадорлиги тўғрисида тушунча.
2. Бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари.
3. Бошқарув тизими самарадорлигини ҳисоблаш усуллари.
4. Ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигини оширишнинг омиллари ва йўллари

### **7.1. Бошқарув самарадорлиги тўғрисида тушунча.**

Ўзбек тилининг изохли луғатида «самара» ва «самарадорлик» иборалари куйидагича талқин қилинган:

«Самара» - бу натижа, оқибат, мева. Масалан, ижодий меҳнат самараси.

«Самарадорлик» - бу кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара.

Иқтисодиётда «самара» - бу яратилган:

- ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)
- ялпи миллий даромад (ЯМД)
- ялпи соф маҳсулот (ЯСМ)
- ялпи соф даромад (ЯСД) кабиларда ўз аксини топади.



### **Самарадорлик тўғрисида қандай тушунчага эгасиз?**

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади оз меҳнат, моддий ва пул маблағлари сарфлаб, кўпроқ самарага эришишдир. Бу деган сўз эришилган самарани (С) сарфланган харажатга (Х) бўлиш керак. Бундай таққослаш самарадорлик (СД) нисбий кўрсаткичини беради:

$$СД = \frac{С}{Х}$$

Самара ва самарадорлик тушунчаларига нисбатан бундай ёндашиш бошқариш объектига, яъни яхлит ишлаб чиқаришга хосдир. Бошқариш самарадорлигини

аниқлашда бу тариқа ёндашиш, албатта нотўғри бўларди. Чунки бу ерда асосий Урғу бошқариловчи объект (корхона, фирма ва ҳоказо) самарадорлигига эмас, балки кўпроқ бошқарув меҳнати самарадорлигига, хусусан, бошқарув функцияларининг самарадорлигига берилади.

Бошқарув функциялари деганда қуйидагилар назарда тутилади:

- алоқа;
- қарор қабул қилиш;
- режалаштириш;
- ташкил қилиш;
- мотивлаштириш;
- назорат қилиш.

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлиги - бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқаришнинг ролини оширишдан иборат.

Мезо (критерия) - бу таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза.

Бошқарув меҳнат самарадорлигининг мезони қуйидагича кўринишга эга:

$$C/Bx \geq 1,$$
 бу ерда,  $C$  - самара,  $Bx$  - бошқарув харажатлари.

Бошқарув харажатлари:

- ахборот олиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ харажатлар;
- бошқарув қарорларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;
- илмий ишланмалар, лойиҳалаш, тажриба ва серияли ишлаб чиқаришни ўз ичига оловчи босқичлар харажати;
- маҳсулотлардан фойдаланиш харажатларидан иборатдир.



### **Бошқариш субъекти фаолиятини тавсифлаш учун қандай самарадорлик мезонлари қўлланилади?**

**Бошқарув субъекти** фаолиятини тавсифлаш учун қуйидаги самарадорлик мезонлари қўлланилади:

Бошқариш тизимидаги молиявий харажатларни тежаш.

- Бошқариш девони харажатларининг камайиши бошқарувчи тизим самарадорлигининг иқтисодий мезони бўлиши мумкин. Бу уринда бошқарув девони штатларини оқилона қисқартириш, хизмат сафарларини камайтириш-тежамкорликнинг муҳим омиллари эканлигини таъкидлаш зарур.

Бошқарув тизимида жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш.

- Бу мезон кучларни энг куп даражада тежаш ва меҳнатдан унумли фойдаланишни кузда тутати. У сермеҳнат ишлар ва операцияларни қисқартиришда, моддий ва меҳнат воситаларини тежашда ифодаланади.

Меҳнатни тежашга бошқарув девонидаги меҳнатни компьютерлаштириш йўли билан эришилади.

Айрим операцияларни бажаришга ва бутун бошқарув жараёнига сарф бўладиган вақт.

- Бу мезонда бош омил вақтдир. Ахборот туплаш ва уни қайта ишлашга, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга сарф бўладиган ҳамда бизнес режани тузишга кетадиган вақтни ҳар томонлама қисқартириш, тезкор топшириқларни етказиш муддатини тезлаштириш, фаолият натижаларни тезкорлик

билан баҳолаш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга хал килувчи таъсир кўрсатади.

Қайд қилинган мезонларнинг ҳар бири мазкур давр учун иқтисодий сиёсатда белгиланган мақсадлардан корхона ёки тармоқнинг аниқ иш шароитларини этиборга олган ҳолда бошқарув фаолиятига баҳо бериш учун танланиши керак. Бошқарув тизимининг турли вазифаларини мақсадга мувофиқлаштириш учун ҳам мезон танланади.

## 7.2. Бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари

Бошқариш самарадорлигини ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан тўла ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин.



### Бошқарув самарадорлигини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар қўлланилади?

Бошқарув тизими фаолиятини тавсифловчи **миқдорий кўрсаткичлар**, яъни:

- бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш учун сарфланадиган вақтнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини тавсифловчи **сифат кўрсаткичлари**, яъни;

- бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув девони ходимларининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончлилигини ва туликлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқариш маданиятини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- бошқарув девонидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва ҳоказо

Шундай қилиб, бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда куп турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткични қуйидаги тарзда:

- бирор давнинг ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, меъёрдаги кўрсаткичлар билан;
- жорий даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари;
- бир корхонанинг ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона кўрсаткичлари билан таққослаш керак.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назардан амалга оширилган бўлади.

### 7.3. Бошқарув тизими самарадорлигини ҳисоблаш усуллари

Бошқарув меҳнати самарадорлигини (бир йил ҳисобида) қуйидагича ҳисобланади:

$$J_{\text{бс}} = (C_1 / \text{БХ}_1) : (C_0 / \text{БХ}_0)$$

Бу ерда:  $J_{\text{бс}}$  - бошқарув самарадорлиги индекси;

$C_0$  ва  $C_1$  - базис ва жорий даврларда эришилган самара (яъни ёки товар маҳсулот);

$\text{БХ}_1$  ва  $\text{БХ}_0$  - базис ва жорий даврлардаги бошқарув ҳаражатлари.



**Бошқарув меҳнати самарадорлигини қўрсаткичи қандай ҳисобланади? Иқтисодий самара-чи?**

Йиллик бошқарув ҳаражатларини қуйидаги ҳаражатларни ўз ичига олади:

- муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар иш ҳақи;
- материал учун ҳаражатлар;
- ЭХМ ва оргтехникани эксплуатацияси учун сарфланган ҳаражатлар;
- қўшимча ва бир йўла қилинадигант ҳаражатлар (бошқариш техникаси ва ускуналарини сотиб олиш, ташкилий лойиҳаларни молиялаштириш ва х.к.)

Ишлаб чиқаришни бошқариш учун сарфланадиган йиллик умумий сарф ( $\text{БХ}$ ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{БХ}_{\text{бак}} = \text{ЖХ}_{\text{и}} + E_{\text{и}} * \text{БИХ}.$$

Бу ерда:  $\text{БХ}_{\text{бак}}$  - бошқариш учун сарфланиб, бир асосга келтирилган ҳаражатлар;

$\text{ЖХ}_{\text{и}}$  - йиллик жорий ҳаражатлар;

$E_{\text{и}}$  - самарадорликнинг меъёрий коэффиценти (0,15);

$\text{БИХ}$  - бир йўла ҳаражат.

Йиллик жорий ҳаражатлар қуйидагича ҳисобланилади:

$$\text{ЖХ}_{\text{и}} = \text{БМХ} + \text{ИХ}_6 * (1 + a)$$

Бу ерда:  $\text{ИХ}_6$  - бошқарув ходимларининг иш ҳақи учун сарфлари;

$\text{БМХ}$  - бошқариш учун зарур бўлган материалларга сарфланган ҳаражатлар;

$a$  - қўшимча ва турли ҳаражатлар коэффиценти.

Қўшимча ҳаражатлар:

- хизмат сафарлари;
- транспортни молиялаш;
- ихтиро ва рационализаторлик таклифларини тадбиқ қилишга ажратилган сарфлар;
- меҳнатни ҳимоя қилиш каби ҳаражатлардан ташкил топади.

Бир йўла ҳаражатлар ( $\text{БИХ}$ ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади;

$$\text{БИХ} = \text{Х}_{\text{бт}} + \text{Х}_{\text{ини}}$$

Бу ерда:  $\text{Х}_{\text{бт}}$  - бошқарувни техникаларини сотиб олиш ҳаражатлари;

$X_{ин}$  - бошқарувни такомиллаштириш учун бажарилган илмий ишланмалари, лойиҳалари учун ҳаражатлар.

**ММ** **Меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига тежалган бошқарув ҳаражатларни қандай ҳисобланади?**

Бошқарув ходимлари:

- корхонада ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг меҳнат талабчанлиги даражасини қисқартиришга;
- корхонанинг бир маромда ишлашни таъминлашга;
- ишлаб чиқаришнинг модий-техник базасини мустаҳкамлашга;
- бизнес-режа ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни оптималлаштиришга катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли меҳнат унумдорлигининг ошиш эвазига тежалган бошқарув ҳаражатлари (меҳнат) ни ( $ИТ_{му}$ ) аниқлаш ўта зарурдир:

$$ИТ_{му} = J_{му} : J_{бх}$$

Бу ерда:  $J_{му}$  - меҳнат унумдорлиги индекси;

$J_{бх}$  - бошқарув ҳаражатлари индекс.

Бошқарув ходимнинг меҳнат унумдорлиги қуйдагича аниқланади:

$$M_{убх} = \frac{ЯМ(ТМ)}{T_6}$$

Бу ерда:  $M_{убх}$  - бошқарув ходимларининг меҳнат унумдорлиги;

$ЯМ(ТМ)$  - бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи ёки товар маҳсулот-лари (сўм ҳисобида).

$T_6$  - бошқарув ходимлари ўртача йиллик сони (киши ҳисобида).

Агар меҳнат унумдорлиги ошиб борса, у ҳолда меҳнат сарфи камаяди, яъни ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат сарфининг камайиши фоизига тенг эмас. Бу боғланишни қуйдагича ифодалаш мумкин:

|                                |                                                                                                       |
|--------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Меҳнат сарфининг камайиш фоизи | Меҳнат унумдорлигини ошириш фоизи                                                                     |
| =                              | $\frac{\text{Меҳнат сарфининг камайиш фоизи}}{100\% \text{ меҳнат унумдорлигини ошириш фоизи}} * 100$ |

Масалан: Агар меҳнат унумдорлиги 15 фоизга ошса, у ҳолда меҳнат сарфи 13 фоизни ташкил қилади.

|                                   |                                                                                         |
|-----------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------|
| Меҳнат унумдорлигининг ошиш фоизи | Меҳнат сарфининг камайиши                                                               |
| =                                 | $\frac{\text{Меҳнат сарфининг камайиши}}{100 - \text{меҳнат сарфининг камайиши}} * 100$ |

Масалан: Агар меҳнат сарфи 15 фоизга камайса, у ҳолда меҳнат унумдорлиги 17 фоизига ортади.

#### **7.4. Ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигини оширишнинг омиллари ва йўллари**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг жуда кўп, хилма-хил омиллари ва асосий йўналишлар мавжуд. Барча омиллар уч белгига асосан

гуруҳларга бўлиниши мумкин: манба бўйича, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича, омилларнинг ўрни ва амалга ошириш даражаси бўйича.

Омилларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбалари бўйича таснифлаш нималар ҳисобига ижтимоий меҳнатни тежашга эришиш мумкинлигини ёки эришилганлигини аниқлашга ёрдам беради. Шу нуқтаи назардан асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими ҳамда капитал маблағ талабликни камайтириш, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва вақтни тежаш. Лекин бундай таснифлаш талабга жавоб бермайди. Бу саволларга жавоб топиш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча омилларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари бўйича гуруҳлаш керак. Улар ижтимоий меҳнатни тежашга қаратилган техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар комплексидан иборат. Бу йўналишлар **ғоят** хилма-хилдир. Энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;

- фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаш-тириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;

- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш.

Саноат ишлаб чиқаришини эркинлаштириш ва бу тармоқда ислохотларни чуқурлаштириш самарадорликни оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўлларида яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдир. Техник ва технологик омил меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг камида учдан икки қисмини таъминлайди.

Маълумки, иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида техника тараққиётининг характери ва мазмуни ўз хусусиятларига эга бўлади. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида фан-техника тараққиёти ундаги микдорий ўзгаришларгагина эмас, балки кўпроқ сифат ўзгаришларига қаратилади. Умуман, самарадорлик иқтисодиётдаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқдир, бу талаб фан-техника тараққиётига ҳам тўлиқ жорий этилади.

Саноат ишлаб чиқариши ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини юқори даражага кўтаришда инсон омилининг роли бекиёсдир. Инсонларнинг ташаббуси, куч-ғайрати, жонли ижодиёти ҳар қандай тараққиётнинг қудратли кучи ва энг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу сабабли ҳам инсонни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи деб айтадилар. У барча янгиликларни, шу жумладан, янги, илғор техника-технологияларни яратади, ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этади, илмий ва амалий кашфиётлар қилади. Барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнати билан ҳаракатга келтирилади, фойдали нарсалар ҳосил қилинади. Бироқ инсон фақат асосий ишлаб чиқарувчи кучгина эмас, шу билан бирга **ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳамдир**. Одамлар фаолияти шу муносабатлар орқали руёбга чиқади. Бу фаолият йўналиши ва натижалари

ходимнинг ўз фаолиятида қандай ўй-фикрларга, тасаввурларга, мақсадларга, ҳаётий йўл-йўриқларга, муддаоларга ва психологик эътиқодларга амал қилишига боғлиқ. Шу сабабли инсон омилининг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни таҳлил этилганда гап фақат инсон ҳақидагина эмас, балки аввало инсон яшаб, меҳнат қилаётган ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими билан белгиланувчи ижтимоий сифатлар, фаолиятни рағбатлантирувчи омиллар ва муддаолар ҳақида бориши керак.

**Таянч сўз ва иборалар:** мезон, самара, самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, самарадорлик мезонлари, бошқарув самарадорлиги кўрсаткичлари, бошқарув тизими самарадорлиги.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. -Т.: «Университет», 1997.
2. Парпиев У., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. -Т.: «Шарқ», 1995.
3. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. -Т.: «Ўқитувчи», 2000.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Бошқарув самарадорлиги деганда нимани тушунаси?
2. Бошқарув самарадорлигини ифода этувчи кўрсаткичларни биласизми?
3. Меҳнат унумдорлиги деб нимага айтилади?

### **8- Мавзу: Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

- 1.Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслари, уларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни хўжалик субъектлари фаолиятидаги аҳамияти.
- 2.Асосий фондлар - ишлаб чиқаришни ва ресурсу асоси сифатида. Асосий фондларнинг ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватига боғлиқлиги.
- 3.Айланма фондлар ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.
- 4.Меҳнат ресурслари ва қурилишнинг кадрлар салоҳияти.

#### **1. Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслари, уларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ҳамда хўжалик субъектлари фаолиятидаги аҳамияти**

Маълумки, ҳар қандай тармоқдаги ишлаб чиқариш жараёни учта асосий элемент: меҳнат қуроллари, меҳнат предметлари ва бевосита меҳнатнинг ўзидан, яъни инсон фаолиятидан ташкил топади. Бу элементлар биргаликда ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини ташкил қилади ва кўп жиҳатдан муайян бир хўжалик субъектининг - корхонанинг, ташкилотининг ёки бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини белгилаб беради. Мазкур элементларсиз ишлаб чиқариш жараёни мутлақо мавжуд бўла олмайди.

Ресурслар тушунчаси - бу пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, қонунлар, жорий ва келгусидаги имкониятлар, даромадлар ва уларнинг манбаларидир. Ресурслар табиий, моддий, иқтисодий, молиявий ресурслар, меҳнат ресурслари ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Корхоналар, тармоқлар ва бутун мамлакатнинг ресурс имкониятлари қанчалик

кенг ва катта бўлса, иқтисодиёт ва унинг ривожланиш истикболлари ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Ишлаб чиқариш салоҳияти - бу корхона, ташкилот ва бутун тармоқнинг берилган ресурслар асосида у ёки бу ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ёки қобилиятидир. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқариш салоҳиятини ишлаб чиқаришнинг ресурс имкониятларига таққосланади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ресурслар билан таъминланганлик даражасига ўзаро боғлиқлигини ишлаб чиқариш шароитлари ҳамда у ёки бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжларни (истеъмолчилар талабини) ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш салоҳиятини хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси деб кўрсатиш мумкин. Бу омиллар шу субъектнинг халқ хўжалиги ва аҳолининг маълум даврдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли моддий неъматлар яратиш ёки хизматлар кўрсатиш имкониятларини белгилаб беради.

Ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланишини ўрганишда унинг фақат миқдорий баҳолаш мумкин бўлган материал-моддий омилларини эмас, балки унинг сифат омилларини (меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шарт-шароитлари, меҳнат мотивацияси, хўжалик механизми ва бошқаларни) ҳам таҳлил қилиш лозим. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш салоҳиятининг таркибини аниқлаш ҳам муҳим бўлиб, унда ишлаб чиқариш ресурсларининг рўйхати ва нисбати, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат ва ресурсларнинг ўзвий уйғунлиги юз берадиган ишлаб чиқариш шароитлари акс эттирилиши лозим.

Ишлаб чиқариш салоҳияти ва ресурслар ўзаро боғлиқ категориялар сифатида ривожланиш ва самарадорликка таъсир кўрсатибгина қолмай, балки ўз навбатида ички ва ташқи омилларга, аввало фан-техника тараққиётига, бошқарув тизими ва ахборот базасига боғлиқдир. Гап шундаки, фан-техника тараққиёти ва бошқарув тизими ахборот ёрдамида янада замонавий меҳнат қуроллари ва предметларининг яратилишига, ишлаб чиқаришга сафарбар қилинадиган ресурсларнинг сифатини оширишга имкон туғдиради. Агар ишлаб чиқаришнинг материал-моддий омиллари ишлаб чиқариш ва техник салоҳиятнинг танаси бўлса, фан-техника тараққиёти, бошқарув ва ахборот унинг жонидир. Мазкур омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

“ФТТ - ишлаб чиқариш ресурслари” алоқаси ФТТ ютуқларининг ишлаб чиқариш ресурслари сифатида намоён бўлиши жараёнини акс эттиради, яъни ФТТ натижасида хом ашё ва материалларнинг янги турлари яратилади. ФТТ, ахборот, бошқарув ва ишлаб чиқариш шароитлари ўртасидаги алоқалар ахборот ва бошқарувнинг ўзига хос ишлаб чиқариш омиллари сифатида ишлаб чиқариш шароитларининг ФТТ даражасини ҳисобга олган ҳолдаги аҳолини белгилайди. Умуман олганда, ишлаб чиқариш ресурслари маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнига мўлжалланган бўлиб, ўз навбатида бошқарув тизими ва ахборотга ҳамда фан-техника тараққиётига боғлиқ бўлиб, корхоналар, тармоқлар ва бутун халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Қурилиш индустриясининг корхона ва ташкилотлари мана шу алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар шароитида фаолият кўрсатади.

## **8.2. Асосий фондлар - ишлаб чиқаришни ва ресурсу асоси сифатида. Асосий фондларнинг ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватига боғлиқлиги.**

Меҳнат буюмлари ва воситаларининг биргаликда қиймат шаклида ифодаланиши ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш ролига кўра Асосий ва Айланма фондларга ажратилади.

Мехнат куруллари асосий фондларни, меҳнат буюмлари эса айланма фондларни ташкил этади.

**Асосий ишлаб чиқариш фондлари** деб ишлаб чиқариш жараёнида узок давр бевосита ва билвосита қатнашадиган, моддий бойликлар яратишда иштирок этадиган ҳамда табиий шаклини сақлаган ҳолда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга аста-секин, тўзишига қараб ўтказиб борадиган меҳнат воситаларига айтилади. Улар иш бажаришда, хизмат кўрсатишда ва маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашадилар. Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун шароит яратадилар. Меҳнат буюмлари ва тайёр маҳсулотларни сақлаш ва уларни бир ўриндан иккинчи ўринга ташиш каби ишларни бажариш учун хизмат қиладилар.

Асосий фондлар улардан фойдаланиш мақсадига кўра ишлаб чиқаришда бевосита ва билвосита қатнашишига қараб, улар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва қатнашмайдиган фондларга ажратилади.

Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондларнинг мақсади моддий бойликлар яратишда иштирок этишга қаратилган бўлса, ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган асосий фондларнинг мақсади ходимларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Саноатнинг асосий фондлари мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисмини ташкил этиб, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида йилдан йилга ошиб бормоқда. 1991-2004 йиллар мобайнида саноатнинг асосий фондлари 75 марта ўсди. Ўзбекистон Республикаси саноатининг жами асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг динамикасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

**Саноат асосий фондларининг динамикаси**  
(баланс қийматида, млрд. сўм)

|                               | 1995й. | 2000й. | 2001й. | 2002й. | 2003й. |
|-------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|
| <b>Саноат асосий фондлари</b> | 95,7   | 2777   | 3085,1 | 5371,6 | 6469,8 |

Манба. Промышленность Республики Узбекистан за 2000 и 2004 годъ.  
Статистические сборники.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон саноатининг асосий фондлари жуда тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу ўсиш МДХ давлатларининг ўртача ўсиш суръатларидан анчагина тез ва сифатлироқдир.

Асосий фондларни ҳисоблаш, таҳлил қилиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни режалаштириш ва башорат қилиш мақсадида уларни гуруҳларга ажратиш керак бўлади.

Ҳозирги кунда асосий фондлар турли таснифга мувофиқ ва ишлаб чиқариш вазифасининг ҳар турлилиги ва табиий-моддий белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Зарур меҳнат шароитларини таъминлайдиган бино ва архитектура-қурилиш объектлари. Биноларга цехларни ишлаб чиқариш корпуслари, деполар, гаражлар, омборхоналар, ишлаб чиқариш хоналари ва лабораториялар кирази.

2. Иншоотлар — ишлаб чиқариш жараёнининг бажарилишига зарур ва меҳнат буюмларини ўзгариши билан боғланмаган бирорта техник вазифаларга белгиланган муҳандис-қурилиш объектлари (насос станциялар, туннеллар, кўприклар ва ҳ.к.).

3. Ҳар хил энергия, суюқ ва газсимон моддалар узатадиган узатувчи ускуналар.

4. Машиналар ва асбоб-ускуналар; шу жумладан:

- энергияни, суюқ ва газсимон моддаларни ишлаш ва алмаштиришга мўлжалланган куч машиналари ва асбоб-ускуналар (генераторлар ва газогенераторлар, электрогенераторлар, буғ қозонлари, ҳаво компрессорлари);

- ишчи машиналари ва асбоб-ускуналар. Улар меҳнат буюмларига бевосита таъсир ўтказадилар. Буларга дастгоҳлар, пресслар, конвеерлар ва бошқа турли ёрдамчи асбоб-ускуналар: ўлчов ва тўғрилаш асбоб-ускуналари, лаборатория асбоблари, ҳисоблаш машиналари, компьютерлар киритилади.

5. Транспорт воситалари.

6. Ҳар хил асбоблар.

7. Ишлаб чиқариш инвентарлари.

8. Хўжалик инвентарлари.

9. Бошқа асосий фондлар.

Меҳнат буюмларига таъсир этиш даражасига қараб асосий ишлаб чиқариш фондлари актив ва пассив фондларга бўлинади.

Актив асосий ишлаб чиқариш фондларига меҳнат буюмлари шаклини ўзгартирувчи, яъни бевосита таъсир этувчи фондлар (машиналар, асбоб-ускуналар, технологик линиялар, ўлчов ва тўғрилаш асбоблари, транспорт воситалари) киради.

Пассив асосий ишлаб чиқариш фондларига меҳнат буюмларига билвосита таъсир этувчи, яъни ишлаб чиқариш жараёнининг нормал ўтишига керак шароит яратувчи ишлаб чиқариш фондлари киради (бино ва иншоотлар, ҳ.к.). Асосий фондлар таркибини ўрганишда уларнинг структураси (тузилмаси) масаласига ҳам эътибор бериш керак бўлади.

Асосий фондларнинг структураси деб, уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг, гуруҳларнинг ҳар биринининг умумий қийматидан нисбатга айтилади. Масалан, 100 млн. сўм бўлса, улардан бинолар 25 фоиз, иншоотлар 15 фоиз, узатувчи қурилмалар 10 фоиз, ишчи машиналар ва жиҳозлар 30%, қолганлари эса 20 фоиз бўлиши мумкин (жадвалга қаранг).

Асосий фондлар тузилмаси қуйидаги турларга ажратилади:

1. Тасвирий тузилма.

2. Технологик тузилма.

3. Тармоқ тузилмаси.

4. Худудий тузилма.

5. Такрор ишлаб чиқариш тузилмаси.

Тасвирий тузилманинг ҳар хил вақтда ўзгаришидан саноатнинг техник даражасини ва асосий фондлардаги капитал сарфлашнинг самарасини тасаввур қилса бўлади.

**Ўзбекистон саноатида асосий фондларнинг структураси  
(2003 йил бўйича)**

| Саноат ва унинг тармоқлари                     | Бинолар              | Иншоотлар  | Узатувчи қурилмалар | Ишчи машина, асбоб-ускуналар | Транспорт воситлари | Бошқа фондлар |
|------------------------------------------------|----------------------|------------|---------------------|------------------------------|---------------------|---------------|
| <b>Бутун саноат</b>                            | 19,59                | 11,6       | 10,1                | 50,5                         | 6,9                 | 1,4           |
| Шу жумладан,                                   |                      |            |                     |                              |                     |               |
| <b>1. Электр-энергетика</b>                    |                      |            |                     |                              |                     |               |
| <b>2. Ёқилғи</b>                               |                      | 12         | 38,2                | 37,6                         | 2                   | 0,3           |
| <b>3. Рангли металл</b>                        | 9,9,                 | 31,9       | 17,0                | 27,1                         | 2,7                 | 0,6           |
| <b>4. Қора металл</b>                          | 20,7                 | 8,0        | 6,0                 | 58,1                         | 9,9                 | 5,2           |
| <b>5. Кимё ва нефть</b>                        | 12,8                 | 5,8        | 1,8                 | 57,1                         | 7,0                 | 1,0           |
| <b>6. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш</b> | 27,3<br>16,6         | 73,0       | 4,5                 | 63,8                         | 4,4                 | 3,4           |
| <b>7. Қурилиш материаллари</b>                 | 20                   | 1,6        | 0,6                 | 73,9                         | 2,3                 | 1,6           |
| <b>8. Енгил саноат</b>                         |                      | 85,0       | 1,7                 | 56,1                         | 11,4                | 3,6           |
| <b>9. Озиқ-овқат</b>                           | 18,7<br>21,8<br>32,1 | 3,2<br>5,8 | 1,7<br>1,6          | 68,5<br>49,7                 | 3<br>5,0            | 1,8<br>5,8    |

Асосий фондларнинг структурасига концентрациялаш, ихтисослаштириш, кооперативлаштириш, комбинациялаштириш, янги корхоналар қуриш ва модернизациялашга сарфланган капитал маблағларнинг технологик тузилиши, корхоналарнинг ҳудудий жойлашиши, тайёрланадиган маҳсулотнинг хусусияти ва ҳажми таъсир кўрсатади. Масалан, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми қанча кўп бўлса, шунча ишчи машиналар ва асбоб-ускуналарнинг тутган ўрни кўпроқ бўлади.

**Асосий фондларни баҳолаш**

Амалиётда асосий фондларни баҳолашнинг қуйидаги турлари қўлланилади: 1) дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳо; 2) қийматини қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳо; 3) қолган қиймати орқали белгиланган баҳо; 4) ишлаб чиқаришдан чиқариб ташлаш баҳоси.

Дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳо (Об) асосий фондларнинг сотиб олинган баҳоси (Сб), асосий фондларни олиб келиш учун қилинган транспорт харажатлари (Хт) ва монтаж харажатлари (Хм)ни ўз ичига олади.

$$Об = Сб + Хт + Хм$$

Бу баҳо корхона (фирма)нинг асосий ишлаб чиқариш фондаларини сотиб олиш ва ишга тушириш учун қилган ҳақиқий харажатларини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона (фирма) балансида ҳисобга олинади. Аммо асосий фондларнинг дастлабки тўла қиймат орқали белгиланган баҳоси уларнинг ҳажмини ва турли йилларда қуриб ишга туширилган корхона (фирма)лар асосий фондларини таққослашда етарли эмас, шунинг учун асосий фондларни баҳолашда қийматини қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳодан фойдаланилади.

Баҳолашнинг бу усули асосий фондларнинг ҳар хил даврда ишлаб чиқарилган ва олинган баҳоларни ҳозирги янги шароитдаги баҳода ифодалаш имкониятини беради. Бу баҳо бир хил истемол қийматга эга бўлган асосий фондларни баҳолашда бир хил қийматларда ифодалаш, корхоналар кўрсаткичларини таққослаш ва фондлар самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш учун имконият яратади. Қийматни қайтадан тиклаш орқали белгиланган баҳо амалдаги асосий фондларнинг жисмоний ҳолати ва маънавий эскиришини ҳисобга олган ҳолда қайта баҳо қўйиш орқали аниқланади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта бориб аста-секин ишдан чиқа боради, шунинг учун уларга баҳо белгилашда уларнинг ишдан чиқиш ва ёйилиш қисми ҳисобга олинади. Шу туфайли асосий фондларни баҳолашда қолган қиймати орқали белгиланган баҳо ҳам қўлланилади. У икки хил баҳо билан ифодаланади: а) асосий фондларнинг ишдан чиққан (тузилган) қисмини уларнинг дастлабки тўла қийматидан айириб ташлаш орқали аниқланган қиймат; б) асосий фондларнинг ишдан чиққан (тузилган) қисмини уларнинг қайтадан тикланган қийматидан айириб ташлаш орқали аниқланган қиймат.

Асосий фондлар жуда эскириб, яроқсиз ҳолга келган, қайтадан тиклаш, капитал ремонт қилиш ёки модернизация қилиш натижа бермайдиган ҳолларда уларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳолларда асосий фондларни ишдан чиқариб ташлаш баҳоси аниқланади. Бу баҳо ишдан чиққан, ишлаб чиқаришдан чиқариб ташланадиган асосий фондларни (темир-терсак нархида) реализация қилиш баҳосидир.

### **Асосий фондларнинг эскириши ва амортизацияси**

Ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида йиллар ўтиши билан эскиради ва ўз сифатини йўқота боради. Асосий фондлар ишлаб чиқаришда узоқ муддат иштирок этганлиги туфайли вақт ўтиши билан жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиради.

**Жисмоний эскириш** деганда асосий фондларнинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиши натижасида бутунлай ёки қисман тўзиши, емирилиши тушунилади. Маълум вақт ўтгандан кейин ишлаб чиқаришда ишлаб турган меҳнат қуроллари ишга бутунлай ва қисман жисмоний яроқсиз бўлиб қолади, бундай ҳолларда улар янгиси билан алмаштирилади ёки айрим қисмлари капитал ремонт ёки модернизация қилинади. Жисмоний эскириш натижасида асосий фондларнинг қиймати йўқ бўлиб кетмайди, балки тайёрланган маҳсулот қийматига кўчирилади.

Корхоналарда фақатгина амалда ишлаётган машина ва асбоб-ускуналаргина тўзимай, балки бекор турганлари ҳам тўзийди (емирилади). Машина ва асбоб-ускуналарнинг жисмоний эскириш миқдори уларнинг хизмат қилиш муддати ва тўзиш (емирилиш) даражасига нисбатан аниқланади.

Фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши туфайли ишлаб турган машина ва асбоб-ускуналар қийматининг камайтирилиши ҳамда эскиларига нисбатан унумли ва тежамли янги машиналар кашф этилиши, уларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши натижасида ишлатилаётган машиналарнинг жисмоний ёйилиш муддати тугамасдан туриб қадрсизланиши – асосий фондларнинг **маънавий эскириши** деб аталади. Маънавий эскириш фондларнинг баҳосини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқишни кўп жиҳатдан зарур қилиб

кўяди. Эскирган асосий фондларни янгилари билан алмаштириш режали равишда энг кам меҳнат ва маблағ сарф қилиш йўли билан амалга оширилади.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш жараёнида аста-секин эскириб, ўз қийматининг маълум қисмини **амортизация** сифатида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот қийматига оз-оздан кўчириб боради.

**Амортизация** – (лотинча *amortisatio* - қоплаш), асосий капитал (фондлар) амортизацияси – асосий капитал (машина ва механизмлар, жиҳозлар ва ускуналар, бинолар ва иншоотлар)нинг эксплуатация жараёнида эскириши ва айна пайтда улар қийматининг муайян давр давомида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотга ўтиб бориши.<sup>2</sup>

Асосий воситалар моддий ёки жисмонан ва маънан эскиради. Моддий эскириш меҳнат воситаларидан фойдаланиш жадаллиги ва унинг корхонада ишлатилган муддатлари билан белгиланади. Маънавий эскириш фан ва техника тараққиёти натижасида меҳнат воситаларининг арзонлашуви ҳамда иқтисодий жиҳатдан мукамал бўлган янги меҳнат воситаларининг яратилиши ва жорий қилиниши билан боғлиқ. Амортизация меъёри асосий фондлар турига, хизмат қилиш муддатига кўра табақалаштирилади. Амортизация қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархига киритиб борилади. МАҲСУЛОТ сотилгач, бу қиймат **амортизация ажратмалари** кўринишида эскирган жиҳозлар ўрнига янгисини сотиб олиш учун зарур бўлган маблағлар суммаси тарзида жамғарилади.

**Амортизация ажратмалари** – маҳсулот таннархига киритиладиган асосий фондлар амортизацияси суммаси; асосий фондларни қисман тиклаш (капитал таъмир ва янгилаш) ва тўлиқ тиклаш (реновация) фондларини яратишга хизмат қилади. Амортизация ажратмалари меъёрлари асосий фондлар қийматига пропорционал равишда ҳисобланиши, яъни тахминий фойдаланиш муддатига текис тақсимланиши ёки камайиб боровчи баланс усулида – жадаллаштирилган тартибда ҳисобланиши мумкин. Жадаллаштирилган тартибда фойдаланишнинг биринчи йилида амортизация меъёри 2 марта оширилади, иккинчи йили қолдиқ қийматининг 20% ва шу тарзда ажратмалар назарда тутилади. Натижада асосий фондлар қийматининг 2/3 қисми улар хизмат муддатининг ярмидаёқ амортизацияланади. Амортизация меъёрларининг пасайтирилиши асосий фондларнинг янгиланишини секинлаштиради, оширилган меъёрлар маҳсулот таннархини қимматлаштиради. Шу сабабли амортизация ажратмалари давлат томонидан тартибга солинади. Амортизация ажратмалари **таъминланиши керак** бўлган асосий шарт асосий фондлар эскиришини тўлиқ қоплаши ва уларни такрор яратишни таъминлашидир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат амортизация ажратмалари нормативларини белгилаб, жадаллаштирилган амортизация орқали тадбиркорларга солиққа тортиладиган фойда суммасини камайтиришга имконият яратиб беради. Айна пайтда асосий фондлар қийматини ҳисобдан чиқаришни тезлатиш тадбиркорни асосий фондларнинг маънавий эскириши билан боғлиқ эҳтимоли бўлган зарар кўришдан сақлайди, янги техника ва технологияни тезроқ жорий этишга рағбатлантиради.

Амортизация ажратмалари асосий фондларнинг ўзини ёки унинг баъзи қисмларини янгилаш вақти келгунча шу шаклда маълум фондда жамғарилиб турилади ва бу фондни амортизация фонди деб атайдилар. Демак, амортизация фонди – амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланадиган махсус фонддир.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. – Т.: «Давлат илмий нашриёти», 2000. – 288 бет

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган моддий активлар амортизацияси деган тушунча ҳам мавжуд.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмаларининг суммаси (ҳисобланган эскириш);

- лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, жадаллаштириладиган амортизация суммаси.

Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар эскириш, ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан натижали фойдаланиш муддатидан (бирор хўжалик фаолияти юритувчи субъект муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Натижали фойдаланиш муҳлатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскирган нормаси 5 йилга ҳисобланади.

Маълумки, амортизация ажратмалари белгиланган нормалар бўйича тайёр маҳсулотнинг таннархига киритилади ва у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$H_a = (\Phi_1 - \Phi_m) / (T_a * \Phi_1) * 100\%,$$

Бу ерда:

$\Phi_1$  – асосий фондларнинг дастлабки ёки тиклаш қиймати;

$\Phi_m$  – асосий фондларнинг тугатиш қиймати;

$T_a$  – асосий фондларнинг норматив ишлаш муддати (амортизация вакти).

Амортизация нормасининг даражаси асосий фондларнинг эскирган қисмини тиклаш учун ресурслар ҳажмини аниқлайди. Амортизация нормаси билан асосий фондларнинг айланиш тезлиги белгиланади ва уларни қайта ишлаб чиқариш жараёни жадаллаштирилади.

Асосий фондларнинг тўлиқ тиклашни амортизация ажратмалар жами қуйидаги формулага асосланиб ҳисобланади:

$$A_a = H_a * \Phi,$$

Бу ерда:

$H_a$  – амортизация нормаси;

$\Phi$  – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

### **Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш, режалаштириш, ҳисоб-китоб қилиш, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини ифодалаш учун жуда кўп кўрсаткичлар керак бўлади. Уларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- улардан фойдаланиш даражасини, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- ишлаб чиқариш фонди билан қуроллантириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;

- интеграл кўрсаткичлар.

Бу кўрсаткичлар тизимида айниқса, фонд қайтими кўрсаткичи ва фонддорентабеллик кўрсаткичи алоҳида ўрин эгаллайди.

Фонд қайтими – бу бир сўмлик асосий фонд иштирокида қанча маҳсулот ишлаб чиқариш мумкинлигини ифодалайди ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Phi_k = Q / \Phi_{ас},$$

Бу ерда,  $\Phi_k$  – фонд қайтими (сўм ҳисобида);

$Q$  – ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати (сўм ҳисобида);

$\Phi_{ас}$  – асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Фонд сиғими – бу фонд қайтимига тескари кўрсаткич бўлиб, маълум миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча асосий фонд кераклигини ифодалайди ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\Phi_c = \Phi_{ас} / Q$$

Меҳнатнинг фонд билан таъминланганлиги ҳар бир ишловчи ҳисобига қанчадан асосий воситалар тўғри келишини билдиради ва у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\Phi_{бт} = \Phi_{ас} / X_{йм},$$

Бу ерда,  $X_{йм}$  – ходимларнинг йиллик ўртача миқдори (киши ҳисобида).

Асосий фондлардан фойдаланишни ифодалайдиган кўрсаткичлардан яна бири – бу жиҳозлардан фойдаланиш кўрсаткичлари:

а) экстенсив фойдаланиш коэффиценти ( $Kэ$ ). У жиҳозларнинг режали иш вақти фондида ( $T_{жр}$ ) ҳақиқий ишлаган вақти ( $T_{жх}$ ) даражасини кўрсатади:

$$Kэ = T_{жх} / T_{жр},$$

б) интенсив фойдаланиш коэффиценти ( $K_{ин}$ ). У жиҳозларнинг минимум маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин бўлган миқдори ( $Mч$ ) нисбатан ҳақиқий ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ( $Mх$ ) даражасини кўрсатади:

$$K_{ин} = Mх / Mч.$$

### **Ишлаб чиқариш қуввати ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларида бири мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдир. Улардан самарали фойдаланиш масаласи айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янада долзарб бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда улардан ҳар тарафлама унумли фойдаланишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан қанчалик тўла ва унумли фойдаланилса, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг таннархи камаяди, корхонанинг фойдаси ва самарадорлиги ошади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати вақт бирлиги ичида белгиланган ассортимент ва номенклатура, мавжуд дастгоҳлар, ишлаб чиқариш майдонларидан тўлиқ фойдаланилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини ифодалайди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати натура бирлигида ўлчанади. Масалан, металлургия саноатида ишлаб чиқариш қуввати тоннада, тўқимачиликда йигирилган ип тоннада, газламалар метрда, автотрактор тармоқларида автомобиллар ва тракторлар доналаб ўлчанади.

Ишлаб чиқариш қуввати корхонанинг техник даражаси, унумдорлиги, кадрлар малакаси, хомашёларнинг сифати ва маҳсулотларнинг ассортиментига қараб ўзгара боради.

Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблаш учун қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

а) мавжуд ускуналар ва агрегатларнинг сонига (таъмирлашдаги ускуналар) режалаштириш даврида янгидан киритилган ускуналар қўшилади, Лекин жисмоний ва табиий шароит таъсирида емирилган ускуналар ҳисобга киритилмайди;

б) корхоналар ва цехларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ҳақидаги маълумот;

в) корхоналарнинг иш режими, яъни сменалар сони (таъмирлашга тўхташ вақтисиз), иш вақти фонди;

г) ускуналар, агрегатларнинг унумдорлик нормаси.

Ишлаб чиқаришда турли ускуналардан фойдаланиш, корхонанинг қуввати асосий технологик жараёнларни бажарадиган етакчи цехлар, бўлинмалар ёки агрегатларнинг қувватларига биноан ҳисобланади.

Турли корхоналар (бирлашмалар)нинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда уларнинг хусусиятлари инобатга олинади ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Q = D_c * D_u * D_{iv},$$

бу ерда,

Q – корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати;

D<sub>c</sub> – бир турдаги дастгоҳлар сони;

D<sub>u</sub> – вақт бирлигидаги бир дона дастгоҳнинг унумдорлиги;

D<sub>iv</sub> – дастгоҳларнинг ишлаш вақти.

Айрим тармоқларнинг корхона ва цехларида йиғув, қуюв, мебель, консерва ишлаб чиқариш қуввати, майдон бўйича қуйидаги формулага асосан ҳисобланади:

$$Q = (M : M_n) * (\Phi : B_m),$$

бу ерда,

M – корхонанинг ёки цехнинг ишлаб чиқариш майдони (квм);

M<sub>n</sub> – норма иш жойига тааллуқли ишлаб чиқариш майдони (квм);

Φ – иш жойининг йиллик режали иш вақти фонди (соат);

B<sub>m</sub> – маҳсулотнинг меҳнат талабчанлиги – технологик вақт (соатда).

Йил бошида белгиланган ишлаб чиқариш қуввати – кириш қуввати, йил охиридагиси эса чиқиш қуввати дейилади. Ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q_{yp} = K_k + (K_m * \Pi) / 12 - (K_{ch} * \Pi) / 12,$$

бу ерда,

K<sub>k</sub> – кириш (режалаштирилаётган йил бошидаги) қувват;

K<sub>m</sub> – йил давомида ишга туширилган қувват;

K<sub>ch</sub> – чиқиш (йил охиридаги) қувват;

Π – режалаштирилаётган даврдаги ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилмаган ойлар сони;

Π – режалаштирилаётган даврда, ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланилган ойлар сони.

Асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилаш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, капитал маблағ сарфламай қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик ўсишига ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имкон яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда республикада улардан унумли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Саноат асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қувватлари самарадорлигини оширишда корхоналарда технологик ускуналарнинг иш сменасини кўпайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Ускуналардан интенсив фойдаланишни яхшилаш учун корхонанинг техника ва технологиясини такомиллаштириш, машиналарнинг иш тезлигини ошириш, металл қуйишга, химиявий жараёнларга сарфланадиган вақтни қисқартириш, шунингдек, кадрлар малакасининг техникавий савиясини ошириш, корхоналарни йириклаштириш, ихтисослаштириш ва ҳамкорлик асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарур.

### **3. Айланма фондлар ва айланма маблағлари, уларнинг шаклланиши ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари**

Саноат соҳасида турли маҳсулотларни тайёрлаш жараёнида моддий ва молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжлар доимо ошиб боради. Саноат корхоналарида асосий фондлар билан бир вақтда меҳнат буюмлари ҳам ҳаракатда бўлади. Шу сабабли уларни айланма фондлар деб айтилади.

**Айланма фондлар** – бу ишлаб чиқариш жараёнида бир марта қатнашиб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиб, ўз шаклини ҳам ўзгартирадиган, бутунлай йўқотиб юборадиган меҳнат буюмларидир.

Айланма фондларга ишлаб чиқариш жамғармалари ва ишлаб чиқаришдаги маблағлар, тугулланмаган ишлаб чиқариш ва келгуси давр харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш жамғармалари айланма фондларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу корхоналарга келтирилган, Лекин ишлаб чиқариш жараёнида ҳали фойдаланилмаган меҳнат буюмлари, хусусан, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар, ёкилғи, асосий ва ёрдамчи материаллар, энергия, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, хўжалик жиҳозлари ва тез емирилувчи буюмлардан иборат.

Айланма фондларнинг яна бир қисмини тугалланмаган ишлаб чиқариш ташкил этади. Улар ишлаб чиқариш жараёнига аллақачон тушган, Лекин ишлов бериш тугамаган меҳнат буюмларидир. Буларга корхона ўзи яратган, Лекин чала тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришлар киради.

Айланма фондларнинг яна бир қисми келгуси давр харажатлари ҳисобланади. Уларга янги турдаги маҳсулотларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўзлаштириш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, хоналарни ижарага олиш, тоғ-саноат корхоналарига тааллуқли харажатлардан иборатдир. Бу харажатларнинг ҳаммаси тайёр маҳсулотнинг таннарихига киритиш эвазига қопланади.

Айланма фондларнинг таркиби турли тармоқларда турлича бўлади. Масалан, умуман саноат бўйича ишлаб чиқариш жамғармаси 64% га яқин бўлса, электроэнергетика ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш соҳасида 56% ни, машинасозликда 54%, кўмир саноатида 33% ни ташкил этади. Айланма фондларнинг таркиби фақат тармоқларда эмас, корхоналарда ҳам бир биридан фарқ қилиши мумкин. Бу ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасига, жорий этилаётган технологиянинг усулига, йўлига, корхонани ихтисослаштириш даражасига, ишлаб чиқариш жараёнининг давомийлигига, ишлатиладиган материалларнинг таркибига боғлиқдир. Айланма фондларнинг таркибини иқтисодий таҳлил этиш ва уларнинг таркибига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг таъсир кучи натижаларини топиш, тармоқлар ва корхона

тараққиётини белгилашга катта ёрдам беради. Айланма фондларнинг таркибини аниқлаш, фойдаланишни яхшилаш йўллари белгилаш учун моддий баланслар тузилади. Бу баланслар ҳар бир тармоқ иккинчи тармоққа қандай буюмлар етказиб беришини тавсифлайди.

### **Моддий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари**

Ижтимоий ишлаб чиқариш ва унинг асосий бўғини бўлган корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Моддий ресурслардан фойдаланишнинг жуда кўп йўллари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Моддий ресурслардан комплекс (ҳар тарафлама) фойдаланиш;
2. Чиқиндилардан ёки иккиламчи хомашё ва материаллардан фойдаланиш.

Хомашё ва бошқа айланма фондлардан фойдаланишни яхшилаш учун даставвал фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш керак. Эски техникани янги техника билан алмаштириш, айниқса, ҳозирги замонда ривожланган хорижий мамлакатлар технологиясини жорий этиш зарур. Бу борада ҳозирги пайтда республикада анчагина ишлар амалга оширилмоқда. Россия, Олмония, АҚШ, Япония, Франция, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда саноат корхоналари техник ва технологик жиҳатдан яхшиланмоқда. Корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини компьютерлаштириш кучаймоқда. Баъзи бир машина-механизмлар модернизация қилинмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнлари такомиллашмоқда. Бу эса корхоналарда ишловчиларнинг малакасини ошишига таъсир кўрсатмоқда, оқибатда ҳар бир маҳсулот бирлигига сарфланаётган меҳнат буюми камаймоқда. Хомашё, ёқилғи, энергетика ресурслари, яъни айланма фондларнинг яхши ишлатилиши туфайли катта самара олиш борасида фақат техникавий омилларгина катта ўрин тутмасдан, ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам етарли рол ўйнайди.

Айланма фондлардан самарали фойдаланишда хўжалик механизмининг аҳамияти катта. Хусусан, режалаштириш, баҳолаш, молиялаш, кредитлаш, хўжалик ҳисобини юритиш, бошқариш, моддий ва маънавий рағбатлантириш каби хўжалик механизмининг элементлари ҳам таъсир кўрсатади. Айланма фондлардан оқилона фойдаланиш учун рақобатни жорий этиш керак. Рақобат эса маҳсулотни энг сифатли, энг арзон ва кўплаб ишлаб чиқариш воситасидир. Рақобат бўлиши учун бир хил маҳсулотни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони кўп бўлиши керак.

Айланма фондлардан режавий фойдаланишни ташкил қилишда уларнинг айрим турларини маҳсулот бирлигига сарф этишни илмий асосда нормаллаштириш катта аҳамият касб этади. Бу ишни бажариш ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, моддий техника таъминотини ташкил этиш, техника ва технологияни такомиллаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Барча нормалар илмий жиҳатдан асосланган ва ўзларининг хусусиятлари бўйича илғор давр талабига жавоб берадиган бўлишлар зарур.

Моддий ресурсларни сарфлаш нормалари турлича бўлиши мумкин:

1. Фойдаланиш муддатига нормалар, а) истикболли; б) йиллик ва оператив нормалар.
2. Қўлланиш миқёси бўйича нормалар икки хил: шахсий нормалар ва расмийлашган нормалар бўлади.

3. Нормаллаштирилаётган маблағнинг деталлаштириш даражаси: тайёр маҳсулот ёки унинг айрим қисмлари бўйича ажратилиши мумкин.

4. Материалларни деталлаштириш бўйича йиғма нормалар, йириклашган нормалар бўлиши мумкин.

5. Моддий ресурсларни тўғри, оқилона сарфлашни нормаллаштириш учун уларнинг таркибини белгилаш катта аҳамиятга эга.

Нормалар таркибида қуйидагилар эътиборга олинади:

- маҳсулот бирлигига сарфланадиган фойдали хомашё ва материалларнинг миқдори.

- зарурий техник чиқинди ва бошқалар. Масалан, кийим тикиш жараёнида қийқимлар чиқади. Нормалар тажриба, лаборатория, техникавий, аналитик, ҳисоб, статистик усуллар билан тузилади. Бу усулларнинг энг муҳими биринчиси ҳисобланади.

### **Айланма маблағлар ва уларнинг айланишини тезлаштириш**


Саноат корхоналарининг фаолияти асосий ва айланма фондлар ҳамда айланма маблағлар билан узвий боғлиқлиги алоҳида аҳамият касб этади. Муомаладаги ишлаб чиқариш фондларининг йиғиндиси айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағлар 2 та фондни ўз ичига олади:

1. Айланма фондлар;
2. Муомала фондлари.

Айланма фондлар ўз навбатида ишлаб чиқариш жамғармаси, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва складлар (омбор)лардаги тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади.


Муомала фондларига жўнатишга юкланган маҳсулотлар ва давлат банкидаги пул маблағлари киритилади.

Айланма маблағларнинг таркибини 6-чизмада кўриш мумкин:



Айланма маблағлар (саноат ишлаб чиқариши бўйича).

Айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлиб, пул ва ишлаб чиқарилган товар шаклида рўй бериши мумкин. У қуйидаги схема билан ифодаланади:



Бунда: П – корхонанинг пул шаклидаги маблағлари; ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун (Ив) ва иш ҳақи (Их), сўм ҳисобида.

Ич – ишлаб чиқариш воситаларининг унумли истеъмоли, сўм ҳисобида;

Т – ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилиниши натижасида ишлаб чиқарилган товарлар қиймати, сўм ҳисобида;

П¹ – ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш натижасида ҳосил бўлган пул, сўм ҳисобида.

Корхонанинг айланма маблағлари кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида муҳим рол ўйнайди. Чунки улар ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига шароит яратиб берадилар. Айланма маблағлари камайиб кетган корхона (фирма)лар банкротликка юз тутадилар.

Ташкил этилиш усулига қараб айланма маблағлар нормаллаш-тириладиган ва нормаллаштирилмайдиган маблағларга бўлинади.

Нормаллаштириладиган айланма маблағлар корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун керак бўлган маблағларнинг минимал миқдоридир.

Айланма маблағларнинг айланиш даври 3 қисмдан иборат бўлади:

1. Маблағларнинг ишлаб чиқаришдаги жамғарма шакли;
2. Ишлаб чиқариш жараёнидаги шакли;
3. Тайёр маҳсулот ёки ҳисоб-китоб счётидаги шакли.

Нормаллаштиришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жамғармаларини, тугулланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини, тайёр маҳсулот қолдиғини аниқлашдан иборат.

Нормаларга биноан, ишлаб чиқариш жамғармалари режалаштирилади. Уларнинг миқдори корхоналарда камроқ, Лекин ишлаб чиқариш жараёнига етарли бўлиши керак.

Ҳар бир корхона айланма маблағларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни ва уларнинг айланишини тезлаштиришни таъминлаши керак. Фақат шундагина у самарали ишлаган бўлади. Айланма маблағларнинг иқтисодий самарадорлиги уларнинг доиравий шаклда айланишининг тезлашишидир. Бунга эришилганда ортиқча маблағларнинг бўшашига ва улардан бошқа мақсадларда қўлланишига шароит яратиб берилади.

Айланма маблағларнинг айланиши турли кўрсаткичлар билан белгиланади. Айланма маблағларнинг айланиш коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ka = M_{cm} / A_{i.k},$$

Бунда: Мсм – сотилган маҳсулот миқдори, сўм ҳисобида;

Ай.қ. – айланма маблағларнинг ўртача йиллик қолдиғи, сўм ҳисобида.

Айлана маблағларнинг 1 та айланиш даврини қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$Ad = (A \text{ й.қ} * 360) / Msm$$

Айланма маблағларнинг айланиш даврини ҳисоблашни осонлаштириш учун йилдаги кунлар сонини 360 кун, квартални 90 кун, ойликни 30 кун деб қабул қилинган.

#### **8.4. Меҳнат ресурслари ва кадрлар салоҳияти**

Меҳнат ресурслари - бу аҳолининг жисмонан ривожланган, ақлий қобилият ва билимларга эга, меҳнатга лаёқатли қисмидир. Одатда уларни аҳолининг иқтисодий фаол қисми деб аталади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми (моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганларнинг тахминан 8-10 фоизи) бугунги кунда қурилиш соҳасида ишламоқда. Айнан улар қурилишнинг асосий фондларини ҳам, айланма фондларини ҳам ҳаракатга келтирадилар, халқ хўжалиги ва аҳоли учун керакли объектларни вужудга келтирадилар.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитлари меҳнат ресурсларини маҳорат билан бошқариш ва аввало, кадрларни макроиқтисодий миқёсда ҳам, унинг бирламчи бўғинлари - корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлар миқёсида ҳам кадрларни тўғри танлаб, тўғри жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кундаги кадрлар ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини яхши тушуниш билан бирга, иқтисодиёт ва иқтисодий ривожланиш қонунларини, бизнес-стратегияларни, илмий менежмент асосларини, хўжалик юриштишнинг ҳуқуқий масалаларини билишлари, ишлаб чиқаришда юзага келадиган вазифаларни тезкор еча олишлари керак.

Ислохотлардан аввалги даврда кадрлар билан ишлашнинг таҳлили унда қуйидагича салбий жиҳатлар бўлганлигини кўрсатмоқда:

- касбга йўналтиришнинг, кадрларни яъни ишчиларни ва раҳбарларни (менежерларни) танлаш ва жойлаштиришнинг расмийлиги;
- айрим ишловчиларнинг шахсий сифатларига, уларнинг меҳнат натижаларига ортиқча баҳо бериш ёки етарли баҳоламаслик;
- ишловчининг ўз иш лавозимига мос эмаслиги ёки ишга қабул қилишдаги протекционизм;
- меҳнат натижалари учун жавобгарликнинг сусайиши;
- ўз-ўзини танқид ва ўз-ўзидан норозиликни билмаслик;
- меҳнатга ҳақ тўлашда тенглаштириш, маҳорат ва ташаббускорликка, мустақилликка етарли эътибор бермаслик.

Бугунги кунда қурилишдаги кадрлар сиёсати бошқа тармоқлардаги билан деярли бир хил бўлиб, аввало бозор талаблари ва бозор муносабатларига, қарорлар қабул қилишда мустақилликка асослангандир. Бунда асосий эътибор инсон омилининг кучайтирилишига қаратилади, чунки иқтисодий тараққиётнинг тақдирини завод ва фабрикалар, машиналар, асбоб-ускуналар ёки ишлаб чиқариш захиралари эмас, балки аввало инсонлар, ишчилар ҳал қилади. Корхона ёки ташкилотнинг фаолиятини самарали ёки самарасиз қилувчилар ҳам айнан ишчилар, меҳнат жамоасидир.

Шу муносабат билан инсон омилининг қурилишнинг самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатишидаги асосий жиҳат қуйидагилардан ташкил топган:

- кадрларни танлаш ва илгари суриш;
- кадрларни тайёрлаш ва уларни узлуксиз ўқитиш;
- кадрлар таркибининг барқарорлиги ва ихчамлиги;
- ишчилар меҳнатини моддий ва маънавий баҳолашни такомиллаштириш.

Бу вазифаларни ҳал қилишда қурилиш ташкилотлари (фирмалари) бошқа корхоналар каби кенг фаолият микёсига эгадирлар. Аммо бу ердаги умумий қоида шундайки, ишлаб чиқаришга маълумоти ва касбий маҳорати билан ажралиб турадиган кишилар керак. Бугунги кунда, талаб ва таклиф кўпинча бир-бирига қарама-қарши турган, энди шаклланиб келаётган меҳнат бозорида айнан ана шундай кишиларга бўлган талаб кучлидир.

Қурилишда меҳнат ресурсларини бошқариш тизими ҳозирги кунда ўзаро боғлиқ бўлган уч блокни ўз ичига олади:

- 1) корхонанинг меҳнат ресурсларини шакллантириш;
- 2) корхонанинг меҳнат ресурсларини ривожлантириш;
- 3) ҳаётнинг меҳнат даврининг сифатини ошириш.

### **Қисқача хулосалар**

Корхоналарни ишлаб чиқаришининг ресурслар билан таъминланганлиги - жорий ва истикболли дастуларини муваффақиятли амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бозор шароитларида корхона ва ташкилотларнинг ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга бўлган муносабати миқдорий ва сифат жиҳатдан ўзгаради.

Ишлаб чиқариш фондлари (асосий ва айланма) ишлаб чиқаришнинг ресурс асосини характерлайди. Улар меҳнат ресурслари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг бир маромда давом этишини ҳамда сарфланган маблағларнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш фондлари ва кадрлар салоҳияти кўп жиҳатдан ҳар бир қурилиш ташкилотининг ва бутун тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини (қувватини) белгилаб беради.

Бозор шароитларида ресурс салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланиш аввало корхона ва ташкилотларнинг вазифасидир. Давлат хўжалик субъектларининг бу борадаги мустақиллигини рағбатлантиради, ҳолбуки уларни зарур ҳолларда қўллаб-қувватлаб ҳам туради.

Қурилишдаги муҳим вазифа - бу айланма воситаларнинг айланишини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишдир, бу эса ўз навбатида одамларнинг меҳнатга, ресурслардан тежамли фойдаланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва бошқа шу кабиларга бўлган муносабатларига боғлиқдир.

Бозор ва бозор муносабатлари шароитларида ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилотни ўзининг ресурс сиёсатини ишлаб чиқиши лозим бўлиб, бу сиёсат бир томондан, ўзининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, иккинчи томондан эса - ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

### **Таянч сўз ва иборалари**

Ресурслар тушунчаси. Ишлаб чиқариш салоҳияти. Асосий фондлар. Асосий ишлаб чиқариш фондлари. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари. Маънавий эскириш. Жисмоний эскириш. Амортизация ажратмалари. Тиклаш қиймати. Қолдиқ қиймат. Ишлаб чиқариш қуввати. Экстенсив кўрсаткичлар. Интенсив кўрсаткичлар. Интеграл кўрсаткичлар. Фонд қайтими. Фонд сиғими. Фондларнинг рентабеллиги. Айланма фондлар. Муомала фонди. Ишлаб чиқариш захиралари. Ишлаб чиқариш жараёнидаги

айланма фондлар. Айланувчанлик коэффициенти. Бир айланманинг ўртача давомийлиги. Меҳнат ресурслари. Меҳнат ресурсларини бошқариш тизими.

### **Назорат саволлари**

1. “Ишлаб чиқариш ресурслари” нима, уларнинг “ишлаб чиқариш заҳиралари”дан фарқи ёки ўхшаш томонлари нимада?
2. Бозор шароитларида ресурсларни тежаш қандай аҳамиятга эга ва у қурилиш иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
3. Ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий моҳиятини очиб беринг ва улардан қурилишда фойдаланиш даражасини характерловчи кўрсаткичларга мисол келтиринг.
4. Кадрлар салоҳияти нима ва қурилишда қандай шаклланади?
5. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг аҳамиятини ёритиб беринг, кўрсаткичларини айтиб беринг ва қурилишда уни ошириш йўллари кўрсатиб беринг.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т.: «Ўзбекистон». 1996. Том 2, 3-36 бетлар.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т.: “Ўзбекистон“. 2000. 352 бет.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2005 йил 28 январь. «Халқ сўзи», 2005 йил, 31 январь.
4. А.Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти“ (дарслик). –Т.: ТДИУ. 2004.
5. Э. Махмудов. “Корхона иқтисодиёти“ (ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ. 2004. 208-бет.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-2-жилдлар.- Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002-2005.
7. Промышленность Республики Узбекистан 2001-2004 гг. Статистические сборники.
8. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). - Хукумат сайти.
9. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz). - Президент сайти.
10. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz) - Университет сайти

### **9-мавзу: Ижтимоий иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари.**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичларини билишга турли хил ёндашувлар. Иқтисодий тизим тушунчаси.
2. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни: ўзлаштириш, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаввуф этиш тушунчаларининг мазмуни.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари.
4. Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусиятларининг шакллари, йўллари ва усуллари.

Кишилик жамияти ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзаро бирлиги ҳамда зиддияти асосида тараққий этиб бориб, унинг

турли босқичларига ўзига хос бўлган иқтисодий тизимлар мувофиқ келади. Инсоният тараққиёти босқичларива ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш иқтисодий жараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлигидан иборат. Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи кучлар- бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник буюмлашган элементлар тизимидан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир.

Одамлар ишлаб чиқариш жараёнида фақат табиат ашёлари ва бошқа моддий ашёлар билан эмас, шу билан бирга ўзаро бир-бири билан ҳам муносабатларда бўладилар, яъни ишлаб чиқариш муносабатларига киришадилар. Бунда ишлаб чиқаришда таркиб топадиган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бир-биридан фарқ қилади. Ташкилий-иқтисодий муносабатлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш жараёнида вужудга келади. Мазкур муносабатлар кишилар ўртасидаги алоқалар сифатида намоён бўлиб, шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳолатини бевосита тавсифлайди, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти муайян босқичларнинг хусусиятларини ва уларнинг ижтимоий уйғунлашувини акс эттиради.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар- бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир. Улар такрор ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иқтисодий муносабатлар деб ҳам аталади.

Ишлаб чиқариш усули билан жамият устқурмаси ижтимоий-иқтисодий формацияни ташкил этади.

Жамият тараққиёти босқичларига технологик ёндашув ҳам маълум бир оқим ҳисобланади. Улар жамият тарихий тараққиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар кўлами ва хусусиятини яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усуллари таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Меҳнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан ва биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Ишлаб чиқариш технологик усуллариининг дастлабки учта босқичи алоҳида фарқланади. Булар оддий кооператия, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқаришдир. Оддий кооператия- бу бир хил ишни ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклдаги уюшиши, биргалашиб маълум тартиб асосида ишлайдиган кишилар гуруҳидир. Кооператиянинг якка тартибдаги хунармандчилик ишлаб чиқаришига нисбатан афзалликлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

1. кўплаб ишчиларнинг биргаликдаги меҳнати ишчи кучидаги алоҳида тафовутларнинг йўқолишига, уларнинг сифат жиҳатдан бир хилликка олиб келди;

2. бино ва иншоотлардан биргаликда фойдаланиш натижасида ёқилғи, ёритиш ва бошқа шу каби харажатларнинг кам сарфланиши маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш воситаларининг тежалишига олиб келди;
3. биргаликдаги меҳнат беллашувни келтириб чиқариб, меҳнат унумдорлигини оширди.

Машиналашган ишлаб чиқаришга олиб боровчи йўлда мануфактура, яъни меҳнат тақсимотига асосланган, лекин машина ҳали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооператив муҳим роль ўйнайди. Мануфактура даврида ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади. Ялпи ишчи кучи таркиб топади, ҳар бир айрим ходим эса ялпи ишчи кучининг таркибий қисмига айланади. Бунда оддий кооперативдагидек қўл меҳнатига ва унга асосланган қуролга таянади.

XV111-асрнинг сўнгги 30 йили ичида бошланган саноат революцияси натижасида йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келди.

Машиналар тизимига асосланган фабрика бугун ҳам кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий бўғини ролини сақлаб келмоқда.

1. Иқтисодий назарияда кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимининг учта нусхасига киритилади: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти ва бозор иқтисодиёти тизимлари.

Анъанавий иқтисодиёт- деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнларга амал қилади.

Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим, маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий аниқроғи давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан ифодаланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим бозор иқтисодиёти тизимидир.

Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси, эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиёти бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ҳамда уйғунлаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай тизимда унинг ҳам бир қатнашчисининг хулқ-атвори шахсий манфаатига асосланади, ҳар бир иқтисодий бирлик, алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида, ўзларининг даромадларини энг юқори даражага етказишга интилади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Ҳозирги даврда реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли

йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, башоратлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кучаяди.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният тараққиётининг маҳсули ҳисобланади.

Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади.

Шундай экан, мулкчилик муносабатлари-бу мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ва ўзлаштириш жараёнларида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас жиҳатлари белгилаб берса-да, бу муносабатлар тавсифи нафақат алоҳида мулк шаклларида, балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мулкчилик муносабатлари унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир.

Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади. Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти бўлиб чиқади.

Мулкчилик муносабатлари- бу мулк объектини ўзлаштириш бўйича мулк субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатдир.

3.Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади», деб таъкидланади.

**Давлат мулки** – мулк давлатга тегишли бўлганда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлади.

**Жамоа мулки** – муайян мақсад йўлида жамоада бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий ойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлади.

**Шахсий мулк** – мулк шакллари ичида муҳим ўрин тутати. Шахсий мулк бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати асосида қўпаяди ва ривож топади.

**Хусусий мулк** - айрим соҳибкорларга қарашли йўлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда), хусусий мулк ўз мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган молимулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади.

Давлат тасарруфидан чиқариш- давлат корхоналарини ҳамда ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, аксияли жамиятларга, маъсулияти

чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш- фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат актияли жамиятларининг актияларини давлатдан сотиб олишидир.

Бундан кўринадики, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча.

Хусусийлаштириш- давла мулкига эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш – хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини хиссадорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш, мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва ишбошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат молимулкнин аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлат зиммасидан соқит қилиш йўлларида бири бўлиб, давлат мулкнин маълум даражада ҳақиқий эгалари – фуқароларга бериш демакдир. Кўпинча, хусусийлаштириш- бу давлат мулкнин ишловчиларга бериш, деб талкин қилинади. Аслида мамлакатнинг барча аҳолисига давлат мулкнин бўлиб бериб бўлмайди, бунда аҳолининг ҳаммаси мулкка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни айирбошлаш каби машаққатли ишларни ўз зиммасига олавермайди.

Давлат мулкнин хусусийлаштириш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилишини кўзда тутди.

Республикада давлат мулкнин хусусийлаштиришнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари Президентимиз И.А.Каримов томонидан баён қилинган иқтисодий ислохатларни амалга иширишнинг асосий қоидаларидан келиб чиқади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Мулк турлари, мулкчилик муносабатлари, давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулк, аралаш мулк, мулк субъектлари, мулк объектлари.

### **Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар.**

1. Ишлаб чиқариш усули нима ва унинг таркибий қисмлари нималардан иборат?
2. Ишлаб чиқариш усуллариининг энг муҳим ўзига хос белгиларини ажратиб кўрсатинг. Бир ишлаб чиқариш усулининг бошқасига алмашиниши сабаблари ҳақида мулоҳаза билдириг.
3. Ишлаб чиқариш технологик усулининг таркибий қисмларини санаб кўрсатинг. Фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш технологик усулига

таъсири қандай? Ишлаб чиқариш технологик усуллари­нинг босқичлари бир-биридан нима билан фарқланади?

4. Иқтисодий тизим нусхаларини фарқлантирадиган асосий белгиларни санаб кўрсатинг.
5. Мулкчиликнинг моҳиятига таъриф беринг ва унинг турли шакллари­нинг иқтисодий мазмунини тушунтиринг. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунини ажратиб кўрсатинг.
6. Мулк субъектларининг кўп даражали бўлишига сабаб нима? Мулкчилик шакллари­нинг фарқланиши асосида нима ётади?
7. Бозор иқтисодиётига ўтиш нима учун мулкчиликнинг турли шакллари­ни тақозо қилади? Давлат мулк­ини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш нима учун ҳозирги босқичда объектив зарурият ҳисобланади? Хусусийлаштириш босқичлари ва шакллари­га тавсиф беринг.
8. Хусусийлаштиришнинг қандай усуллари­ни биласиз? Бу усуллардан бирини танлаб олишга қандай омиллар таъсир кўрсатади?

## **10- Мавзу. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва хусусиятлари.**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Ўтиш даври назарияси. Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамма мамлакатларга хос умумий жараён.
2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий андозалари.
3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохатларни амалга ошириш концепсияси ва стратегияси.
4. Иқтисодиётда давлат ва нодавлат секторлари нисбати. Бозор иқтисодиётига ўтиш ўзбек андозасининг қарор топиши.

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври­нинг умумий мазмунини иқтисодий муносабатларнинг алоҳида унсурларини ислох қилиш ёки иқтисодий сиёсатга тузатишлар киритиш эмас, балки бутун иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартиришдан иборатдир.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври деганда маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш ёки тубдан ўзгартириш ҳамда бозор тизимининг асосларини шакллантириш жараёнлари амалга оширилувчи тарихий давр тушунилади.

Жаҳон тажрибасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча йўллари умумлаштирилиб, қуйидаги учта асосий турга бўлинади:

1. ривожланган мамлакатлар йўли;
2. ривожланаётган мамлакатлар йўли;
3. собиқ сотиалистик мамлакатлар йўли;
4. сотиализм ғояларини самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш механизми билан қўшиб олиб бориш йўли.

Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётдан ҳозирги замон бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарурлиги иқтисодий ўсиш экстенсив омиллари­дан фойдаланиш имкониятларининг тугаб бориши билан нотовар иқтисодиётнинг амал қилиш лаёқатининг пасайиши орқали ифодаланади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими иккита аҳамиятли камчиликка эга. Биринчиси – бу унинг мослашувчан эмаслиги, рўй бераётган ўзгаришларга жуда

секинлик билан мослашиб бориши. Марказдан туриб бошқаришнинг моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш бўйича қарори кўринишидаги мослаштирувчи механизми вужудга келган номутаносиблик ўзининг қалтис нуқтасига етган вақтдагина ишга тушади.

Иккинчи камчилик – бу хўжалик юритиш ташаббускорларини «йўқотиб юбориш» оқибатида самарадорликнинг ниҳоят даражада пасайиб кетганлигидир.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш турли мамлакатларда умумий тенденцияга эга. Бу жараён иқтисодиётни эркинлаштириш, чуқур институционал ўзгаришларни ўз ичига олади, бироқ, бир вақтнинг ўзида молиявий барқарорлаштириш чора-тадбирларини амалга оширилишини тақазо этади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимини ўзгартириш мазкур тизим асосининг ўзгаришини ҳамда уни сифат жиҳатдан фарқ қилуви бозор тизимида алмаштирилишини англатар экан, бундай турдаги ўзгаришларни тизимий ислохатлар деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш. Эркинлаштириш- бу хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборат. У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;
- нархларнинг асосан талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;
- ички ва ташқи бозорларда траксатион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

2. Иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш. Бу йўналиш қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

- барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши;
- бозорга хорижий рақобатчилар ҳам кириши учун имкон берилиши;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш ва тармоққа киришидаги тўсиқларни пасайтириш;
- табиий монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш ва бошқалар.

3. Институционал ўзгаришлар. Мазкур ўзгаришлар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш;
- бозор инфратузилмасини шакллантириш;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш;
- бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилигини қабул қилиш ва бошқалар.

4. Таркибий ўзгаришлар. Таркибий ўзгаришлар биринчи навбатда халқ хўжалиги ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни мшатиш ёки бартараф этишга йўналтирилган. Иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуришдан асосий мақсад – ички ва ташқи бозорларда

тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини ривожлантиришдан иборат.

5. Макроиктисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш. Аслини олганда, бу жараён тизимий ислоҳатлар қаторига кирмайди, чунки у бозор иқтисодиёти барқарор амал қилаётган мамлакатларда ҳам тез-тез ўтказилиб туради. Бу йўналишнинг муҳим аҳамияти шундан келиб чиқадики, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг инқироzi, энг аввало ва кучли равишда молиявий соҳада, айниқса, юқори инфляция шаклида намоён бўлади. Инфляциянинг узок вақт мавжуд бўлиши бозор муносабатларининг нормал қарор топишига тўсқинлик қилади, шунинг учун уни бартараф этиш ўтиш даври иқтисодиёти учун ўта муҳим ҳисобланади. Макроиктисодий барқарорлаштириш чора-тадбирлари тизимига пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фойиз ставкасини таъминлаш ва бошқалар киради.

6. Бозор хўжалигига мос бўлган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини шакллантириш. Бу тизим аҳолининг нисбатан муҳтож қатламини аниқ ижтимоий кўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Бозор тизимининг кўрсатиб ўтилган асосий унсурларини шаклланишининг якунига етиши ўтиш даври тугаганлигидан дарак беради.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Бу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга Президентимиз И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта муҳим тамойил асос қилиб олинган:

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг устунлигини таъминлаш.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳатчи бўлиши.

Учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёнини қонунларга асосланмоғи, қонунларнинг устунлиги таъминланмоғи лозим.

Тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Нихоят, бешинчидан, бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш. Бозор муносабатларига ўтишда бу тамойилларнинг ҳаммаси ҳам муҳим аҳамиятга эгадир, лекин уларнинг ичида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки тегишли ҳуқуқий негизни, бозорнинг инфратузилмаларини яратиш, одамларда бозор кўникмаларини ҳосил қилиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги иккита вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилганлиги таъкидланади:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш;
- Шу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва бажарилди.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳатларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналари, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишда икки босқичли тараққиёт юзага келади. Биринчи босқичда давлат сектори ва бозор хўжалигидан иборат ярим эркинлашган иқтисодий тизим юзага келади. Иккинчи босқичда иқтисодиёт тўлиқ эркинлаштирилади, хусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин қўйиб юборилади, давлат корхоналарининг монопол мавқеи тугатилади.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги босқичда «эркинлаштириш ва ислоҳатларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир». Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги аниқ вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш;
- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида амалда мулкдорлар синфини шакллантириш;
- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳукуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устивор ўрин олишига эришиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;
- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

3. Иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бир туридан бутунлай бошқа янги турига ўтиш, иқтисодий ислоҳатлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг асосий йўналишларини аниқлаб олишни тақазо қилади. Иқтисодий ислоҳатлар – бу бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Республикада иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- мулкӣ муносабатларни ислоҳ қилиш;
- аграр ислоҳатлар;
- молия-кредит ва нарх-наво ислоҳати;
- бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳати;
- ижтимоий ислоҳатлар.

Республикада иқтисодий ислоҳатларнинг ҳукуқий негизини яратиш бўйича амалга оширилган ишларнинг бир нечта йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи йўналиш – давлат ва иқтисодий мустақилликнинг ҳукуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш.

Бошқарув тизимининг юқори ва қуйи даражадаги вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди. Ваколатли ҳокимиятнинг ягона тўла ҳуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти яратилди, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш соҳасида фуқаролар йиғини жорий қилинди.

Иккинчи йўналиш – тизимдаги ўзгаришларга, янги иқтисодий муносабатларга ва шу жумладан, мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар тизимини яратиш.

Учинчи йўналиш – хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратишга қаратилган қонундир.

Тўртинчи йўналиш – Республикамизни ҳалқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳуқуқий меъёрларни яратиш. Бу йўналишдаги қонунларни қабул қилиш натижасида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши тарихида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди.

Бешинчи йўналиш – кишиларнинг конституцион ва юридик ҳуқуқларини, ижтимоий кафолатларини ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш.

Юқорида кўриб чиқилган барча қонунларда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам амалий, ҳам иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилди.

Республикада иқтисодий ислоҳатларни амалга иширишнинг дастлабки босқичидаёқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунда қуйидагилар сабаб бўлди. Биринчидан, Республикамиз иқтисодиётида аграр соҳа устунликка эга, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан шу тармоқ аҳволига боғлиқ. Ҳозорги кунда аграр сектор ҳиссасига ялпи ички маҳсулотнинг 30% дан кўпроғи тўғри келади, халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 35 % га яқини қишлоқ хўжалигида ишлайди ва барча аҳолининг кўпроғи қишлоқда яшайди.

Иккинчидан, Республика бутун саноат салоҳиятининг ярмига яқинини ташкил қиладиган саноатнинг кўпгина тармоқларини ривожлантириш истиқболлари бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқ.

Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳозирги вақтда валюта ресурслари, республика учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар, техника ва технология ускуналарини четдан сотиб олишни таъминлаётган асосий манбаадир.

Тўртинчидан, мустақиллик шароитида қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги роли ортиб боради.

Иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш бошқаришнинг тегишли тизимини яратишни талаб қилади. Шунга асосан республикада бутун халқ хўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги даврга мос бўлган тузилмалари ишлаб чиқилди.

Республикада бозор инфратузилмасини яратиш бир қатор йўналишлар бўйича борди. Биринчи йўналиш бўйича товар хом ашё биржаси тизими ривожланди. Бу, ўз навбатида, брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди.

Иккинчи йўналишда капитал бозорининг ишини таъминлайдиган тузилмалар вужудга келтирилди. Кредит ресурслари бозори ва валюта бозори

вужудга келтирилди ҳамда давлатга қарашли бўлмаган суғурта компаниялари тузилди.

Учинчи йўналиш меҳнат бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш – нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш.

Иккинчи йўналиш – Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш.

Учинчи йўналиш – ислохотларнинг дастлабки босқичида аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш.

Республика учун ижтимоий ҳимоялаш тизимини танлаб олишда халқнинг узоқ йиллар давомида қарор топган маънавий ахлоқий қадриятлари, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятлари ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, ислохотларнинг барча йўналишлари мавжуд иқтисодий тизимнинг изчиллик билан бозор иқтисодиётига ўсиб ўтишига қаратилди. Бу ислохотлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, уни иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва халқаро миқёсда обрў-эътиборли мамлакатга айлантиришга хизмат қилади.

4.Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, иқтисодиётни ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар туради. Булар хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш; макроиқтисодий барқарорликка эришиш; миллий валютани мустаҳкамлаш; иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш; ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидир. Бу вазифаларни амалга оширишнинг назарий ва амалий асослари ҳамда устивор йўналишлари Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида ифодаб берилган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида иккита асосий вазифа ҳал қилинади:

Биринчидан, давлат ихтиёрида бўлган мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинлари қўлига топширилади.

Иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳити вужудга келтирилади.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда бир неча хил ёндашувлар таркиб топган. Булардан биринчиси монетар ёндашув деб аталади. У пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтириб туришга, пул массасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланади. Бу ёндашувнинг камчилиги шуки, у ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми камайишига ва инвестиция фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келади.

Иккинчиси – ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга ёрдамлашиш, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир меъёрга қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати товар билан қопланишнинг

иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишда, мувозанатга келтирилган монетар сиёсат асосий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилиши зарур.

Ана шу ёндашувлар негизида иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1) ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқаришига йўл қўймаслик;
- 2) бошқалардан устун бўлган тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш ва рағбатлантириш;
- 3) давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлаш;
- 4) пулнинг кадрайсизланишини тўхтатиш;
- 5) тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш;
- 6) мувозанатлаштирилган ижтимоий сиёсат асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш.

Бюджет интизомига риоя қилиш ва унинг камомадини чеклаш барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бунда солиқ тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги босқичда иқтисодиётни барқарорлаштиришда кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида миллий валютани мустаҳкамлаш умуммиллий вазифа ҳисобланади. Шу сабабли, миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинувини таъминлаш учун республикада бир қатор дастурларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Биринчидан, миллий валютанинг товарлар билан барқарор таъминланишига эришиш. Бунда бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш ва уларнинг умумий ҳажмида республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳиссасини ошириб бориш ҳал қилувчи ўринга эга бўлади.

Иккинчидан, етарли барқарор валюта захираларига эга бўлиш. Бунда республика экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини ошириш орқали эришилади.

Учинчидан, ишлаб топилган ҳар бир сўмни кадрлаш ва халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўмнинг фойда билан қайтишига эришиш. Бунинг учун қатъий молия-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур.

Тўртинчидан, пул кадрайсизланишига, инфляцияга қарши пухта ўйланган сиёсат ўтказиш. Бунда ички бозорни моллар билан тўлдириш, нақд пул ва кредит эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга.

Республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишида иқтисодиёт таркибий тузилишини ўзгартириш вазифаси бутунлай янги халқ хўжалик комплексини бунёд этишга қаратилади. Бу эса иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий тузилишини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, экспорт ва импорт таркибини қайта қуриш, шунингдек, энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш асосий стратегик вазифага айланди. Бу борада

амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устивор вазифалар мамлакатимиз Президенти И.Каримовнинг Олий мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилди:

- биринчидан, бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш;
- иккинчидан, хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улусини қўпайишини таъминлаш;
- учинчидан, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларини чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтириш;
- тўртинчидан, банк ва молия тизимларидаги ислохатларни чуқурлаштириш;
- бешинчидан, уй-жой коммунал хўжалигини ислох қилиш;
- олтинчидан, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.

Шундай қилиб, Республикада иқтисодий ислохатларни амалга ошириш иқтисодиётида янги бозор муносабатларига асос солади, иқтисодий фаолият эркинлиги ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб беради, ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлайди.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Ўтиш даври, бозор ислохатлари, иқтисодий ислохатлар, иқтисодий уклад, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислохатлар концепцияси, иқтисодиётни барқарорлаштириш.

### **Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар.**

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жаҳон тажрибасида синалган асосий йўллари (моделлари)ни таърифлаб беринг. Уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўрсатинг.
2. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш йўли қандай хусусиятларга эга? Республика иқтисодиётини ислох қилишга қандай тамойиллар асос қилиб олинади?
3. Бозор муносабатларини босқичма-босқич қарор топтириш тамойилининг мазмунини батафсил тушунтиринг. Ҳар бир босқичнинг мақсад ва вазифаларини тўлароқ баён қилинг.
4. Республикада иқтисодиётни ислох қилиш қандай йўналишлар бўйича амалга оширилади? Ҳар бир йўналиш бўйича ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.
5. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодий ислохатлар ўз олдига қандай вазифаларни қўяди? Бу вазифаларнинг тўлароқ тавсифини беринг.
6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.
7. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир-бири билан қандай боғланганлигини таҳлил қилинг.
8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикада иқтисодиётни эркинлаштириш ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?
9. Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислох этишнинг асосий устувор вазифаларини сўзлаб беринг.

## 11 - Мавзу Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати.

### Ўқув модули бирликлари:

1. Талаб тушунчаси. Талаб миқдорининг ўзгарувчанлиги. Талаб эгри чизиги.
2. Таклиф тушунчаси. Таклифнинг ўзгарувчанлиги. Таклиф миқдори таъсир этувчи омиллар.
3. Талаб ва таклиф миқдорининг мос келиши. Бозор мувозанати.

1.Бозор иқтисодиётининг амал қилишида талаб ва таклиф қонунлари муҳим ўрин тутади. Талаб ва таклиф нархни шакллантиради, шу билан бирга нарх талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни аниқлаб беради. Эҳтиёж кишиларнинг ҳаётий воситаларига бўлган заруриятини ифодаловчи илмий категория сифатида тарраққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийдир. Унинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тарихий кўриниш талаб тушунчасидир. Талаб эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий категория сифатида амал қилади.

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, талаб- бу пул билан таъминланган эҳтиёждир. Эҳтиёж зарур миқдордаги пул билан таъминланмаса, у «хохиш», «истак» бўлиб қолаверади. Талабнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, чунки нарх ўзгариши билан товарнинг сотиб олинadиган миқдори ҳам ўзгаради. Шу боғлиқликдан келиб чиқиб, талабга қуйидагича таъриф бериш мумкин: маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган эҳтиёжи талаб дейилади. Бошқача қилиб айтганда талаб- пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Талаблар турлича бўлиб, одатда бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилинади: якка талаб ва бозор талаби. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг товарнинг шу турига бўлган талаби якка талаб дейилади. Бир қанча истеъмолчиларнинг шу турдаги товар ёки хизматга бўлган талаблари йиғиндиси бозор талаби дейилади.

Ҳозирда иқтисодий адабиётларда талабнинг турли кўринишларини ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш омилларига талаб ва истеъмол буюмларига талаб фарқланади.

Шунингдек, ҳақиқий, қондирилган ва қондирилмаган талаблар фарқланади. қондирилмаган талаб турли шаклларда намоён бўлиши мумкин: яшириг, жорий, ҳаракатчан, тўпланган талаб.

Товарга бўлган талаб кўплаб омиллар, масалан, рекламадан фойдаланиш, мода ва дидлар, афзал кўриш, атроф-муҳит, товарларни қўлга киритиш имконияти, даромад миқдори, нафлилик, ўзаро ўринбосар товарлар нархи, аҳоли сони, келгусидаги нархларнинг ўзгариши ва бошқаларнинг таъсирида ўзгариши мумкин.

Маҳсулот нархи ва сотиб олинadиган товар миқдори ўзгариши ўртасида бўладиган тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади.

Талаб қонунининг амал қилиши қуйидаги сабаблар орқали изоҳланади:

1.Ҳар қандай нарх истеъмолчи учун тўсиқ вазифасини ўтайди. Истеъмолчилар маълум бир товарни унинг нархи паст бўлса, кўпроқ сотиб ола бошлайди. Истеъмолчи учун нарх сотиб олишга ҳалақит қилувчи тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу тўсиқ қанча юқори бўлса, у шунча кам товар сотиб олади. Бошқача айтганда, юқори нарх истеъмолчининг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни кучайтиради.

Реал иқтисодий ҳаётда баъзан бу қоидага зид бўлган, яъни айрим товар нархининг ўсиши билан унга бўлган талаб миқдорининг янада ортиши ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳолат Гиффен самараси деб аталади. Гиффен камбағал ишчи оилалари картошка қимматлашишига қарамасдан уни истеъмол қилиш кенгайишини кузатиб, бу самарани тасвирлаб кўрсатган.

2) Алмашув самарасининг амал қилиши. Айрим ҳолатларда товар нархининг пасайиши натижасида истеъмолчининг, бошқа товарлар харид миқдори қисқартирмагани ҳолда, ушбу товарни олдингига нисбатан кўпроқ миқдорда сотиб олиш имконининг пайдо бўлишидир. Бошқача айтганда, товар нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг харид қувватини оширади, бунинг натижасида у олдингига кўра кўпроқ товар сотиб олиш имконига эга бўлади.

Алмашув самараси-муайян товар гархининг пасайиши билан бошқа товарлар нархининг нисбатан қимматлашуви натижасида улар истеъмолини арзон товар ҳисобига алмаштириш имконининг пайдо бўлишидир.

3) Кейинги қўшилган миқдор нафлилигининг пасайиб бориши қонунининг амал қилиши.

Маълумки, товарлар ўзида қандайдир наф依ликни мужассамлаштиргани учун харид этилади ва истеъмол қилинади. Товарнинг турли миқдорлари истеъмол қилинганда, улар келтирувчи умумий наф依лик ошса-да, кейинги қўшилган бирлик келтирувчи наф доимо пасайиб бориши тенденциясига эга бўлади. Шунга кўра, товарнинг навбатдаги бирлигини сотиб олиш, унинг нархи пасайган тақдирдагина наф依 ҳисобланади.

Талаб миқдорида нархдан ташқари таъсир қилувчи омиллар. Талаб ҳажмининг ўзгариши фақат товар нархига эмас, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бу омиллар талабнинг нархдан ташқари омиллари дейилади.

Талабга нархдан ташқари қуйидаги асосий омиллар таъсир кўрсатади: 1) истеъмолчининг диди; 2) бозордаги истеъмолчилар сони; 3) истеъмолчининг даромадлари; 4) бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи; 5) келажақда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли.

Бу омилларнинг ўзгариши талаб ҳажмининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини қараб чиқамиз.

1. Бирор маҳсулотга истеъмолчи дидидаги ижобий ўзгариш оўй берса, нархнинг тегишли даражасида унга бўлган талаб ортади. Истеъмолчи дидига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар талабнинг қисқаришига олиб келади.

2. Ўз-ўзидан аниқки, бозорда истеъмолчилар сони кўпайса, талаб ортади, истеъмолчиларнинг сони камайса, талаб қисқаради.

3. Пул даромади ўзгаришининг талаб ҳажмига таъсири бошқа омилларга қараганда анча мураккаб. Пул даромадининг ортиши жуда кўп товарларга талабни нисбатан оширади, даромаднинг камайиши эса бундай товарларга талабни камайтиради. Даромад ошса, унинг ўсишига қараб истеъмолчилар аксарият ҳолларда нархи юқори бўлса-да, кўпроқ сифатли товарларни харид қилишга ҳаракат қилишади. Даромаднинг ўзгариши билан талаб миқдори тўғри боғлиқликда ўзгарадиган товарлар олий тоифали товарлар дейилади. Даромадлар ўзгариши билан талаб миқдори тесқари боғлиқликда ўзгарадиган товарлар паст тоифали товарлар дейилади.

4. Ўзаро боғлиқ товарлар нархи ўзгаришининг талабга таъсирини ўрганишда уларни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади: 1) ўзаро бир-бирини алмаштирувчи ёки ўринбосар товарлар; 2) ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлар.

Ўзаро бир-бирини алмаштирувчи товарлардан бирининг нархи ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тўғри боғлиқликда бўлади.

Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи товарлардан бирининг нархи ўзгариши билан бошқасига бўлган талабнинг ўзгариши тескари боғлиқликда бўлади.

5. Истеъмолчи даромадлари, товар нархи ўзгаришининг кутилиши ва товарлар миқдорининг етарли бўлиши ёки бўлмаслиги каби омиллар талаб ҳажмини ўзгартириши мумкин. Келгусида нархнинг нисбатан ошишининг кутилиши, истеъмолчи жорий талабининг ошишига олиб келади. Аксинча, нархнинг пасайиши ва даромаднинг кўпайишининг кутилиши товарларга бўлган жорий талаб ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади.

2. Маълум вақт оралиғидаги нархларнинг мауийан даражасида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар томонидан маълум турдаги товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилган миқдори таклиф дейилади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб каби таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади.

Нархнинг ўсиши билан шунга мос равишда сотишга чиқариладиган товарар таклиф миқдори ҳам ортади, нархнинг тушиши билан таклиф ҳажми қисқаради.

Бозорда таклиф қилинадиган товар ҳажмига нархдан ташқари бир қатор омиллар ҳам таъсир қилади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилар:

- 1) ресурсларнинг нархи;
- 2) ишлаб чиқариш технологияси;
- 3) солиқ ва субсидиялар;
- 4) бошқа товарларнинг нархи;
- 5) нарх ўзгаришининг кутилиши;
- 6) бозордаги сотувчилар сони.

Мазкур омиллардан бир ёки бир нечтасининг ўзгариши таклиф ҳажмининг ўзгаришини тақазо қилади.

Таклифга таъсир қилувчи омилларнинг алоҳида-алоҳида қараб чиқамиз:

1. Ресурсларнинг нархи. Ишлаб чиқариш харажатлари ва таклиф ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Ресурс нархларининг пасайиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва таклифни оширади. Аксинча, ресурсларда нархнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, минерал ўғитлар нархининг пасайиши бугдой таклифини оширади, ёмғирлатиб суғориш харажатларининг ошиши маккажўхори дони таклифини қисқартиради.

2. Ишлаб чиқариш технологияси. Технологиянинг такомиллашуви маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Ресурсларнинг мавжуд нархида ишлаб чиқариш харажатлари камаяди ва таклиф кўпаяди.

3. Солиқлар ва субсидиялар даражаси. Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли, солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради.

4. Бошқа товар нархи. Бошқа товарлар нархларининг ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради.

5. Нарх ўзгаришининг кутилиши. Келгусида маҳсулот нархининг ўзгаришининг кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчининг бугунги кундаги бозорга маҳсулот етказиб бериш хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин.

6. Ишлаб чиқарувчилар сони. Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш харажатлари ва транспорт-ташиш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади. Масалан, нархнинг ўзгаришига жавобан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш имконияти мавжуд бўлса, таклиф ўзгаради. қишлоқ хўжалигига яроқли бўлган ерлар чекланган бўлса, унинг нархи қанчалик ошмасин, ер таклифини ошириб бўлмайди.

Ижодий касб соҳа ходимларининг меҳнат маҳсули ва ноёб санъат асарларининг таклифи ҳам ноўзгарувчан бўлади.

3. Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг бўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади. Бозор мувозанати вужудга келган ҳолда шаклланган нарх бозор нархи дейилади. Баъзан мувозанатлашган нарх ҳам деб аталади. Бозор мувозанати ва мувозанатли нарх ҳар доим мавжуд турмайди, уларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар мувозанатликнинг бузилишига сабаб бўлади. Аммо иқтисодиётда ушбу мувозанатга доимо интилиш мавжуд бўлади.

Талаб ва таклиф тушунчалари таҳлили, бизга сотувчи ва харидорлар манфаатларимос келишини қараб чиқишга ўтиш имконини беради. Мос келишлик ўз ифодасини мувозанатли нархда топади.

Мувозанатли нархни тушуниб олиш учун вақт омили катта аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли, бозордаги бир зумлик, қисқа даврли ва узок даврли мувозанатлик ҳолатни фарқлаш зарур.

Бир зумлик мувозанат учун тақдим қилинадиган товарларнинг ўзгармас ёки доимий миқдори хос. Бу ишлаб чиқаришнинг бозор вазиятига тез, бирданига мослаша олмаслиги билан боғлиқ.

қисқа даврли мувозанатликни, ишлаб чиқариш ва таклифни вақтинчалик амал қилувчи омилларидан фойдаланиш асосида кўпайтириш имкониятини тақозо қилади.

Бундай вақтинчалик омилларга иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ишлаш, иш сменасини кўпайтиришлар киради.

Узок даврли мувозанатлик ўзгариши узок муддатли даврдаги омиллардан фойдаланишни тақозо қилади. Бунда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, янгилаш ва қўшимча қувватларни вужудга келтириш билан боғлиқ инвестициялар ҳақида гап боради. Бу даврда янги корхоналарни қуриш ҳамда мазкур бозорда янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ҳам мумкин бўлади.

Талаб ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда нархнинг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг нарх бўйича эгилувчанлигини кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб талабнинг эгилувчанлиги деб аталади.

Талабнинг нарх бўйича эгилувчанлиги ( $E_t$ ) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_t = \frac{Q}{Q + P};$$

Бу ерда: Q - талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

P – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлади. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Маҳсулотларнинг ўрнини босувчанлиги. Истеъмолчига бирор маҳсулотнинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар кўпроқ тавсия қилинса, унга талаб шунча эгилувчан бўлади.

2. Маҳсулот қийматининг истеъмолчи даромадидаги салмоғи. Истеъмолчи даромадида маҳсулотлар нархи қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунча юқори эгилувчан бўлади.

3. Маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари. Зеб-зийнат буюмларига талаб, одатда эгилувчан, ҳаётий зарур буюмларга эса талаб ноэгилувчан ҳисобланади.

4. Вақт омили. қарор қабул қилиш учун вақт оралиғи қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади.

Шунингдек, даромад бўйича талаб эгилувчанлиги ҳам мавжуд. Даромадлар кўпайиши билан товар ва хизматларга бўлган талаб ҳам ошади. Бундан кўринадики, даромад талабга таъсир кўрсатади. Бу таъсир даражасини аниқлаш учун даромад бўйича талаб эгилувчанлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.

Истеъмочи даромадининг 1% га ўзгариши талабнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич талабнинг даромад бўйича эгилувчанлигини кўрсаткичи дейилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$E_{tQ} Q + D ;$$

Бу ерда: Q – талаб миқдорининг фоизли ўзгариши;

D – даромаднинг фоизли ўзгариши.

Таклиф ҳажмига таъсир қилувчи бошқа омиллар ўзгармай қолган шароитда, нархнинг 1%га ўзгариши таклифнинг неча фоизга ўзгаришини ифодаловчи кўрсаткич таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги кўрсаткичи дейилади. Бу кўрсаткич кўпинча оддий қилиб таклифнинг эгилувчанлиги деб ҳам аталади.

Таклифнинг нарх бўйича эгилувчанлиги ( $E_{tP}$ ) даражаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_{tP} P + R ;$$

Бу ерда: P – таклиф миқдорининг фоизли ўзгариши;

R – нархларнинг фоизли ўзгариши.

Таклиф эгилувчанлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил, маҳсулотга нархнинг мавжуд ўзгаришини ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақт оралиғи ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи нархнинг мавжуд ўзгаришига маслашиш учун қанчалик узоқроқ вақтга эга бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми шунчалик катта ўзгаради ва шунга мос равишда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам юқори бўлади. Биз юқорида вақт омилининг жуда қисқа, қисқароқ ва узоқ муддатли даврларидаги таклифнинг ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиб берган эдик. Бу таъсир таклифнинг эгилувчанлигида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Талаб, талаб эгри чизиги, талаб қонуни, таклиф, таклиф эгри чизиги, таклиф қонуни, даромад самараси.

### Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар.

1. Талаб қонунини тушунтиринг. Талабга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?
2. Таклиф қонунини тушунтиринг. Таклифга қандай омиллар таъсир қилади? Бу омиллардан ҳар бири ўзгарса, талаб эгри чизиғида қандай ўзгариш рўй беради?
3. Дон биржасида буғдойга бўлган талаб ва таклифнинг умумий ҳажми қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади деб фараз қиламиз:

| Талаб, минг сентнер ҳисобида | Бир сентнер нархи (сўм) ҳисобида | Таклиф минг сентнер ҳисобида | Ортиқча (қ) ёки кам (-) |
|------------------------------|----------------------------------|------------------------------|-------------------------|
| 85                           | 3400                             | 72                           |                         |
| 80                           | 3700                             | 73                           |                         |
| 75                           | 4000                             | 75                           |                         |
| 70                           | 4300                             | 77                           |                         |
| 65                           | 4600                             | 79                           |                         |
| 60                           | 4900                             | 81                           |                         |

А) Бозор нархи ёки мувозанатли нарх қандай бўлади?

Буғдойнинг мувозанатли миқдори қанча? 4-устунни тўлдириш ва натижаларини тушунтириб беринг; б) шу маълумотлардан фойдаланиб буғдойга бўлган талаб ва таклифнинг график шаклидаги тасвирини беринг. Мувозанатли нарх ва мувозанатли миқдорни аниқланг; в) нима учун 3400 сўм бу бозорда мувозанатли нарх бўла олмайди? 4900 сўм-чи? г) энди давлат буғдойнинг энг юқори нархини 3700 сўм қилиб белгилади деб фараз қиламиз. Бундай нарх қандай оқибатларга олиб келишини батафсил тушунтиринг. Ўз жавобларингизни графикда тасвирланг.

4. Талаб ва таклифнинг қуйидаги ўзгаришларининг ҳар бири рақобатли бозорда мувозанатли нарх ва маҳсулотларнинг мувозанатли миқдорига қандай таъсир кўрсатади? Жавобларингизнинг тўғрилигини текшириш учун талаб ва таклиф диаграммасидан фойдаланинг.

5. таклиф қисқаради, талаб эса ўзгаришсиз қолади; б) талаб қисқаради, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; в) таклиф кўпаяди, талаб эса ўзгаришсиз қолади; г) талаб ортади ва таклиф ҳам кўпаяди; д) талаб ортади, таклиф эса ўзгаришсиз қолади; е) таклиф кўпаяди, талаб эса қисқаради; ж) талаб ортади, таклиф эса қисқаради; з) талаб қисқаради ва таклиф ҳам қисқаради.

## 12 –Мавзу. Рақобат ва монополия

### Ўқув модули бирликлари:

1. Рақобатнинг моҳияти ва турлари.
  2. Рақобатланиш усуллари.
  3. Монополия
1. Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар ҳўжалигининг энг муҳим белгиси, уни ривожлантириш воситаси ҳисобланади.

Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш турли томондан ёндашувини талаб қилади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат товарларини қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман, иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб

олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат пировардида истеъмолчиларни ўзига жалб этиш учун курашни ҳам англади.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг иқтисодий ресурсларини юқори нархларда сотиш учун рақобатлашадилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади.

Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради: улар товарларни қулай ва арзон нархларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ нафлиикка эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни сотиб олиш учун курашади.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўплашуvidан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиикка эга бўлиш учун курашни англади.

Рақобатнинг мазмунини унинг вазифаларини кўриб чиқиш орқали янада кенгрок намоён бўлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қуйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) тартибга солиш вазифаси;
- 2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
- 3) инноватив вазифа;
- 4) мослаштириш вазифаси;
- 5) тақсимлаш вазифаси;
- 6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг тартибга солиш вазифаси ишлаб чиқаришни талабга мувофиқлаштириш мақсадида тақлифга таъсир ўтказишдан иборат. Айнан шу вазифа ёрдамида иқтисодиётда тақлифнинг талаб орқали, ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг яқка тартибдаги ҳамда ижтимоий эҳтиёжлар орқали белгиланишига эришилади, яъни иқтисодиёт бозор қонунлари асосида тартибга солинади.

Рақобатнинг ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг кўп самара берадиган корхона, ҳудуд ва минтақаларга оқилона жойлаштириш имконини туғдиради.

Рақобатнинг инноватив вазифаси фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини англади.

Рақобатнинг мослаштириш вазифаси корхоналарнинг ички ва ташқи муҳит шароитларига рационал тарзда мослашишига йўналтирилган бўлиб, уларнинг шунчаки ўзини-ўзи сақлаб, иқтисодий жиҳатдан яшаб қолишдан хўжалик фаолияти соҳаларининг экспансиясига ўтишини билдиради.

Рақобатнинг тақсимлаш вазифаси ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи ҳажмининг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита таъсир ўтказади.

Нихоят, рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистик ҳукмронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтиради.

Иқтисодий адабиётларда бир тармоқ ичидаги рақобатнинг тўрт шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар эркин рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополиядир.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади.

Соф монополияда тармоқ битта фирмдан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва яккаҳокимлик шаклланади.

Монополия шароитида фирма нарх устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Бунинг сабаби оддий. У маҳсулотнинг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва днамак, таклифнинг умумий ҳажми устидан назорат қилади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. қайси товарлар ва хизматлар бозорида насбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Ўз миқёсига кўра рақобат икки турга тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқлар ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли уларда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал қиймати бир хил бўлмайди.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқ корхоналари ўртасида энг юқори фойда меъёрини олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда меъёри кам бўлган тармоқлардан фойда меъёри юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади.

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда ғирром ва ҳалол рақобатлашув усуллари ҳам ажратиб кўрсатилади. Рақобатлашувнинг ноанъанавий, жамият томонидан эътироф этилмаган, ижтимоий ахлоқ қоидалари доирасидан четга чиқарувчи, ноиқтисодий усулларида фойдаланиш ғирром рақобат дейилади. ғирром рақобат орқали фирмалар ўз рақибларининг тармоққа кириб келишини тажовузкоронава шафқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банк ҳамда ресурсларни етказиб берувчиларни материал ва кредит беришдан воз кечириш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, нархни кескин пасайтириш ғирром рақобатнинг оддий усуллари.

Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган, иқтисодий усуллари кўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамят манфаатларига зид келувчи ҳолатларни кўлламаслик каби қоидаларга асосланади. Шу ўринда ҳалол рақобатнинг қуйидаги белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
- боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолатларга барҳам беради;
- қаришдош-уруғчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди.

2. Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нарhini бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади.

Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши – «нархлар жанги» деб аталади, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар ақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради.

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларида бири – демпинг нархларни қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархларда сотади.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда нарх ёрдамида рақобат қилиш ўз ўрнига эга эмас, чунки ишлаб чиқарувчилардан бирининг ўз маҳсулотига нархни пасайтириши унинг рақобатчиларининг ҳам шундай ҳаракат қилишини тақазо этилади. Бу, бозорда фирмаларнинг мавқеини ўзгартирмайди, фақат тармоқ бўйича фойдани камайтиради.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарларнинг сифати ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй бериши керак.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларни кредитга сотиш усулидан фойдаланишиб рақибларидан устун келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса, шартномада келишилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларида бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар.

Нархсиз рақобат усуллари ичида маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни яхши ўрганган ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозоридаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий беқарорлик давлатларда ҳам нарх барқарорлигича қолаверади.

Шундай қилиб, монополиялар ҳакмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажминини кўпайтириш мумкин. Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли, маҳсулотини янгилаш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш тўпланишининг моддий асоси бўлиб капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви ҳисобланади.

Капиталнинг тўпланиши – бу қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш натижасида капитал ҳажмининг ошишидир.

Капиталнинг марказлашуви – бу бир капитал томонидан бошқа бирининг қўшиб олиниши ёки бир қанча мустақил капиталларнинг акциядорлик жамияти шаклида ихтиёрий бирлашиши орқали капитал ҳажмининг ошишидир.

Ишлаб чиқаришнинг горизонтал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётнинг маълум тармоғи доирасидаги корхона ва фирмаларнинг йириклашувидир.

Ишлаб чиқаришнинг вертикал тўпланиши – бу миллий иқтисодиётдаги бир неча ўзаро боғлиқ тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўпланишидир.

Ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ўз ривожининг маълум даражасида монополияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Монополияларнинг моҳиятини очиб беришда унинг турларини кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Монополияларнинг турларини бир неча мезонларга кўра ажратиш мумкин:

1. Бозорни қамраб олиш даражасига кўра: соф монополия, олигополия ва монопсония.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги яккахукмронлик ҳолати ҳисобланади.

Олигополия – тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмранлик ҳолати ҳисобланади.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларнинг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яккахукмронлик ҳолати ҳисобланади.

3. Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Бозор муносабатларини ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узоқ давр давомида, ўз-ўзидан, эволюцион йўл билан вужудга келган. Бу аста-секин эркин рақобат муҳитини келтириб чиқарган.

Иқтисодиётнинг монополлашув принтиплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади.

Ўзбекистонда самарали рақобат муҳитини яратиш учун қуйидагилар бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тақозо этилади:

А) иқтисодиётда давлат монополизмининг ҳар қандай намоён бўлишини максимал даражада бартараф этиш. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш учун нисбатан қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган чуқур институционал ислохатлар зарур;

Б) бозор шароитида вужудга келаётган монополияларнинг бозордаги ўз устунлик мавқеларини суистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш. Давлат муассасалари рақобатнинг ривожланишини таъминлашлари лозим. Бусиз самарали инноватиялар, паст харажатлар ва нархлар, маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш,

бошқача айтганда, бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, қўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шаклларининг мавжудлигига асосланган ва иложи борида эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий маъсулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Шу мақсадда Ўзбекистонда «Монопол фаолиятини чеклаш тўғрисида» ги конун (1992 йил, август) кучга киритилди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур конунга кўра, бозорда атайлаб тақчиллик келтириб чиқариш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усуллари қўллаш ман этилади. конунни бузувчилар рақибига етказган зарарни қоплашлари, жарима тўплашлари, ғирромлик билан олган фойдадан маҳрум этилишлари шарт.

қуйидаги ҳатти-ҳаракатлар монополияга қарши қонунчиликка зид ҳисобланади:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан бозордаги устунлик ҳолатининг суистеъмол қилиши (5-модда).
- хўжалик субъектларининг рақобатни чеклашга қаратилган битимлари (ўзаро келишилган ҳатти-ҳаракатлари) (6-модда);
- давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимияти органларининг рақобатни чеклашга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлари (7-модда);
- инсофсиз рақобат (8-модда).

Монополияга қарши фаол чораларни амалга ошириш учун 1992 йилда Ўзбекистонда монополияга қарши орган – Молия вазирлигининг Монополияга қарши ва нарх сиёсати бош бошқармаси сифатида ташкил этилди.

Республикада монопол мавқеига эга бўлган корхоналарни Давлат реестрига киритиш учун мезонлар белгилашда жаҳон тажрибаси ҳамда ўтиш даврининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади.

Республикада монополиялар рўйхатига кирган корхоналарнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда давлат бир қатор усуллардан фойдаланади. Бу усуллардан иккитасини ажратиб кўрсатиш лозим:

1. Монопол мавқеидаги корхоналар маҳсулотларига нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабелликнинг чегарасини белгилаб қўйиш.
2. Ўз монопол мавқеини суистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 июлдаги 366-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларнинг хўжалик юритувчи

жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисидаги» Низом асосида амалга оширилади.

3. Товарлар қиймати ва уларнинг нафлилиги ўзларининг намоён бўлишини нархда топади. Амалий ҳаётда қиймат товар ишлаб чиқарувчиларни, нафлилик эса, истеъмолчиларни рағбатлантирувчи, уларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида амал қилади.

Товарнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган, лекин доимо бир-бирини тақозо этадиган, бирисиз иккинчиси бўлмайдиган икки хусусиятга, яъни маълум бир нафлиликка ва қийматга эга эканлиги, товар ёки хизмат шу икки хусусият бирлигидан иборат эканлиги ўқувчига олдинги боблардан маълумдир.

### **Таянч сўз ва иборалар.**

Рақобат, тармоқлар ичидаги рақобат, тармоқлараро рақобат, фирром рақобат, ҳалол рақобат, монополия, соф монополия, монополистик рақобат, табиий монополия

### **Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар.**

1. Рақобатнинг моҳияти ва мақсадини тушунтириб беринг.
2. Рақобатнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Бу вазифаларнинг бир-биридан фарқини ажратиб кўрсатинг.
3. Рақобат шаклларига тушунча беринг ва уларнинг ҳар бирига хос белгиларни кўрсатинг.
4. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатнинг фарқини тушунтириб беринг.
5. Ҳалол ва фирром рақобатлашув усулларига нималар киради?
6. Рақобатлашувнинг демпинг нархларни қўллаш усули қандай шароитларда амалга оширилади?
7. Монополия нима ва унинг вужудга келишининг иқтисодий асослари нималардан иборат? Монополиянинг қандай турлари мавжуд?
8. Табиий, легал ва сунъий монополияларнинг бир-биридан фарқланишини кўрсатинг.
9. Монополиянинг ижобий ва салбий томонлари нималарда намоён бўлади?
10. Монополияларга қарши сиёсат ва монополияга қарши қонунчиликнинг моҳияти қандай?
11. Рақобат муҳитининг шаклланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
12. Ўзбекистонда рақобатни қўллаб-қувватловчи ва монополияга қарши курашувчи қандай ташкилотлар мавжуд ҳамда улар қачон ташкил этилган?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И.А. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт пировард мақсадимиз», Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил.
2. Каримов И.А. «Миллий мафкура-давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. (Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларига бағишлаб илмий ва ижобий жамиятчилик вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқ). 2000 йил 6 апрель. «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 7 апрель.
3. Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажагига ишончдир» «Фидокор», 2000 йил 8 июн.

4. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз». «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 15 февраль.
5. Каримов И.А. «Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз». «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 17 февраль. 37-сон.
6. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М, «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Молия», 1995 йил.
7. Ўлмасов А. «Иқтисодиёт асослари», Тошкент, «Меҳнат» 1997 йил.
8. қодиров А ва бошқалар. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Университет», 2002 йил.
9. Умаров К.Ю. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Университет», 2000 йил.
10. Шодмонов Ш, Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси, Тошкент, «Молия», 2002 йил.
11. Тожибоева Д. «Иқтисодиёт назарияси», Тошкент, «Шарқ», 2003 йил.
12. /уломов С, Абдуллаев А, Сотволдиев А, «Иқтисодиёт илми асослари», Тошкент, «Молия», 2002 йил.
13. Бекнозов Н, Иқтисодиёт назарияси, Тошкент, 2005 йил.
14. Шодмонов Ш. Офуров У. «Иқтисодиёт назарияси» Тошкент, 2005 йил.

### **13 - МАВЗУ. Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари**

#### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Баҳо – бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида
2. Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари
3. Баҳонинг турлари ва структураси

#### **1. Баҳо - бозор муносабатларининг иқтисодий категорияси сифатида**

Баҳо бозор категорияси бўлиб, товарлар айирбошланганда юз берадиган муносабатларни англатади. Оқилона, илмий жиҳатдан асосланган баҳо ва баҳолаш иқтисодиётнинг илмий ва амалий воситаларидан бири ҳисобланади.

Баҳо сиёсати - бу давлатнинг иқтисодий сиёсати ва иқтисодий стратегиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, меҳнаткашларнинг ташаббуси ва омилкорлигини ривожлантиришда баҳо белгилаш сиёсати алоҳида ўрин эгаллайди. Баҳони хўжалик механизми ва ўзини ўзи пул билан таъминлашнинг кўтариб турувчи устуни дейиш мумкин. Жамоанинг ва айрим ходимнинг даромадлари, улар иқтисодий манфаатлари нархнинг, яъни баҳонинг тўғри белгиланишига боғлиқдир.

Баҳо бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради, у пасайиб кетса, товар бозори касодга учрайди, товар нафсиз бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини яхшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Баҳо пул муомаласи ҳолатига, кредитлаш самарадорлиги ва иқтисодиётнинг молиявий соғломлиги билан боғлиқ. Давлатнинг, корхона (фирма) лар ва уларда ишловчиларнинг, умуман аҳолининг ўзаро режали боғланиши баҳо ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий ресурслардан фойдаланиш таъминланади, ялпи ички маҳсулотни ҳисобга олиш ва тақсимлаш амалга оширилади. Баҳони товар

қиймати белгилайди, аммо бозор иқтисоди шароитида у аниқ қийматдан юқори ёки кам бўлиши мумкин, бу эса бозордаги ўша маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Товар баҳосининг даражаси, Шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги даражаси ва бошқа товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қувватига ҳам боқлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида баҳо ёрдамида корхоналар ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий муоммоларидан бири, нима ишлаб чиқариш фойдали эканлигини ҳал этади. Баҳо товар таклифи, аҳолининг тўлов қобилияти, ишлаб чиқариш ресурсларининг ошиб ёки камайиб кетиши тўғрисида корхона эгаларига ахборот берувчи восита ҳамдир. Баҳонинг яна бир вазифаси қиймат ўлчовидир, бунда қилинган харажатлар ва олинган натижа маълум бир нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

Хўжалик юритиш амалиётида эса баҳо муҳим иқтисодий восита, дастак деб қаралади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфланиши билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф этилади. Уларнинг мажмуаси қийматдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисми қийматни яратишда иштирок этмайди. Муайян баҳо шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур.

Баҳолар товар-пул муносабатлари муомаласининг шакли ва реализация қилинадиган маҳсулот турига кўра фарқланади. Аммо баҳонинг турлари бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар ягона тизимни ташкил этади. Мазкур тизимнинг муҳим элементлари қуйидагилардир:

а) улгуржи баҳолар. Улар фирмалар ўз маҳсулотларини катта ҳажмда бошқа фирмаларга ёки воситачиларга ва улгуржи савдо ташкилотларига сотаётганлирида қўлланилади. Улгуржи баҳо корхоналарга ишлаб чиқариш харажатларини қоплашни, зарур фойда олишни таъминлаб бериши зарур;

б) чакана баҳолар. Улардан товарларни бевосита истеъмолчиларга сотишда фойдаланилади. Бу баҳоларга давлат савдоси, хусусий мулк эгалари дўконлари ва бозорда юзага келаётган баҳолар киради. Чакана баҳо даражаси аҳолининг реал даромадлари билан белгиланади.

в) харид баҳолари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат томонидан сотиб олинишида ишлатилади.

г) дунё баҳолари халқаро савдо муносабатларида қўлланилади.

Баҳолар товар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз вазифалари орқали таъсир этади. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши баҳони ҳосил қилади.

Бозорда сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий муносабат бўлганидан нархнинг шаклланишида ҳар икки томон иштирок этади. Харидор деганда, биз товар ва хизматларни истеъмол этувчилар – фуқаролар, ишлаб чиқаришни юргизиш учун ресурсларни сотиб оловчи фирмаларни тушунамиз. Баҳоларнинг шаклланишида товарни ишлаб чиқаришдан тортиб, истеъмолга етгунгача бўлган меҳнат сарфлари иштирок этади. Жамики харажатлар баҳо таркибига киради.

Баҳони шакллантирадиган асосий омиллар эса қуйидагича:


1. Иқтисодий харажат даражаси;
2. Товарларнинг нафлилик даражаси;
3. Товарга бўлган талаб ва унинг таклифи;
4. Рақобат шакллари ва усуллари;
5. Товари истеъмол қилиш вақти.

Рақобат чекланган бозорларда (соф монополия, монополистик рақобат, олигополия) ишлаб чиқарувчиларнинг ўрни бозор нархларини белгиловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Монополия шароитида бозорда бир турдаги маҳсулотлар таклиф қилиниши сабабли баҳо устидан тўлиқ назорат амалга оширилади.

Бу дегани монополист ишлаб чиқарувчиларнинг нарх белгилашдаги ҳукмронлиги, истеъмолчи даромадлари чеклангани бўлиб, тўкнаш келади. Ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги ҳам уларнинг баҳо белгилашдаги мутлақ имкониятини чеклайди.

Олигополия шароитида эса алоҳида ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар) бири-бирига боғлиқ бўлганликлари сабабли баҳоларни мустақил белгилашга ботина олмайдилар. Фақат баҳо белгилашда яширинча келишишлари мумкин.

Баҳонинг шаклланишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



**8-чизма.** Баҳонинг шаклланиши.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида баҳонинг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Бу иқтисодиёт Ер юзидаги кўпгина давлатларда турли даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг моҳият белгиларини энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин. Унинг ана шундай белгиларидан бири, нархларнинг либераллашуви, нарх-навонинг эркин шаклланишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди. У бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашуви асосида юзага келади. Келишилган нархлар эса бозор

муносабатларига хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул эса иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси бўлиб, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти, пул эмиссияси, қадри-қиммати, инфляция, валюта курси каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказди, товар ва хизматларни сифати ва нархига қараб танлаб олиш имкониятига эга бўлади. Кўриб чиққанимиздек, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида нархнинг роли ва аҳамияти жуда катта.

Баҳо шаклланишида рақобат муҳим ўрин тутди. Рақобатда ютиб чиқиш ёки ютказиш баҳони белгилашга ҳам боғлиқ. Рақобатлашув жараёнида харидор кўп бўлса, юқори нарх ташкил топади. Агар сотувчилар кўп бўлиб, улар рақобатлашишса, паст баҳолар вужудга келади.

Рақобат курашида харажатларни қопламайдиган, бинобарин, зарар келтирадиган ўта паст баҳолар ҳам пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжаликни оқилона юритиш эса молиявий алоқалар ва қиймат конунларидан фойдаланишни талаб қилади.

Айрим буюмларнинг баҳосини ўзгартириш эвазига давлат уларга бўлган эҳтиёжни ҳамда уларни харид қилишни бошқаради. Жумладан, инсон соғлиғига путур етказувчи маҳсулотларнинг нархини ошириш эвазига уларни харид қилинишини чегаралаш ва аксинча, баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини меъёрда ушлаб туриш орқали эҳтиёжларни тўлароқ қондириш мулоҳазамига далил бўла олади.

## **2. Баҳо тушунчаси ва унинг функциялари**

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, баҳо - товар қийматининг пулдаги ифодасидир. Амалий жиҳатдан қаралганда эса, баҳо – муҳим иқтисодий восита, дастак ҳисобланади. Маълумки, қиймат ишлаб чиқариш категорияси бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ўзидаги меҳнат сарфи билан боғлиқ муносабатларни ифода этади. Товарнинг яратилишида моддийлашган ва жонли меҳнат сарф қилинади, уларнинг мажмуаси қиймат демакдир. Аммо қиймат ҳар қандай меҳнат сарфи эмас. Қиймат товарни яратишга кетган ижтимоий зарур меҳнат сарфи, аниқроғи эҳтиёжни қондира олгани сабабли бозорда тан олинган меҳнат сарфидир, чунки меҳнатнинг бир қисмини, агар у керакли бўлмаса, бозор инкор этади ва шу қисм қийматни яратишда иштирок этмайди. Бозорда турли меҳнат сарфлари умумий, яъни ижтимоий зарур меҳнат сарфига келтирилади ва шу сарфнинг пулда ифодаланиши баҳони ҳосил қилади.

Баҳонинг иқтисодий мазмунини унинг функциялари яққол кўрсатиб беради. Баҳо нимага тегишли бўлишидан қатъий назар (товар, хизмат, иш кучи, қарз пули нархини, бунинг фарқи йўқ) беш асосий функцияни бажаради:

**1. Бозор мувозанатини таъминлаш функцияси.** Бунда баҳо бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

**2. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси.** Баҳо қийматнинг пулдаги ифодаси, чунки бажарилган иш ҳажми, фойда-зарарнинг барчаси баҳо асосида ҳисоб-китоб қилинади.

**3. Иқтисодий регулятор функцияси.** Баҳо бозор иқтисодиётининг асосий воситаларидан биридир. Ундаги ўзгариш бозор ҳолати (конъюктураси)ни билдиради.

**4. Рақобат воситаси функцияси.** Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Баҳо воситасида беллашув рақобатнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун баҳони ўзгартириб турадилар.

**5. Ижтимоий ҳимоя функцияси.** Баҳо айрим аҳоли тоифаларини камбағалликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Одатда аҳолининг ночор ва муҳтож қатламларига товарлар арзонлаштирилган баҳоларда сотилади. Булар ижтимоий дотацияланган баҳолар бўлиб, уларни молиявий жиҳатдан давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар таъминлайди. Дотацияланган баҳоларни давлат белгилайди.

### **3. Баҳонинг турлари ва структураси**

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос тизими борки, у ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо турли мақсадларда қўлланивчи баҳолар мажмуасидан ташкил топади. Баҳонинг шаклланиш жараёни мураккаб бўлиб, унинг иштирокчилари ғоят кўпчиликни ташкил этади. Баҳолар турли вазифаларни бажарганлиги сабабли ҳам уларнинг тури кўп.

Баҳоларнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

**1. Улгуржи баҳолар.** Товарлар кўтарасига катта миқдорда сотилганда бу баҳолардан фойдаланилади. Бундай баҳони асосан улгуржи савдо-сотиқ олиб бориладиган савдо марказларида учратиш мумкин.

**2. Чакана баҳолар.** Товарлар бевосита истеъмолчиларга сотилганда фойдаланилади. Бу баҳо ўз ичига товар улгуржи нархини, чакана савдо ташкилотчиларининг харажати ва фойдасини олади.

**3. Нуфузли баҳолар.** Бу баҳолардан обрў талаб истеъмолчиларга товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилганда фойдаланилади.

**4. Дотацияли баҳолар.** Бунда товарлар давлат бюджети ҳисобидан арзонлаштирилган баҳоларда олинади.

**5. Давлат баҳолари.** Бу ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан буюртма берилганда қўлланилади.

**6. Мавсумий баҳолар.** Бу мавсумий ишлаб чиқариладиган товарларга белгиланади.

**7. Миллий ва жаҳон баҳолари.** Алоҳида товарнинг байналмилал харажатлари. Бунда жаҳон бозоридаги талаб ва таклиф нисбати ҳисобга олинади.

**8. Стандарт баҳолар.** Харидор чўнтагидаги пулга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий стандарт нархлар қўлланилади.

**9. Прейскурант баҳолар.** Бу баҳолар сотувчи учун мўлжал баҳо, харидор учун билдиришлик ёки маълумот баҳо ҳисобланади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш учун музокараларга тайёргарлик кўриш мобайнида тадбиркор энг аввало, ўзи учун мақбул бўлган баҳо кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у баҳони учга ажратади. Яъни *maksimal* (энг юқори), *minimal* (энг паст) ва объектив баҳо.

**10. Демпинг нарх.** Бозорда ўз мавқеини мастаҳкамлаш ва рақибларини сиқиб чиқариш учун фирмалар махсус нархдан фойдаланадики, улар демпинг нарх

ёки бозорга кириб олиш нархи деб аталади. Демпинг нархда расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Максимал баҳо - (сотувчи нуктаи назаридан) - бу музокараларни шу баҳодан бошлаш мумкин бўлган кўрсаткичидир.

Минимал баҳо - (кўшилиши мумкин бўлган энг паст баҳо) - бу товар нархининг шундай кўрсаткичики, тадбиркор музокаралар давомида ундан тушмасликка ҳаракат қилади.

Объектив баҳо - бу таркибида ўртача сифат кўрсаткичларига эга бўлган у ёки бу товарнинг ўртача баҳосидир.

Баҳонинг иқтисодийдаги ўрни беқиёс катта бўлганидан унинг ҳар бир туридан оқилона фойдаланиш тадбиркорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли корхоналар ва фирмалар нарх, белгилашга катта эътибор берадилар. Улар ўзларининг нарх стратегиясини ишлаб чиқишда қуйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- товар сотишни кўпайтириш;
- кўпроқ фойда олиш;
- ўрнини муайян мавқеини сақлаб қолиш.

Товар сотишни кўпайтиришдан уч натижа кутилади: а) товар сотишни кўпайтириш орқали бозорда ўз ҳиссасини ошириш, имкон бўлганда бозорни ўз назоратига олиш; б) ҳар бир товарни (товар бирлигини) сотишдан тушадиган фойданинг камайишига рози бўлган ҳолда товарларни кўплаб сотиш орқали келадиган ялпи фойдани ошириш; в) товарни кўп сотиш натижасида унинг ҳажмига нисбатан савдо-сотиқ харажатларини қисқартириш.

Бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун фирмалар махсус нарх қўллайдилар, уни **бозорга кириб олиш нархи ёки демпинг нарх** деб аталади.

Бу нарх рақибни синдиришга қаратилганлигидан давлат уни таъқиқлайди, шу сабабли фирмалар уни яширин қўллайдилар ва бу иш расмий нархнинг бир қисмини кечиб юбориш шаклида бўлади.

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Баҳо сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир.
2. Баҳо ва баҳолашнинг моҳияти, аҳамияти ва мазмуни.
3. Баҳо функциялари.
4. Баҳонинг турлари.
5. Саноат ишлаб чиқаришида баҳолаш тизимини яхшилаш йўллари.
6. Хорижий мамлакатларда баҳо ва баҳолаш.

#### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. - Т.: «Ўзбекистон». 1996. Том 2, 3-36 бетлар.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда. -Т.: “Ўзбекистон“. 2000. 352 бет.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2005 йил 28 январь. «Халқ сўзи», 2005 йил, 31 январь.

4. А.Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (дарслик). –Т.: ТДИУ. 2004.
5. Э. Махмудов. «Корхона иқтисодиёти» (ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ. 2004. 208-бет.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-2-жилдлар.- Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002-2005.
7. Промышленность Республики Узбекистан 2001-2004 гг. Статистические сборники.
8. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). - Ҳукумат сайти.
9. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz). - Президент сайти.
10. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz) - Университет сайти

#### **14-мавзу: Корхона (фирма) сарф харажатлари ва фойдаси.**

##### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Фирманинг сарф харажатлари ва унинг турлари.
2. Корхонанинг пул тушумлари ва фойдаси.
3. Фойда меъёри ва массаси . Фойда меъёрига таъсир килувчи омиллар.

1.Моддий ва маънавий неъмагларни ишлаб чиқариш ҳар қандай шароитда маълум чиқимлар ишлаб чиқариш қаражатлари билан боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти ша-роитида ишлаб чиқариш харажатларининг аҳамияти янада ортади. Зеро фирманинг даромади, айниқса, у оладиган фойда миқтори ана шу харажатларга бевосита дахлдор бўлади: харажатлар кам бўлса фойда кўпроқ ва аксинча бўлади.

Ишлаб чиқариш харажатлари деганда фирма (корхона), ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариш омиллари сотиб олишга аванслаган чиқимлари тушунилади. Албагга, бу чиқимлар миқдори, таркиби турли шароитларда турлича бўлади. Бозор иқтисодиёти шакл-ланган шароитда хўжалик юритувчи соҳибкор (тадбир-кор) нуктаи-назаридан иш-тб чиқариш харажатлари шунчаки маълум натижа олиш учун эмас, балки қилин-ган чиқимларнинг қар бир бирлигига маълум (ўртача-дан кам бўлмаган) фойда олишни билдиради. Демак, ишлаб чиқариш қаражатлари билан ишлаб чиқариш ҳажми пировард натижаси ўртасида доимий боғлиқлик бўлади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида ишлаб чиқариш хара-жатлари ишлаб чиқарилган маҳсулотга боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган нуктаи назаридан талқин қилинади. Ишлаб чиқариш харажатлари шу аснодан келиб чиқиб тахлил этилади ва баҳоланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини соф иқтисодий ва бухгалтерия (ҳисоб-китоб) нуктаи-назаридан ҳам фарқланади. Соф иқтисодий назария жиҳатдан бу харажатлар ишлаб чиқариш омилларига - моддий-ашёвий омилларга (ишлаб чиқариш воситалари) ва шахсий оми.ларга (иш ку»[т омили) қилинган харажатлардан иборат бўлади. Бухгалтерия қисоби жиҳатидан соҳиб-корнинг харажатлари амортизация (ишлаб чиқариш қ^фо/иарининг емирилган қиймати), хом ашёлар, ёрдамчи материаллар, захира қисмлари, ёқилғи ва электр энергия, иш ҳақи, маҳсулотни сотишга авансланган (сарфланган) пул маблағидир.

Бухгалтерия ҳисоботида ишлаб чиқариш харажатлари таркиби деган тушунча ҳам мавжуд. Харажатлар таркиби деганда умумий харажатларда у ёки бу харажат-ларнинг (чиқимнинг) салмоғи, ҳиссаси тушунилади. Бу таркибий

тузилишни аниқдашнинг иқтисодий аҳамия-ти бор. Зеро. ишлаб чиқариш харажаглари таркибида қайси харажат юқори (кўп) бўлса, харажатларни те-жаш имконияти ўшандан қидирилади. Масалан, қиш-лок хўжалигида, айниқса, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, мевачилик соҳаларида қўл меҳнати юқори туради ва шунга кўра иш ҳақи салмоғи юқоридир. Шу-нинг учун қўл меҳнатини енгиллаштириш билан боғ-лиқ чора-тадбирлар қидирилади.

Саноатда айниқса, тоғ-кон, машинасозлик, кимё саноати соҳаларида машина механизмлар, асбоб-уску-налар, амортизатия харажатлари юқори бўлади ва ҳ. к. Демак, ишлаб чиқариш чиқимлари таркиби масаласи иқтисоднётни тежамли ташкил этишда муҳим омил саналади.

Доимий, ўзгарувчан, ялпи харажатлар. Таннарх. Ишлаб чиқариш миқёси, хажмига таъсири иуқтаи-назари-дан харажағларни доимий, ўзгарувчан ва ялпи харажат-лар сифатида тавсифланади. Доимий харажатлар шун-дай харажатларки, улар ишлаб чиқариш миқёсига боғ-лиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади. Булар жумласига амортизатия ажратмаси (иморат ва бошқа воситалар-нинг емирилиши) кредит, фоизлар, солиқлар, қўриқ-лаш харажати, бошқарув ходимлари маошлари, суғурта қилиш кабилар киради. Уларни доимий дейилишига сабаб шуки, ҳар қандай ишлаб чиқаришда бундай чи-кимлар объектив заруратдир, ишлаб чиқариш ҳажми қандай бўлса ҳам уларни мавжуд бўлиши табиийдир. Бироқ бу харажатларнинг салмоғи ва умумий харажат-лардаги ҳиссаси ўзгармайди дегани эмас.

Ўзгарувчан харажатлар шундай харажатларки, улар ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига бевосита боғлиқ бўлади. Бундай харажатларга хом-ашёлар, материаллар, ёқилғи-энергетика сарфларш, ишловчиларнинг иш ҳақи кабилар киради. Зеро, ишлаб чиқарилган маҳ-сулот миқдори юқоридаги сарфлар миқдорига бевосита боғлиқдир, яъни кўпроқ сарф қилинса, кўироқ маҳсу-лот олинади ва акстшча. Тўғри, бир-бирининг ўрнини босувчи муқобил хом-ашёлар, материал ва ёқилғилар қўлланиши мумкин. Бироқ, бу ҳол ишлаб чиқариш миқёсига салбий таъсир этмайди. Масалан, маълум маҳ-сулот яратиш учун аввалгидан озроқ иш кучи сарфла-ниши мумкин. Бироқ, бошқа харажатлар ўзгармаган ҳолда ишлаётган ходимларга олдингидек (иш ҳақи фонди) иш ҳақи сарфланади, яъни уларнинг интенсив меҳнати рағбатлантирилади. Бошқача айтганда, аввалги иш ҳақи фонди озроқ миқдордаги, бироқ интенсивроқ ишлаган ишчиларга тўланади.

Ялпи ишлаб чиқариш харажатлари маълум миқдордаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун умуман сарфланган харажатлардир, яъни доимий ва ўзгарувчан харажатлар йиғиндиси. Ўз навбатида ялпи харажатлар ўртача хара-жатлар, ўртача доимий харажатлар, ва ўртача ўзгарувчан харажатлар тариқасида ҳам ажралиб туради. Ўртача харажатлар ялпи харажатларнинг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатан олинган харажатлар, ўртача доимий харажатлар — доимий харажатларнинг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатан олинган ҳосиласи бўлса, ўртача ўзгарувчан харажатлар — ўзгарувчан харажатларининг ялпи маҳсулот миқдорига нисбатидан иборатдир.

Ғарб иқтисодиетида чекланган харажатлар деган категория ҳам қўллакиб келинади. Бу харажатлар ҳар бир қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига пропорционал миқпорда сарфланган қўшимча чиқимлар-дир. Албатта, бунда бошқа шароитлар (масалан, доимий харажатлар) ўзгармаган ҳолатдаги натижа тушунилади. Юқорида айтганимиздек, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект олдида доимо бир муаммо — ресурслар-нинг чекланганлиги муаммоси кўндаланг туради.

Ҳатто, у ёки бу ресурс сиртдан қаралганда бекиёс куп кўриниши ҳам мумкин. Масалан, гўё Ўзбекистонда, айниқса, Андижон вилоятида меҳнат ресурслари ортиқчадек туюлади. Аслида айрим тармоқларда, замонавий корхоналарда у ёки бу касблардаги малакали ишчилар етишмайди.

Ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида фирма муқобил харажатларга қўл уради. Маъноси шуки, аввалги анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришдан воз кечади, камроқ ресурс талаб қилинади. Бироқ, аввалгидек даромад келтирадиган маҳсулот гуруҳи иш-лаб чиқишга ўтиб кетади. Фирма (корхона) бухгалтериясида ишлаб чиқариш харажатларининг бошқа бир ифодаси бўлган таннарх категориясидан фойдаланилади, яъни корхона маҳсулотининг таннархи ҳисоблаб борилади. Таннарх - фирманинг барча маҳсулотга ёки маҳсулот бирлигига пул сифатида сарф қилинган ҳа-ражатиدير. Одатда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш таннархи (тўла-таннарх) каби курсаткичлар фаркланади.

2.Фирма (корхона) даромадн ва фойда. Фирма (корхона) даромади деганда унинг иқтисодий фаолияти натижаларини сотишдан тушган пул тушумлари тушунилади.

Аслида пул тушумлари (даромад) асосан маҳсулот-лар (хизматлар) сотишдан вужудга келса ҳам, амалиётда уларга қўшимча яна мулкни хусусийлаштиришдан, акциялар сотиш, дивидентлар олиш, кредитга берил-ган пулларга тушган фоизлар ва бошқа манбалардан ҳам шаклланади. Корхона даромадининг бир қисми ишлаб чиқаришни янгилаш, хўжаликни кадрлар ва моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда бошқа хўжалик фаолияти харажатларини қоплаш мақсалларига йўналтирилса, бошқа қисми корхона фойдасини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, фирма даромади билан ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таннарх ўртасидаги миқторий фарқ фирма фойдасидир. Буни қуйидаги формула билан тавсифлаш мумкин:

$$\Phi\phi \text{ қ } \Phi\partial - \text{Их}$$

Бу ерда:  $\Phi\phi$  – фирма фойдаси;

$\Phi\partial$  – фирма даромади;

Их – ишлаб чиқариш харажатлари(таннарх)

Фойда — моддий жиҳатдан яратилган қўшимча маҳсулотнинг корхона ўзлаштирган қисми холосдир. Чун-ки, қўшимча маҳсулотнинг ҳамма ҳам фойда шаклини олавермайди, у бошқа ижтимоий кўринишларга қам киради. Одатда, бозор иқтисодиёти шароитида фойда фақат пул шаклида бўлади, у иқтисодиётда ийтовчи субъектларнинг умумлашган иқтисодий натижаси, иқтисодий фаолият мезони ва пировард мақсадидир.

Фойда шундай мураккаб иқтисодий кўрсаткички, унинг вужудга келиши, тақсимланиши ва истеъмол қилиниши иқтисодиётда бир қанча омиллар билан боғлиқдир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш чиқимлари (таннарх), сифати, ишлатилган хом-ашё, ёқилғи, техноло-гик линия,тар қиймати ва сифати, ишчи мутахассислар касб маҳорати, маданияти, маънавияти кабилар. Фойда массасига яна тежамли ва чиқиндисиз технологиялар қўллаш, тадбиркорлик салоҳияти, илғор иш ва бошқарув усуллари қўллаш

кабилар ҳам таъсир этади. Хулоса қилиб айтганда, фойда корхона фаолиятининг ҳақиқий иқтисодий самарасидир.

Фойда бозор иқтисодлётининг категорияси, товар ишлаб чиқарувчиларнинг олий мақсадидир. Айни чоғда у жуда кенг ижтимоий-иқтисодий муносабаблар тушунчасидир. Фирма фондларини кенгайтириш, сифат жиҳатдан янгилаш, ходимларнинг рағбатлантирилиши, дам олиши, даволаниши, табиий ва соғломлаштириш марказларининг мавжудлиги ва ишлаши, болалар боғчалари ва тарбия муассасаларининг таъмяноти фойда билан борлиқдир. Шунингдек, фойда давлат бюджетига тушумлар, тўловлар, хайрия фондлари, кредит фоизла-ри, харажатларни қоплаш каби мақсадларга йўналтирилади.

Фойда юят бой мазмун ва тузилишга эга бўлган иқтисодий категорияки, давлат ва жамият ҳаётининг барча жиҳатларида у билан боғлиқ муносабатлар вужудга келади. Шунинг учун унинг шаклланиш манбалари ёки унинг турлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Фойланингтурлари қуйидагилардир:

- 1) Маҳсулот сотишдан (хизмат кўрсатиш) олинган ялпи фойда. Унинг миқдори маҳсулот баҳоси билан ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқ билан белгиланади.
- 2) Асосий фаолиятдан олинган фойда (қарздордан ундириб олинган жарималар, пенялар, жорий йилда аниқданган ўтган йиллар фойдаси, ердамчи хўжаликлардан тушган даромадлар, корхона мулкани сотишдан тушган даромад кабилар).
- 3) Молиявий фаолиятдан олинган фойда (шўъба корхоналар ва уюшмадаги корхоналардан олинган дивидентлар, уларга берилган қарзлар юзасидан олинган фоизлар, инвестиция қилинган маблағларни қайта баҳолашдан олинган фойда кабилар).
- 4) Фавқулодда олинган фойда (кўзда тугалмаган/ одатдаги характерда бўлмаган корхона фаолиятдан четга чиқадиган қаракат натижасида тушган даромадлар).

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда олмайдиган корхонанинг истиқболи йўқ. У хонавайрон бўлади. Янги иқтисодий тизимда иқтисодиёт соҳасининг ҳар бир субъекти ўртача (нормал) фойда олиб ишлаши лозим.\* Бундай фовда фирманинг сакланиб қолишига маълум дастак бўлиши мумкин. Агар фирма арзон хом-ашё, иш кучи, замонавий технология, қулай сотиш бозори, фоиз ставкаси пастроқ кредит ва бошқа қулай табиий-иқтисодий имкониятларга эга бўлса, фойда ортиқча (кўп) олиши ҳам мумкин. Агар фирма монопол, яъни фақат унгагина тегишли қулай имконият эгаси бўлса у монопол фойда ҳам ўздаштиради. Демак, бундай корхона ҳам оддий фойда, ўртача фойда, ортиқча фойда, ҳам монопол фойда ўзлаштиради. Масалан, бирон мақсу-лотни фақат бир ўзи чиқарса ёки табиий чекланган имкониятга эга бўлса, фақат шундай фирма монопол фойда эгаси бўлади. Кўпгина мамлакатларда хусусан бизнинг Республикамизда ҳам шундай корхоналар бор.

Бозор иқтисодиёти шароитида фирма товарларни шунчаки ишлаб чиқарувчи эмас. Балки тижорат фаолияти билан ҳам шугулланиши мумкин. Албатта, тижорат иши ҳар қандай иқтисодий фаолият каби маълум чи-қимлар билан боғлиқдир. У товарларни ташиш, сақлаш, сугурталаш, безаш, реклама қилиш, бозорларни кўриш ёки идорага харажатлар қилиш мақсадларига ҳам пул сарфланади (чиқим қилади). Бу харажатлар тижорат харажатлари деб аталади. Бу харажатлар ҳам товар баҳолари орқали қопланиши ва тижорат фойдаси келтирилиши керак. Ҳозирги

шароитда тижорат даро-мади ҳам бозор субъектларининг даромад шакли бўлиб, унинг аҳамияти тобора ортиб бормокда.

Бозор иқтисодиётида фақат ўз маблаг, сармояси билан тикланиш ёки ривожланиши жуда қийин масала. Фирманинг нормал фаолияти ўз ўрнини саклаб қолиш ва ривож (камол) топиши куч жихатдан кредит (қарз) маблағ билан ҳам қафолатланади. Албатга, кредит товар бўлгани учун ҳам у текинга берилмайди, у маълум ҳақ эвазига, маълум фоиз тўлаш шарти билан берилади. Кредит олишдан мақсад корхона фаолиятини яхшилаш, қўшимча маҳсулотни кўпайтириш воситасидир. Кредит олган корхона яратилган қўшимча маҳсулотнинг (фойданинг) бир қисмини банк фоизи учун тўласа, қолган қисми унинг соҳибкорлик, тадбиркор-лик даромади бўлади. Демак, фоиз қарзга олинган сар-моя учун тўланган ҳақдир, кредит берилган корхона учун даромаднинг бир манбаидир.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиёти фирмалар учун ҳам иқтисодий фаолият турларини кенгайтиради, чекламайди. Унинг фаолиятини диверсификациялаш (кўп тармоқли қилиш) имкониятини яратади. Зеро, бозор иқтисодиётининг кучли унсури бўлган рақобат кураши диверсификациялашни тақозо этади. Бунинг маъноси шундаки, диверсификация шароитида корхона даромад олиш ёки ўзини рақобатдан ҳимоя қилиш қудратини яратади.

Натижада даромад фойда олишнинг шакллари ҳам купаяди.

Фойда ҳам жамият миқёсида (макроиқтисодиёт даражасида) кам, корхона (микро иқтисодиёт даражаси-да), ҳам жамғариш фондини ташкил этишда манба бўлиб хизмат қилади. Жамғариш эса иқтисодий ўсиш, раванқ топиш манбаи бўлиш билан бирга бозор рақобатчилиги шароитида корхонани ҳимоялашнинг асосий омилдир. Фойда тушунчаси айрим олинган якка субъект учун ҳам тааллуқли эканлигини ҳам унутмаслик керак.

3. Корхоналарнинг фаолиятига баҳо беришда сотилган маҳсулотларнинг ҳажми, уларга қилинган сарф-харажатлар ва фойда тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Корхоналарда товар иа хизматларни сотишдан олинган маблағлар, уларнинг пул тушумлари ёки пул даромадлари дейилади. Корхона пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми фойда деб юритилади.

Товар иа хизматлар сотилганда уларнинг умумий қиймати пул даромадларига, ундаги қўшимча қиймат эса фойдага айланади. Бундан кўриниб турибдики, фойданинг ҳақиқий манбаи қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қийматдир. Лекин шу нарсани айтиш лозимки, бутун жамиятда баъзан алоҳида олишдан бир мамлакатда фойда мас-саси билан қўшимча қиймат массаси миқдор жиғатдан бир-бирига тенг бўлиши мумкин. Лекин алоҳида олинган корхоналарда ва тармоқларда яратилган қўшимча маҳсулот олинган фойла миқторан тенг бўлмаслиги мумкин. Чунки талаб ва таклиф нисбатларининг ва баҳо механизмининг ўзгариши таъсирида бир тармоқда ёки бир гуруҳ корхоналарда яратилган қўшимча маҳсулотлар бошқа корхона ва тармоқларга фойда шаклида ўтиб кетади.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджетга (асосан солиқ тўловлари) банкларга (олинган ссуда учун фоиз) тўловлар ва бошқа мажбуриятлар чиқариб ташланса корхона соф фойдаси қолади.

Бухгалтерия фойдаси сотилган маҳсулот учун тушган умумий пул суммасидан ишлаб чиқаришнинг ташқи харажатлари чиқариб ташланиши

натижасида аникланади. Шу сабабли бухгалтерия фойдаси иқтисодии фойдадан ички харажатлар миққорига нисбатан кўпроқдир. Бунда ички харажатлар ҳар доим ўз ичига меъёри фойдани ҳам олади.

Корхона фойдасининг мутлоқ миқдори яъни ил давомида олинган фойда ҳажми унинг массасини ташкил қилади. Фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фойда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисоблашнинг икки вариантыдан фойдаланилади. Булар фойданинг жорий сарфларга — корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капитал) нисбатидир.

Булар қуйидагича аникланади:

$$1. P_{\text{ф}} = (P/Y) \cdot 100,$$

бу ерда  $P_{\text{ф}}$  — фойда нормаси;  $P$  — фойда массаси;  $Y$  — иқтисодий ёки ишлаб чиқариш харажатлари;

$$2. P_{\text{ф}} = (P/K_{\text{аванс}}) \cdot 100$$

бу ерда,  $P_{\text{ф}}$  — фойда нормаси;  $P$  — фойда массаси;  $K_{\text{аванс}}$  (Асосий капитал Айланма капитал) — корхона томонидан авансланган маблағлари ёки асосий ва айланма капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Фойда нормаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига тўғри мутаносиб ҳамда фойдаланилган авансланган маблағлар қийматига тесқари мутаносибдир. Шу туфайли фойда нормаси корхона иш самарадорлигини интеграл кўрсаткичи ҳисобланади.

Фойданинг ўсишига, чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажми ўзгармаган ҳолда икки йўл билан: ишлаб чиқариш харажатларини камайитиш ҳисобига, баҳони ошириш ҳисобига эришиш мумкин. Баҳонинг ўсиши баъзи иқтисодчиларнинг фойда нормаси кўрсаткичини бартараф этиб бўлмайдиган қусурга эга бўлган ва шу сабаб самарадорликни ўлчаш учун мутлақо яроқсиз кўрсаткич сифатида танқид қилишларига сабаб бўлади.

2000 йилда Республикада фаолият кўрсатиб келган 169 минг корхоналар йил якуни бўйича 307,6 млрд. сўм фойда олган бўлса, улардан 139 корхона 24,7 млрд. сўмлик зарар кўрган.

Бутун олинган фойданинг 35 фоизи саноат, 20,3 фоизи транспорт, 11,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш ва 5,2 фоизи қурилиш корхоналари улушига тўғри келган.

Фойдани максималлаштириш ва зарарни минималлаштириш шарт — шароитлари. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг самарали бўлиши шарт-ларидан бири бу унинг шунчаки фойда олишини таъминлашгина эмас, шу билан бирга олинаётган фойда масаласини максималлаштириш (кўпайитиш) жуда муҳим ақамията эга. Умумий тарзда қараганда фойдани максималлаштиришқўриладиган зарарни минималлаш-тириш (энг кам зарар кўриш) билан боғлиқдир.

Фойда корхонанинг рақобатбардорлигини ошириб боришнинг молиявий манбаларидан энг муҳимидир. Шундай экан, бу масала корхона жамоасининг диққат марказида туриши лозим. Фойдани максималлаштириши шарт-шароитига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— Корхона ўз маҳсулотининг таннархини узлуксиз тасайтириб боришига ҳаракат қилиши, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини камайитиш ҳамда бошқа омилларни сафарбар қилиш демакдир. Буйум учун хом — ашё материаллари ва

бошқа меҳнат ашёларини арзон турларидан фойдаланиш, уларни тежайдиган ва чиқинди қилмайдиган технологиялар ўрнатиш:

— Имтиёзли кредитлар олишга эришиш ва кредит-ни ўз вақтида белгиланган фоиз билан қайтариш;

— сифатсиз, қоқоқ. жаҳон стандартлари, халқаро бозор талабига мос бўлмаган товарлар ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик;

— экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришга тўла мослашиш, ички ва ташқи бозор талабларини тўла ҳисобга олиш асосида иш кўриш;

— корхона маҳсулотларига олдиндан бутортма олиш асосида ишлашни таъминлаш;

— ўзаро товар етказиб бериш шартнома ва битимларни тўла ва ўз муддатида бажаришга эришиш;

— мутахассис ва ходимларни рағбатлантириб бориш 1 асосида уларнинг манфаатдорлиги ҳамда масъулиятли-лигини ошириш кабилар.

Амалий хўжалик ҳаётида шундай ҳам бўладики, корхона фаолиятида фойда билан чиқиш мумкин, бироқ 1 уни тўғри тасарруф эта билмаслик хўжалик юритишда катта хатоларга йўл қўйиш оқибатида корхона ихтиёрида соф фойда қолмаслиги мумкин. Масалан, корхона йил якунига кўра 10 млн. сўм фойда олди дейлик, бироқ корхона олинган буюртмани бир ой кечиктириб бажаргани учун 5 млн. сўм буюртмачи зарарини қоплаш талаб этилди. Шунингдек, банкдан олинган кредитни қайтариш муддати 2 ойга чўзиб юбориш ҳисобига 3 млн. сўм миқдорида тоовон тўлаш талаб этилди

Демак, олинган фойданинг 8 млн. сўми самарасиз кетди. Бундай ҳолат корхона жамоасининг бир йиллик ижобий иш фаолиятини самарасиз бўлишига сабаб бўлади.

Корхона диққат марказида турадиган иккинчи муҳим масала кўриладиган зарарни энг кам даражага тушириш ёки зарар олишга йўл қўймасликдир. Зарар кўришни минималлаштириш учун энг муҳим омил раҳбар ва ходимларнинг иқтисодий саводхонлигига эришишдир. Зеро ҳар бир ишловчи молиявий зарар кўришининг салбий оқибатларини чуқур идрок эта олиши лозим.

### **Таянч суз ва иборалар**

Ишлаб чиқариш харажатлари, ички харажатлар, доимий харажатлар, узгарувчан харажатлар, иқтисодий фойда.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг моҳиятини ва таркибини тушунтиринг.
2. Ички ва ташқи харажатлар уртасидаги фарк нимадан иборатлигини мисол окали тушунтиринг.
3. Уртача доимий, узгарувчи ва умумий харажатларнинг мазмуни ҳамда уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг .
4. фойданинг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириб беринг
5. Фойда массасига таъсир курсатувчи омилларни изохлаб беринг.

## 15-МАВЗУ: ИШ ҲАҚИ ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.

### Ўқув модули бирликлари:

1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни.
2. Иш ҳақининг турлари ва шакллари.
3. Меҳнат муносабатлари. Меҳнат шартномалари.

1.Яратилган ички миллий маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланадиган қисми иш ҳақи фонди деб юритилади. Иш ҳақи ҳозирги даврда ҳамма мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимлар иш ҳақининг мазмунига катта эътибор берадилар. Иш ҳақининг мазмунини аниқлашда турли иқтисодчилар турли томондан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф берадилар.

Масалан, «Яшаш учун восита минимуми» (Д. Рикардо ва Т. Малтусларнинг) концепциясида иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб ҳисоблайди. Лекин иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб қараш тўғри эмас. Бу минимум ўз ичига ишчи кучи шаклланадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт - шароитлар тугдирган эҳтиёжларни ҳам олади. Шу билан бирга ишчи кучи баҳосининг қуйи чегарасини яшаш учун зарур воситалар миқдорининг минимуми билан аниқлаш, ишга ёлловчилар иш ҳақини мазкур қуйи чегарадан пасайтиришга интилишига олиб келиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг хўжалик амалиётидаги иш ҳақининг даражасини кузатиш шуни кўрсатадики, ишчи кучи бозорида реал иш ҳақининг ўртача даражаси яшаш учун зарур жисмоний воситалар минимумига қараганда анча юқори даражада ўрнатилган.

Қийматнинг меҳнат назарияси (Англия классик сиёсий иқтисод мактаби, марксистик йўналишидаги иқтисодчилар) ишчи кучини алоҳида, ўзига хос товар деб ҳисоблайди. Шу сабабли бу назария иш ҳақиға товар бўлган ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли, яъни пулдаги ифодаси сифатида қарайди ва уни ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати сифатида аниқлайди. Мазкур гоё тарафдорлари ишчи кучи қийматига бир қатор омиллар аввало, табиий шарт – шароитлар, аҳолининг маданий ривожланиши, уларнинг малакаси ва ишчи оиласини сақлаш ҳамда уларнинг табиий такрор ишлаб чиқариш шароитлари таъсир қилишини кўрсатади. Шу билан бирга бу гоёда ҳаётий эҳтиёжлар ҳамда уларнинг кондирилиш усуллари мамлакатнинг илмий – техникавий, ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланишида эришилган даражаға богликлги таъкидланади.

Бу фикрлар ҳозирги даврда ҳам кўпгина кўзға кўринган иқтисодчи олимлар томонидан маъқулланиб такрорланмокда. Масалан, А.Ф.Шишкин, Е.Ф.Борисовлар ўзларининг «Иқтисодиёт назарияси» дарсликларида иш ҳақини ишчи кучи ва товар қийматининг пулдаги ифодаси деб таърифламакдалар.

Бу муаллифлар ўз фикрларини асослашда кўпгина олимлар меҳнат жараёни билан ишчи кучининг фарқиға бормаганлигини, шу сабабли бозорда меҳнат сотилади деб фикр юритишини танқид қилиб, бозорда меҳнат эмас, балки ишчи кучи товар сифатида сотилишини, бу жараён юзаки қаралганда меҳнатға ҳақтўлашға ўхшаб кўринишини исботлашға ҳаракат қилганлар.

Лекин иш ҳақиға «ишчи кучи қийматининг пулдаги ифодаси» сифатида қараш, аниқ ишчи кучи бозорида иш ҳақи даражасига унинг унумдорлиги, меҳнат интенсивлиги, талаб ва таклиф каби омилларнинг таъсирини етарли қисобга олмайдди.

Хозирги замон иқтисодиёт назариясида жуда кўп муаллифлар ( жумладан, Экономикс дарсликларида, 1998 йилда Москвада В. Д. Камаев раҳбарлигида чиқарилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигида, 1997 йилда Тошкентда чоп қилинган А.Ўлмасовнинг «Иқтисодиёт асослари» ўқув қўлланмасида ва бошқаларда ) иш ҳақи меҳнат баҳоси сифатида талқин қилинади. Бунда улар асосан бозорда меҳнат сотилади, деган бизнингча, нотўрри тушунчага асосланишади. Меҳнат ишчи кучининг функция қилиши, унинг маълум мақсадга қаратилган фаолият жараёни бўлиб, унинг на қиймати, на баҳоси йўқлиги, бу жараёни бозорга олиб чиқиб сотиб бўлмаслиги фанда ҳам, реал ҳаётда ҳам, иқтисодий амалиётда ҳам ҳаммага аён бўлган аллақачон исботланган масаладир. Шунинг учун буни исботлашга ҳаракат қилмасак ҳам бўлади.

Лекин бу ғоянинг негизида бир ижобий томон борки, уни катта, ҳисобга олиш зарур. Бу ҳам бўлса улар меҳнатни ишчининг малакаси, унинг интенсивлиги ва натижаси билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Иш ҳақининг мазмуни тўғрисидаги турли назарияларни, (турли мамлакатлардаги ва ўз мамлакатимиздаги амалиётни) умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Иш ҳақи тўғрисидаги назарияларда унга бир томонлама ёндашиш хусусияти мавжуд бўлиб, унинг мураккаб ва кўп қиррали иқтисодий жараён эканлиги озгина эътибордан четда қолган кўринади.

Лекин бу назарияларнинг ҳар бирида иш ҳақининг у ёки бу томонига тўғри баҳо берилган бўлиб, уларда фойдаланиш мумкин бўлган ижобий мазмун мавжуддир.

2. Иш ҳақининг умумий даражаси ҳар доим ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг эришган даражасига, яъни умумий меҳнат унумдорлиги, миллий маҳсулот ҳажми, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорига боғлиқ бўлади. Чунки шу маҳсулотларнинг бир қисми меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Шунинг учун ҳам у турли мамлакатларда турли миқдорларда бўлади.

3. Иш ҳақининг миқдори ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришга, ишчининг ўзини, оила аъзоларини боқишга етадиган даражада бўлиши лозим.

4. Иш ҳақининг миқдори ва даражаси ишчи кучининг малакаси, унинг меҳнати унумдорлиги билан боғлиқ бўлади.

5. Иш ҳақининг даражаси ҳар бир фирма ёки корхонада ишлаб чиқаришнинг эришган даражаси билан, яъни ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми ва бир ишчига тўғри келган миқдори билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам у меҳнат миқдори, малакаси бир хил бўлсада, турли корхоналарда турлича миқдорда бўлиши мумкин.

Ушбу хулосалардан кейин иш ҳақининг мазмунига таъриф бериб айтиш мумкинки, иш ҳақи — ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.

Иш ҳақининг асосий вазифаси ишчи ва хизматчиларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитини яхшилаш, бошқача қилиб айтганда, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги богликликни таъминлашдан иборатдир.

Албатта, ишчи кучини такрор ҳосил қилишда иш ҳақидан ташқари фоиз, рента, фойда, дивиденд, турли имтиёзлар ва нафақаларнинг ҳам роли бор. Иш

ҳақининг мазмунини тўлароқ тушуниш учун номинал ва реал иш ҳақи тушунчаларини билиш зарурдир.

Ишчи учун қандай шаклда ва қанча миқдорда иш ҳақи олиши эмас, балки унга қанча миқдорда товарлар ва хизматлар сотиб олиши мумкинлиги муҳим. Шу сабабли номинал ва реал иш ҳақи фарқланади. Номинал иш ҳақи бу маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи. Реал иш ҳақи — бу номинал иш ҳақиға сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. Бошқача айтганда, реал иш ҳақи — бу номинал иш ҳақининг «харид этиш» лаёқатидир. Ўз ўзидан аниқки, реал иш ҳақи номинал иш ҳақиға ва харид қилинадиган товарлар (ва хизматлар) баҳосига боғлиқ. Шундай экан, реал иш ҳақи бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақиға тўғри мутаносибдир ва истеъмол буюмлари ва хизматлар нархининг даражасига тескари мутаносибдир.

Номинал иш ҳақи ишлаб топилган пул даромади даражасини, реал иш ҳақи эса ходимларнинг истеъмоли ва фаровонлик даражасини тавсифлайди.

2. Ишлаб чиқаришнинг техник асосларидаги, ишчилар меқнатининг мазмунидаги уларға билим бериш ва касбкорликка ўргатиш борасидаги ўзгаришлар муносабати билан иш ҳақи шакли ва тизимлари ҳам ўзгариб боради. Иш ҳақини ташкил этишда унинг иккита асосий шакли вақтлай ва ишлай шакллари фарқланади. Вақтбай иш ҳақи ходимнинг малакаси, меҳнатнинг сифати ва ишлаган вақтиға қараб туланадиган иш ҳақидир. У одатда меҳнатнинг натижаларини аниқ ҳисоблаб бўлмайдиган, бапки улар аниқвазифалар доирасини бажариш билан белгиланадиган вақтда (масалан, муҳандис техник ходимлар ва хизматчилар, созловчилар, электромонтёрлар ва шу кабиларға ҳақ тўлашда) ёки маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бориши билан белгиланадиган ва бевосита ишчиға боғлиқ бўлмаган пайтларда (масалан, конвейерлар ва автомат линияларида ишлаш) қўлланилади.

Ишбай иш ҳақи ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулот миқдори ёки бажарган ишининг ҳажмиға қараб бериладиган иш ҳақидир. Маҳсулот бирлиги учун иш ҳақи миқдори, таъриф ставкасидаги ҳақни ишлаб чиқариш меъёриға тақсимлаш йўли билан аниқланади. Ҳақ тўлаш шакллариининг аниқ меҳнат шароитларини ҳисобға оладиган турлари иш ҳақининг тизимини ташкил қилади. Чунончи, ишчиларнинг бир қисмиға тўғри ишбай тизими бўйича ҳақтўланади. Бунда ишлаб чиқариш меъёри қай даражада бажарилишидан қатъий назар, иш ҳақи ягона маҳсулот бирлиги учун белгиланган баҳо бўйича тўланади.

Ишлай мукофот тизими бир қанча кўрсаткичлар учун мукофот беришни назарда тутати. Ишлай прогрессив ҳақ тўлашда ишчининг белгилаб қўйилган меъёри доирасида ишлаб чиқарган маҳсулотига унинг бирлиги учун белгиланган баҳо бўйича иш ҳақи берилати, нормадан юқорисиға эса оширилган ҳақ (ратенка) бўйича пул тўланади. Ишлай иш ҳақининг тизимида якка тартибдаги, жамоа ва ижара пудратида қўлланиладиган меҳнатға ҳақтўлаш фарқланади. Бунда олинган тайёр маҳсулот учун унинг сифати ва ишлаб чиқариш чиқимларини ҳисобға олиб ҳақтўланади. Ҳақ тўлашнинг жамоа шаклида иш ҳақи бригада, тех ва бошқа бўлинманинг пировард меҳнат натижаларига боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда ҳар бир ходим фақат ўзига берилган шахсий топшириқларғаина эмас, балки шу билан бирға бўлинманинг бутун иш ҳажмини ҳам бажаришдан манфаатдор бўлади.

Ишчиларнинг иш ҳақини табақалаштириш энг аввало давлат тариф тизими ёрдамида амапға оширилади. Тариф тизими ёрдамида тармоқлар ва мамлакат

минтақаси бўйича, улар ичида эса ишлаб чиқариш турлари, турли тоифадаги ходимлар малакаси ва меҳнат шароитларига қараб ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи даражаси тартибга солиб турилади.

Тариф тизими тариф-малака маълумотномаларини ва иш ҳақиға ҳар хил коэффитиентларини ўз ичига олади.

Тариф-малака маълумотномалари айрим касблар ва меҳнаттур-ларининг батафсил таърифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблардан иборат бўлади, шунингдек, унда бу ишни тарифлаш учун қўйиладиган разрядлар ҳам кўрсатилади. Тариф сеткасида разрядлардан ташқари таъриф коэффитиентлари ҳам бўлиб, улар биринчи разрядли ишчига ҳақ тўлаш билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақтўлашнинг ўзаро нисбатини кўрсатади (биринчи разряднингтариф коэффити-енти ҳамма вақт бирга тенг).

Тариф ставкалари тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланадиган ҳақмикдорини белгилаб беради.

Меҳнат қилиш шароити огир ва зарарли бўлган ишчиларга тариф ставкасига қўшимча ҳақлар белгиланади. Тариф ставкаларига. устамалар шаклидаги ҳақ (разрядлар бўйича фарклантирилган) профессионал маҳоратучун белгиланади.

Алоҳида тармоқнинг халқ хўжалик аҳамиятига қараб амалда иш ҳақини ва мансаб маошларини фарклантириш ишлари амалга оши-рилади. Бунда мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган етакчи тармоқларга тажрибали, малакали кадрларни жалб этиш, бу тар-моқларда ишчи ва хизматчилар таркиби барқарор бўлишини таъ-минлайдиган шароитларни вужудга келтириш мақсади кўзланади.

Республикамизда ҳам тариф тизими орқали иш ҳақи табақа-лаштирилиб, турли касблар ва иш турлари учун иш ҳақи тўлашнинг ягона разрядлари аниқланган. Нархлар ўсиши билан минимал иш ҳақи даражаси (1-разряд) ҳамда барча разрядлар улар ўртасидаги нисбат сакланган ҳолда ошириб борилади.

3.Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасида-ги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади. Меҳнат шартномалари аввало, иш ҳақи ставкаси, меъёридан ортиқча бажа-рилган ишлар учун ставка, дам олиш кунлари ва танаффуслар, пенсия фондлари ва соғлиқни сақлашга ажратмалар ҳамда баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб, истеъмолчилик савати қийматини тар-тибга солиш каби пакетларни ўз ичига олади. Кейин меҳнат шароити масалалари қараб чиқилади. Ниҳоят, қаторташкилий масалалар ҳал қилинади. Одатда келишув бир неча йилга (асосан уч) тузилади.

Айрим ҳолларда давлат ҳам корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатиши мумкин. Асосан бу иш ташлаш масалаларига тегишли.

Аммо иш ташлаш ҳуқуқи «Иқтисодий, ижтимоий ва мадакий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакет» да мустаҳкамланган асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Кўпчилик мамлакатларда меҳнат муносабатларининггивожланишида бош масала ишсизликни ижтимоий кафолатлашга, ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ва иш ҳақини ошириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар ҳисобланади. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий рол касаба уюшмаларига тегишли бўлади.

Кўпчилик бозорларда ишчилар ўзларининг иш кучини касаба уюшмалари орқаш жамоа бўлиб «сотади». Касаба уюшмалари нисбатан кўп сонли ишга

елловчилар билан музокаралар олиб боради ва уларнинг асосий иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишдан иборат бўлади. Касаба уюшмалари бу мақсадга турли хил йўллар билан эришиши мумкин.

1. Ишчи кучига бўлган талабни ошириш. Касаба уюшмалар нуқтаи назаридан иш ҳақини оширишнинг энг қулай усули меҳнатга бўлган талабни кенгайтириш ҳисобланади. Ишчи кучига бўлган талабни ортириш натижасида иш ҳақи ставкаси ҳам, ишчи ўринлари сони ҳам ортади. Касаба уюшмалари бу талабни белгиловчи бир ёки бир неча омилларни ўзгартириш йўли билан ишчи кучига бўлган талабни кўпайтириш мумкин. Хусусан, улар қуйидагиларга эришишга ҳаракат қилади: 1) ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатила-диган хизматга талабни ошириш; 2) меҳнат унумдорлигини ошириш ва 3) ишчи кучи билан биргаликда фойдаланадиган бошқарув ишлаб чиқариш омиллари баҳоларини ўзгартириш.

2. Ишчи кучи таклифни қисқартириш. Касаба уюшмалари ишчи кучи таъминини қисқартириш йўли билан иш ҳақи ставкасини ошириши мумкин. Бунга қуйидаги йўллар билан эришилади: а) иммиграцияни чеклаш; б) болалар меҳнатини қисқартириш;

в) пенсияга муддатида чиқишни қўллаб-қувватлаш; г) иш ҳафтасини қисқартиришга ёрдам бериш.

Булардан ташқари касаба уюшмалари тадбиркорларни ўз аъзоларини ишга ёллашга мажбур қилиб, ишчи кучи таклифи устидан тўлиқ назорат ўрнатади. Касаба уюшмалари ўз аъзолари сонини қисқартириш сиёсати орқали (масалан, узок муддатли ўқитиш, янги аъзоларни қабул қилишни чеклаш ёки тақиқлаш) ишчи кучи таклифини сунъий равишда қисқарттиради. Бу, ўз навбатида, иш ҳақи ставкасининг ортишига олиб келади.

3. Касбни малакали литензиялаш. Бу маълум меҳнат тури таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Бунда касаба уюшмалари корхона маъмуриятига маълум касбдаги ишчилар аниқ кўрсатилган талабларга жавоб берган тақдирда ишга қабул қилишга таъсир кўрсатади. Буталаблар ўз ичига ишчининг таълим даражаси, мутахассислик бўйича иш стажы, имтиҳон натижаси ва шахсий тавсифларини олади.

4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга бўлган тадбиркорларга қаршилик кўрсатиш йўли билан ҳам иш ҳақи ставкасини оширишга эришиши мумкин. Бунинг натижасида иш ҳақини ошириш билан боғлиқ қўшимча сарфлар, янги ишчи кучини ёллаш натижасида олинадиган қўшимча маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлади.

Ҳозирги замон меҳнат муносабатлари ўзида давлатнинг таъсирини ҳам акс эттиради. Давлатнинг қонунчилик фаолияти меҳнат муносабатларининг барча томонларини қамраб олади. У нафақат иқтисодиёт давлат секторининг ишчи кучига бўлган талабини билдиради, балки уни хусусий секторда ҳам тартибга солади, миллий иқтисодиёт миқёсида ишга ёллашнинг асосий ўлчамларини аниқлайди.

Меҳнат муносабатларига давлатнинг ижтимоий дастурлари (кам таъминланган оилаларга ёрдам, ишсизлик бўйича нафақа, ҳар хил ижтимоий тўловлар, пенсия таъминоти ва бошқалар) катта таъсир кўрсатади. Бу дастурлар бозор таҳликаси юқори бўлган давлатларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини барқарорлаштиришга маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатнинг иш кучи бозоридаги воситачилик роли ҳам меҳнат муносабатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладаи, ўзига қисман ишчи уринларини қидириш ватавсия қилиш ҳамда ишга жойлаштириш бўйича умуммиллий дастурни ишлаб чиқиш вазифаларини олади. Ишчиларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш-нинг давлат тизими, бозорнинг ўзгарувчан талабларига тез мослашишга имкон беради.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Иш хаки, вақтбай иш хаки, ишбай иш хаки, номинал иш хаки, реал иш хаки.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Яратилган миллий маҳсулотнинг қандай қисми иш хаки шаклини олади?
2. Иш хаки билан зарурий маҳсулот уртасида қандай алоқадорлик мавжуд?
3. Иш хакининг турлича назарияларини таҳлил қилиб, уларга ўз қарашингизни билдиринг
4. Реал иш хаки даражаси қандай омиллар таъсири остида ўзгаради?
5. Нима учун иш хакининг ҳақиқий умумий даражаси ҳар хил мамлакатларида турлича?

## **16-Мавзу: ИСТЕЪМОЛ, ЖАМҒАРМА ВА ИНВЕСТИТИЯЛАР**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни.
2. Жамғарма ва истемол ўртасидаги оптимал нисбат.
3. Инвестицияларнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари.
4. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ҳел эл инвестицияларини жалб қилишнинг аҳамияти

Иқтисодиёт фирмалар (корхоналар) ва уй-хўжаликлари фаолиятдан иборат бўлган икки таркибий қисмдан ташкил топади. Фирмалар - корхоналар (заавод, фабрика, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, жамоа хўжалиги ва бошқалар) товарлар ва хизматларни яратадилар, бунинг учун ресурслар сарфлайдилар. Бу билан ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракати бошланади. Иқтисодиётнинг бошқа томонида уй хўжаликлари туради, улар оилаларга бирлашган истеъмолчилардан ташкил топади. Яратилган товарлар ва хизматлар оилада истеъмол этилгач, уларни ҳаракати тугалланиб, яна янгидан бошланади.

Истеъмол учун яратилган товарлар ва хизматлар кишилар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқаришдан истеъмол сари ҳаракати бўлиб, бу жараёнлар оралиғида тақсимлаш ва айирбошлаш ҳам туради. Иқтисодий назарияда истеъмол жамғариш ва инвестиция категориялари муҳим ўрин эгаллайди. Ж.М.Кейнс назарияси макроиқтисодиёт масалаларига бағишланган бўлиб, аҳоли даромадининг жамғарилиши, инвестициялар, истеъмол, муомаладаги пул миқдори, нарх-наво, иш ҳақи, фойда ва фойз ўртасидаги алоқа боғланишларни очиқ беради.

Жамиятда яратилган миллий маҳсулот таркибан турли қисмлардан иборат бўлиб, ҳар бирининг вазифаси бор. Миллий маҳсулот қиймат (пул) жиҳатидан амортизация ажратмаси иш ҳақи ва фойдадан иборат.

Амортизация ажратмаси маҳсулоти - сарфланган ишлаб чиқариш воситаларини ўрнини қоплаш учун ишлатилади.

Иш ҳақи ифодаси бўлган маҳсулот - иш кучини тиклашга уни кўпайтиришга сарфланади.

Фойдани акс эттирувчи маҳсулот - ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кўшимча ресурсларни кўпайтириш ва қисман истеъмолга кетади. Маҳсулотлар қандай мақсадлар учун ишлатилишига қараб, қоплаш фонди, истеъмол фонди ва жамғарма фондларига бўлинади. қоплаш фонди - моддий жиҳатдан илгари истеъмол қилинган воситаларни ўрнини қоплашга ярайдиган товарлар ва хизматлардан иборат. Масалан: ишлатилиб, эскириб тамом бўлган машинани ўрнини қоплаш лозим бўлади.

Истеъмол фонди - маҳсулотлари кишиларни тирикчилик эҳтиёжларини қондиради. Булар озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар каби маҳсулотлардир.

Жамғариш фонди - маҳсулотлари ишлаб чиариш воситалари ва ресурслардан иборат. Бу маҳсулотлар кўшимча ресурс сифатида ишлаб чиқарини ўстириш учун ишлатилади.

Бу фондларни ташкил этувчи маҳсулотлар ресурслар ва товарлар бозорида пул маблағларига айирбошланади, сўнгра ишлаб чиқариш ёки шахсий эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Истеъмол фонди - назарий жиҳатдан зарурий маҳсулот ва қисман кўшимча маҳсулотлардан ташкил топар экан, иқтисодий категория сифатида, у иш ҳақи, нафақа, стипендия, имтиёз, уй хўжалиги ва якка фаолиятдан келадиган даромадлардан иборатдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, зарурий маҳсулотни ижтимоий шакллари ўрнини ўзгартиради, чунки режали иқтисодиётда истеъмол фондида ишловчиларнинг асосий даромад манбаи иш ҳақи бўлган бўлса, ҳозирда хилма-хил мулк шакллари иш ҳақи салмоғини камайтириб, даромадни бошқа шакллари салмоғини кескин кўпайтиради. Янги шароитда зарурий маҳсулот миқдори, сифати анча кенгайиб, кишиларни турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда.

кўшимча маҳсулотни ижтимоий шакллари ҳам турли-туман бўлиб, улар амалий иқтисодиётда фойда, фоиз, дивиденд, кўшимча иш ҳақи, банк кредити учун тўловлар, корхонанинг ривожлантириш фонди, моддий рағбатлантириш фонди, мукофотлаш фонди каби шакллarga киради.

Жамият аъзоларини ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун моддий неъматларни тобора кўпайтириш лозим. Амалий жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг моддий техникавий базасини ўстириш, молиявий имкониятларини кенгайтириш, моддий соҳади банд бўлган ходимлар сонини олдинги даражадан ошириш ишлаб чиқаришга кўшимча равишда меҳнат воситалари, хом ашёларни жалб қилишдир. Назарий жиҳатдан одамларни ўсиб бораётган эҳтиёж-ларини қондириб бориш учун жамғарилиш амалга оширилиши керак.

Жамғариш - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсларини кенгайтириб бориш жараёнидир. Ишлаб чиқаришни кенгайтириб асосий манбаи - кўшимча маҳсулотдир.

Жамғариш икки йўналиш бўйича амалга оширилади: 1)Ишлаб чиқаришнинг моддий-техникавий шароитни яхшилаш, яъни инвестициялашни қўллаш; 2)Эҳтиёж (резерв) ва суғурта, (табiiй офатларни оқибатларини бартараф қилиш, экологик муаммоларни яхшилаш учун), ҳамда ижтимоий истеъмол (жамиятнинг меҳнатга яроқсиз аъзоларини, болалар ва ўсмирлар, маданий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш, соғломлаштириши, халқ таълими, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун) фондларини ташкил этиш.

Иқтисодий ўсиш юз бериши учун аввал сарфланган ресурсларни (машина, ускуна, ёқилғи, материал, хом ашё, уруғлик, ўғитлар каби) ўрни қопланиши керак.шундагина ишлаб чиқариш олдинга миқдорига эришиши мумкин. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қўшимча ресурс, яъни инвестициялар талаб этилади.

Инвестициялар - иқтисодий ўсишни таъминлаш учун даромад топиш мақсадида ишлаб чиқаришга қўйилган маблағлардир. Инвестицияларни капитал маблағлар деб ҳам айтилади. Инвестициялар пул шаклида бўлиб, пулга ресурслар сотиб олиниб, улар ишлаб чиқаришнинг моддий омилига айлангандан сўнг иқтисодий ўсиш юз беради. Инвестиция номинал ва реал инвестицияларга бўлинади. Номинал инвестиция пул шаклида бўлади. Реал инвестиция моддий шаклдаги инвестиция бўлиб, номинал инвестиция моддий ресурсларга айлангач вужудга келади. Реал инвестиция қўшимча олинган станок, трактор, автомашина, компьютер, бино шаклида бўлса, уни моддий ўлчови бўлмайди. Хилма-хил шаклдаги инвестиция ҳажми пул ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

Иқтисодий ўсиш инвестиция миқдорига ва унинг самарадор-лигига боғлиқ. Бунда асосий ўринни самарадорлик ташкил қилади

Масалан: Давлат бюджетидан инвестицияга пул кўп ажратилса халқ истеъмоли ва унинг фаровонлиги учун пул кам қолади. Шунинг учун инвестиция меъёри бор. Бу икки усулда ҳисобланади. Инвестициянинг умумий миқдори унинг мутлоқ меъёри (абсолют) дейилади ва пул шаклида белгиланади. Агар мамлакатда яратилаётган ЯММ 200 млрд. сўм бўлиб, шундан 30миллиард сўм инвестицияга сарфланса, шу сумма унинг мутлоқ меъёрини ташкил қилади. Демак, 15% нисбий меъёр бўлади. қуйидагича аниқланади:

$$\frac{P}{M} = \frac{30 \text{ млрд}}{200 \text{ млрд}} = 15\%$$

Ръ- нисбий меъёр инвестиция нормаси;

Р - инвестиция нормаси (30)

М - ЯММга бўлган фоизда ифодаланган нисбатдир (200)

Инвестиция самарадорлиги қанча юқори бўлса, инвестиция ўзини шунчалик тез оқлайди.

### Саволлар:

- 1.Истеъмол ва жамғарманинг моҳияти нима?
- 2.Жамғарманинг манбаи ва унинг тақсимланиши қандай бўлади?
- 3.Иқтисодий ўсишда инвестициянинг роли қандай?

## **17-МАВЗУ: Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши**

### **Ўқув модули бирликлари:**

1. Жаҳон хўжалиги ва унинг таркиб топиши
2. Халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий интеграция
3. Жаҳон хўжалик ҳаётининг глобаллашуви ва унинг оқибатлари

Халқаро иқтисодиёт (international economics) иқтисодиёт назариясининг алоҳида бўлимини ташкил этади. Унинг предмети мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар айирбошлаш, молия ва ишлаб чиқариш омилларини жойлаштириш каби катор масалаларни ўрганишдир. Жаҳон миқёсида иқтисодий муносабатларни ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчидан, жаҳон хўжалигида иқтисодий муносабатлар суверен давлатлар ўртасида юз беради. Шунинг учун бу муносабатлар давлат томонидан назорат қилинади ва ҳар бир мамлакатда айнан шу мамлакатга хос иқтисодий тартиб тизими шаклланади. Иккинчидан, жаҳон хўжалиги миқёсида ягона пул тизими амал қилмайди. Халқаро иқтисодий муносабатларда турли мамлакат валюталаридан фойдаланилади. Учинчидан, Халқаро даражада ресурслар мамлакат миқёси га қараганда тез жалб қилиш имконияти чекланган. Булар ўз навбатида жаҳон миқёсида рақобат, нарх шаклланиши ва бошқаларга таъсир кўрсатади.

Ҳозирги шароитда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Уларни ҳисобга олиш ҳар бир давлатнинг самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритишининг зарур шартига айланиб қолди.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги меҳнат тақсимога ва кооперациясининг чуқурлашиб бориши туфайли вужудга келган. Бу жараён узоқ вақт давом этиб, Ҳозирги пайтда биронбир мамлакат Халқаро савдо, ишчи кучи, капитал, кредит муносабатларидан четда қолиб ривожлана олмайди.

Иқтисодчиларнинг ҳисобларига кўра, жаҳон ҳамжамияти 2800 хилдан ортиқ тилда сўзлашгани, 500 хилдан ортиқ пуд бирлигида савдо қилгани ҳолда, бу турлитуман мамлакатлар бирбири билан шу қадар бўланганки, буни ҳисобга олмаслик иқтисодий муаммоларни ечишда хатоликка олиб келиши мумкин.

Ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг ҳолати шу мамлакатнинг фақат ички гүтенциалига эмас, балки Халқаро меҳнат тақсимога, умумжаҳон фан, техника, технология тараққиёти, қолаверса бутун планета ресурслари ҳолатига бўлиқ.

Ҳозирги пайтда жаҳон цивилизацияси шу даражага етдики, келажакда ривожланиш, тараққиётга давлатлар ўртасидаги қарамақаршиликлар мавжуд бўлишига қарамай, ҳамкорликдагина эришиш мумкин.

Ҳозирги замон техникатеология соҳасида эришилган даража шундай меҳнат тақсимога келтириб чиқарадики, бу тун ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжларни ҳар бир мамлакатни ўзи қондиришга уриниши самарасиз бўлиб қолади ёки умуман бунинг иложи йўқ. Ҳатто энг йирик ривожланган мамлакат ҳам фақат ўз кучига таяниб ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. Демак, турлитуман эҳтиёжларни қондириш учун ўзаро алоқалар объектив зарурат бўлиб қолади.

Жаҳон хўжалигининг таркиб топиши ана шу объектив заруриятдан келиб чиққан.

Жаҳон ҳўжалиги ижтимоийиқтисодий ривожланиши даражасидан қатъи назар иқтисодий муносабатлар тизими билан чамбарчас бўланган миллий ҳўжаликлар мажмуидан иборат.

Ўзига хос миллий иқтисодиёт шаклданган ҳар бир мамлакатнинг ягона иқтисодий маконга интилиши ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади.

Йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш, ташқи савдо орқали кўпроқ фойда олишга интилиш бозор муносабатларини ҳар томонлама ривожланишига олиб келди. Транстпортнинг ривожланиши ҳам ҳалқаро савдони ривожланиб, барқарор муносабатларга айланишига олиб келди. Классик капитализм, эркин рақобатнинг энг катта готу\и сифатида жаҳрн бозори вужудга келди.

Йирик капитал, айниқса акционерлик капиталининг вужудга келиб, кучга тўлиши натижасида ички бозор торлик қилиб қолди. Капитал янги фойда қидириб бошқа мамлакатларга йўналди.

Капитал чиқаришни кучайиши, Халқаро айирбошлашни кенгайиши Халқаро монополияларни вужудга келишига олиб келди.

Монополиялар борган сари кучайиб, жаҳон бозори, хом ашё манбалари, капитал қўйиш фойдади бўлган соҳаларни эгаллаб олдилар. Бу жараён шартномалар тузиш, ижара, концессия ва бошқалар орқали амадга оширилди. Монополиялар томонидан дунё охириқибат иқтисодий жиҳатдан бўлиб олинди.

Натижада, XIX аср охири XX аср бошларида илгари эркин бўлган халқларнинг ерларини колонияларга айлантириш кучайди. Буюк давлатлар томонидан дунёни ҳудуд жиҳатдан бўлиб олиниши ва катта мустамлака империялар ташкил бўлиши тугади. Йирик капитал ва унинг эгалари бўлган метрополиялар бошқа мамлакатлар устидан тамомила ҳукмронлик қилиш имкониятига эга бўлди. Катта бойликлар ташиб кетилди. Колонияларнинг ўз аҳолиси очлик, қашшоклик, касалликдан азоб чекиб, баъзи ерларда туб аҳолининг қирилиб кетишига олиб келди.

Дунёни ҳудуд жиҳатдан бўлиб олиниши билан Халқаро иқтисодиётда колонияларнинг роли ўзгарди. Илгари асосан ишлаб чиқарилган товарни катта фойда келтирадиган қилиб сотиш орқали кўзланган мақсадга эришилган бўлса, энди колониялар метрополиялар учун арзон ишчи кучи, хом ашё манбаига айланди, капитални катта фойда келтирадиган соҳаларга қўядиган, ҳарбийстратегик районлар сифатида фойдаланиладиган бўлди.

Шундай қилиб, умумжаҳон ҳўжалиги вужудга келди.

Мустамлакаларда буюк давлатларнинг манфаатидан келиб чиқиб, меҳнат тақсмоти вужудга келтирилди. Асосий диққат қазилма саноатга берилиб, мақсад хом ашё билан таъминлашга қаратилди. қишлоқ ҳўжалигини ихтисослашуви ҳам метрополияларнинг эҳтиёжларига бўйсундирилди. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ҳиндистондан Англияга дон ташиб кетиш 11 мартагача ошди. Шу даврда ўз аҳолисининг очликдан ўлиши 20 мартага кўпайди.

Лекин молия капитали ҳукмронлиги умумжаҳон тизимида бир томондан унинг ижтимоийиқтисодий қарамақаршиликларини чуқурлашувига олиб келди. Иккинчидан эса асосий ривожланган капиталистик мамлакатлар ўртасида бўлинган дунёни қайтадан бўлиш учун кураш жаҳон урушларига олиб келди.

Учинчидан, метрополиялар билан мустамлакалар ўртасидаги қарамақаршиликлар кучайиб миллий озодлик ҳаракатларини кучайишига олиб келди. Натижада Ер шари харитасидан мустамлака тузуми ўчириб ташланди.

Шундан сўнг, 60йиллардан бошлаб, умумжаҳон ҳўжалиги янги ривожланиш босқичига қадам ташлади.

Бу босқичнинг аввалгиларидан тубдан ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, биринчидан, мамлакатларни ноиктисодий йўллар билан мажбурлаш тугатилади. Иккинчидан доимий иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро манфаатли алоқалар асосий ўринга чиқади. Учинчидан, қолоқ мамлакатлар, ҳамда аввал иқтисодиётни автаркия (ёпиқ)га асосланган мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўташи янги глобал иқтисодий маконни яратди. Тўртинчидан, иқтисодий алоқаларнинг янги шакллари вужудга келди. Бешинчидан, Халқаро алоқаларни барқарор амалга ошириш, ривожланиш глобал инфраструктурани шаклланишига олиб келди.

Ҳозирги пайтда умумжаҳон хўжалиги турли омиллар таъсирида тўхтовсиз ўзгариб, ривожланиб бормокда. Бу омиллар жаҳоъ хўжалигига юқори даражада динамизм беради. Фантехника революцияси миллий хўжаликлар ўртасида боғланишни янада кучайтиради, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ҳам кучайиб боради.

Жаҳон хўжалигини ташкил топиши ва ривожланиши жараёнини баъзи иқтисодчилар турт босқичга бўлишади. Биринчи тоиндустриал босқич - Халқаро савдонинг вужудга келиши билан, иккинчи индустриал босқич - жаҳон бозорининг вужудга келиши билан характерланса, учинчи босқич - Халқаро монополиялар вужудга келиши ва умумжаҳон хўжалигининг таркиб топиши, тўртинчи босқич - XX асрнинг 60 йилларидан бошланиб Ҳозирга қадар даврни ўз ичига олади, ҳамда аввалги босқичлардан тубдан фарқ қилади.

Бошқа гуруҳ иқтисодчилар эса уч босқичга бўлишади. Улар фикрича тоиндустриал босқични қўшиш шарт эмас.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар эса биринчи босқичда жаҳон хўжалиги таркиб топган, иккинчи босқичда жаҳон хўжалиги икки лагер - капиталистик ва социалистик тизимга ажралиши юз берган, учинчи босқич эса ана шу ажратиш тугатилиб, барча мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан характерланади дейишади. Баъзи иқтисодчилар учинчи босқични ўзини бир неча даврларга бўлишади. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши неча босқичга бўлинишидан қатъи назар, кўпчилик иқтисодчилар жаҳон хўжалигини таркиб топишини Халқаро монополияларни вужудга келиши билан боғлашади.

Жаҳон хўжалигининг ташкил топиши турли мамлакатлар ўртасида мунтазам, оят мураккаб иқтисодий алоқаларни амалга ошишини тақозо қилади.

Ҳозирги жаҳон хўжалигига бозор иқтисодиёти хос бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги юз берадиган алоқаларни кўпгина иқтисодчилар икки гуруҳга бўлишади.

Биринчиси - ҳар бир мамлакатнинг ўз манфаатини кўзлаб олиб бориладиган иқтисодий алоқалар бўлиб, айрим иқтисодчилар уни соф бозор муносабатлари деб ҳам аташади. Бу алоқалар иқтисодий муносабатлар тизимида асосий рол ўйнайди.

Иккинчиси - ҳамкорлик, ўзаро ёрдам муносабатлари бўлиб, уни nobozor алоқалари деб ҳам юритилади.

XX аср давомида мамлакатларнинг бирбирларига ўзаро таъсири кучайди, иқтисодий алоқалар кенгайиб борди, бошқача айтганда хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви кучайиб борди.

Барча иқтисодий жараёнларни байналмилаллашуви натижасида жаҳон хўжалигининг қуйидаги таркиби вужудга келди:

1. Жаҳон товарлар ва хизматлари бозори.
2. Жаҳон капитал бозори.
3. Жаҳон ишчи кучи бозори.

4. Халқаро валюта тизими.

5. Халқаро кредитмолия тизими.

Ундан ташқари ахборот, ишйтадқиқот, тажриба ўтказиш, конструкторлик ишлари, маданият ва бошқа соҳаларда байналмилаллашув интенсив тарзда ривожланиб бормоқда.

Жаҳон хўжалиги муносабат тарзида ўз объекти ҳамда субъектига эга.

Жаҳон хўжалиги муносабатларининг объекти Халқаро миқёсда савдосотик, ресурслар тақсимланиши, уларни самарали ишлатиш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, иқтисодий интеграция, илмий-техникавий ҳамкорлик, қолоқлик ва қашшоқликни чеклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқалар ҳисобланади. Турли давлатлар, транснационал корпорациялар, Халқаро ташкилотлар ва институтлар эса жаҳон хўжалигининг субъектлари ҳисобланади.

Миллий хўжаликлар айрим иқтисодий адабиётларда марказий давлатлар ва периферия давлатларига бўлинса, бошқаларда шимол ва жануб давлатлари тарзида гуруҳларга бўлинади. Бунда марказий ёки шимолий давлатлар деганда индустриал ривожланган мамлакатларни кўзда тутилса, перифери, жанубий давлатлар деганда афр, ривожланаётган мамлакатлар кўзда тугилади.

Учинчи хил адабиётларда эса давлатларни ривожланган бозор иқтисодиёти хос, ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга бўлинади.

Халқаро амалиётда юқори даражада ривожланган етакчи мамлакатлар (АҚШ, Германия, Япония), нефт экспорти туфайли юқори даромад олувчи (Саудия Арабистони, қувайт), янги индустриал мамлакатлар (Жанубий Корея, Сингапур), Гонконг (1998 йилдан Хитой таркибида), Бразилия, Мексика ўртача давлатлар, нисбатан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Бангладеш, Эфиопия ва бошқалар)га бўлинади.

Умуман олганда, иқтисодий тараққиёт ва бошқа омилларнинг барчаси йил давомида яратилган ялпи миллий маҳсулотда ўз ифодасини топади.

Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўри келадиган ялпи миллий маҳсулот Люксембург, Швейцария, Норвегия, Япония ва бошқа қатор мамлакатларда 30—40 минг долларни ташкил этгани ҳолда Эфиопия, Бурунди, Чад, Нигер каби давлатларда атиги 100—200 долларга тўри келади. Бу кўрсаткичлар ана шу мамлакатлар орасида "ер" билан "осмон" ча фарқ борлигини кўрсатиб турибди.

Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга қараганда ўзларида мавжуд ресурслардан бир неча марта ортиқ ресурсларни ишлатиш, буни эвазига юқори даражада маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш имконига эга. Масалан, баъзи ҳисобларга қараганда А+Ш дунё аҳолисини 4,5 ини ташкил этгани, минерал ресурсларни 20%и унинг ҳудудларида жойлашгани ҳолда, жаҳон табиий ресурсларини 40%ини истеъмол қилади. Булар энг аввало ёнилғи-энергетика, хом ашё ресурсларидир. Истеъмол қилинаётган ресурсларнинг 30%и Ғарбий Европа, Канада ва Японияга тўри келади. Бу мамлакатлар ер қурали аҳолисини 9%ини ташкил этиб, 20% атрофида табиий ресурслари жойлашган.

Ривожланган мамлакатлар 40% минерал ресурсларга эга бўлгани ҳолда 70% дунё ресурсларини истеъмол қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда ер шари аҳолисининг 60% истиқомат қилаётгани, уларнинг территорияларида дунё минерал ресурсларининг 35% жойлашгани ҳолда атиги 16 % ини ўзлари истеъмол қилади<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, шуни қайд этиш керакки, XX асрнинг иккинчи ярмидан мустамлакачилик муносабатларини тугатилиши билан жаҳон хўжалигида янги тенденция вужудга келди.

Илгари иқтисодий ва ноиқтисодий зўравонлик, талаш, тенгсизлик, эксклузивацияга асосланган адолатсиз алоқалар борган сари барҳам топиб, тобора цивилизациялашган, адолатли, барчанинг манфаатини ҳисобга олувчи алоқалар ўрнатилмоқда.

Ривожланаётган ва ўртача даражада ривожланган мамлакатларда кейинги пайтларда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўртача жаҳон кўрсаткичидан анча юқори. Айрим мамлакатларда хусусан Ҳиндистон, Таиланд, Сурия, Гонконг, Покистон каби мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўртача жаҳон кўрсаткичидан 3-4 марта, Хитой, Лесото, Жанубий Корея, Ботсванада ундан ҳам юқори бўлган.

Ривожланаётган ва ривожланиш даражаси ўртача мамлакатларда борган сари хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб бормоқда. Айниқса, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш—транспорт, алоқа, ахборот билан таъминлаш жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Жаҳон хўжалиги тараққиетининг Ҳозирги босқичдаги яна бир хусусияти, миллий хўжаликларнинг ихтисослашувини чуқурлашуви натижасида ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувини кучайиши содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётининг бир қисмига айлантира боради. Жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодиётга таъсири тобора фаоллашиб бормоқда. Бу эса ихтисослашувнинг афзалликларидан, ҳамда жаҳон да эришилган ютуқлардан тўлароқ фойдаланиш\* имконини беради.

Хўжалик ҳаётини байналминаллашуви (интернационалла-шуви) мамлакатнинг хўжалиги алоқаларида қатнашувини ифодалайди.

Миллий иқтисодиётнинг байналминаллашуви даражаси энг аввало уларни жаҳон савдосида қатнашиш кўрсаткичлари орқали аникланади. Ҳар бир мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларда қатнашиши хўжалик фаолиятининг байналмилаллашуви даражасини аниқлаш учун кўпинча экспорт квотасидан кўрсаткичидан фойдаланилади. Экспорт квотаси маълум муддат - йил давомида четга чиқарилган товар ва хизматларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини ифодалайди.

Айрим мамлакатларда экспорт ҳажмининг ялпи ички маҳсулотга нисбати (1999 й, % да)<sup>3</sup>.

| Мамлакатлар        | Экспортнинг умумий ҳажми, млрд. доллар | Экспорт квотаси % да |
|--------------------|----------------------------------------|----------------------|
| А+Ш                | 933,9                                  | 10,7                 |
| Германия           | 623,4                                  | 29,9                 |
| Япония             | 436,4                                  | 9,9                  |
| Хитой              | 207,6                                  | 20,9                 |
| Корея Республикаси | 156,7                                  | 38,5                 |
| Россия Федерацияси | 87,7                                   | 23,3                 |
| Малайзия           | 71,9                                   | 98,3                 |
| Дания              | 62,8                                   | 36,0                 |
| Ўзбекистон         | 3,1                                    | 18,7                 |

<sup>3</sup> Доклад о мировом развитии 2000/2001. Всемирный банк, М. Вес мир, стр. 320-325 (мамуотлар асосида муаллиф ҳисоблаган)

Миллий иқтисодий ва интернационаллашуви даражасини аниқлаганда импорт ҳажми, товароборотда ишлаб чиқариш омили, хусусан капитал экспорти ва импорти кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Транспорт ва алоқанинг Ҳозирги даражаси ҳар қандай мамлакатларга чет эл товарлари ва хизматларини тезда кириб келиши учун жуда катта имконият яратди. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ҳамма мамлакатлар ўртасида товар ва хизматларга эҳтиёжни орттиради. Миллий иқтисодий борган сари бирбири билан боғланиши кучаяди ва жаҳон ҳўжалиги борган сари ягона комплексга айланиб боради. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айнан шу жараён қатор йирик компаниялар учун дуий ягона бозор бўлиб қолади.

Турли мамлакатларнинг миллий иқтисодий интернационаллашуви жаҳон ҳўжалигини тараккиётида муҳим рол ўйнаб, уни янада юқори босқичга кўтаради. Лекин бу жараён доимо силлиқ юз бермаган.

Жаҳон ҳўжалиги эволюцияси жараёнида юз берган ўзгаришлар, конфликтлар айниқса I ва II жаҳон урушида инсоният учун оғир йўқотишлар кишилиқ жамияти олдида мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, қарама қаршилиқлар, келишмовчиликларни цивилизациялашган йўл билан ҳал этишни объектив зарурият қилиб қўйди. Айнан ана шу зарурият туфайли Халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар ташкилотига асос солинди. 1945 йил 24 октябрда унинг уставига 51 мамлакат вакиллари имзо чекди.

Давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, ер юзида тинчликни сақлаш учун кураш ва хавфсизликни таъминлашга эришишда Бирлашган миллатлар ташкилоти алоҳида ўрин тутди. БМТ уставига 1945 йилда (24 октябрда) дастлаб 51 мамлакат имзо чеккан бўлса, Ҳозирга келиб, деярли барча мустақил давлатлар аъзо. Бирлашган миллатлар ташкилотининг таркиби қуйидагича бўлиб, ҳар бири маълум бир доирада ўз ваколати бўйича фаолият юритади.

Маълумки, жаҳон бозори ва умумжаҳон ҳўжалигининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳал қилувчи омили Халқаро меҳнат тақсимотидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти ижтимоий меҳнатнинг турли давлатлар гуруҳи ўртасида тақсимланишидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти мамлакат миқёси даги меҳнат тақсимотининг тўридантўри давоми бўлиб, алоҳида мамлакатларнинг у ёки бу турдаги товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашувини ифодалайди.

Миллий иқтисодийнинг ихтисослашувида эса миллий ҳўжалиқлар, минтақаларнинг ишлаб чиқариш шароитларининг ўзига хослиги, бошқалардан маълум бир жиҳатлари билан фарқ қилиши асосий рол ўйнайди.

Бу фарқлар аввало табиий-географик шароитдаги турли-туманликда ифодаланади, буларга: биринчидан;

А) табиий ресурсларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги;

Б) табиий ресурсларнинг таркиби ва миқдори, қазиб олиш ва қайта ишлашга қулайлиги;

В) иқлим шароити;

Г) меҳнат ресурслари, уларнинг жойланиши ва бошқаларда ифодаланади.

Иккинчидан, иқтисодийнинг ривожланиш даражаси, қулаи таъсир қилади.

Учитидан, аҳолининг анъанавий ишлаб чиқариш турига ихтисослашуви.

Тўртинчидан, аҳолининг маълумоти, билим даражаси, касбий малака маданияти муҳим ўрин тутди.

Ундан ташқари, мамлакатнинг илгари мустамлака бўлган бўлмагани ҳам катта аҳамиятга эга.

Ана шу тафовутлар сабабли айрим мамлакатларда бир хил товар ишлаб чиқаришда қилинган харажатлар миқдори турлича бўлади ёки зарур бўлган товарларни ишлаб чиқариш учун умуман имконият бўлмайди.

Ҳозирги пайтда харажатларни сарфлашнинг фақат абсолют миқдоригина эмас, балки нисбий устунлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳар бир мамлакат ўзида нисбатан осонроқ, камроқ харажат билан ишлаб чиқариладиган товарларни ишлаб чиқаришга ва бошқа мамлакатларга сотишга ҳаракат қилади. Аксинча, ўзида ишлаб чиқариб бўлмайдиган ёки ишлаб чиқариш учун кўп харажат талаб қиладиган товарларни сотиб олишга интилади.

Ҳар бир мамлакатнинг у ёки бу иқтисодий фаолиятини амалга оширишда жаҳон нархлари билан миллий нархлар ўртасидаги тафовут асосий рол ўйнайди.

Дастлаб жаҳон хўжалигининг таркиб топиши, миллий хўжаликларнинг бирбирига бўланиши кўпроқ табиий шароитлар, мамлакатларда табиий бойликлар бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан қаралган бўлса, сўнгра қиёсий устунлик асосий рол ўйнай бошлади.

Фан-техника революцияси турли мамлакатларни ҳар хил сферада ўзаро бўлиқ Халқаро меҳнат тақсимотига ҳам янгича ёндошишга олиб келди. Кейинги йилларда илгари сурилган ана шундай назариялар сифатида мамлакатларни ўзаро бўлиқлиги концепцияси ва Халқаро меҳнат тақсимотини модернизациялаш назарияларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатларни ўзаро бўланиши концепцияси Халқаро меҳнат тақсимотларини Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб талқин этади. Голландиялик иқтисодчи К. Навенхузе фикрига кўра, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, айримларининг эса умуман тикланмаслиги атрофмуҳитнинг буланиши, экологик муаммолар мамлакатларни бирбирига бўланишини кучайтиради.

Ривожланган мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг хом ашё, энергетика ресурсларига муҳтож.

Модернизация назарияси. Бу назарияга биноан ривожланаётган мамлакатларда меҳнат тақсимоти четдан капитал жалб қилишга қаратилган бўлиши керак. Протекционизм сиёсатидан воз кечиш, ривожланган мамлакатлардан импортга йўл очиш керак.

Модернизация йўяларини реализация қилиш натижасида ривожланаётган мамлакатларда янги тармоқ бўйича ихтисослашув таркиб топади. Улар ривожланган мамлакатларнинг эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат сиҳими, материал сиҳими юқори маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Ривожланган мамлакатлар эса эътиборни фан СИРИМИ, капитал сигими юқори, малакали ишчи кучи талаб қиладиган мураккаб тармоқпарни ривожлантиришга қаратади.

Биринчи йўналиш бўйича ишлаб чиқаришда ихтисослашув чуқурлашади. Бирон деталь ёки алоҳида механизмлар ишлаб чиқариш юз беради.

Иккинчи йўналиш алоҳида мамлакат ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг шу регион учун анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашувидир. Африка мамлакатлари тропик мевалар етиштиришга ихтисослашса, Скандинавия мамлакатлари балиқ овлашга ихтисослашади.

Ҳар бир мамлакатнинг қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ихтисослашганини экспорт бўйича ихтисослашув коэффициенти орқали ифодалаш

мумкин. Бу коэффицент мамлакатнинг жаҳон экспортида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш (хизмат кўрсатиш)га ихтисослашганини кўрсатади.

Халқаро меҳнат тақсимотининг иккинчи томони Халқаро меҳнат кооперациясидир.

Меҳнат кооперацияси ихтисослашган меҳнат фаолиятини ўзаро бирлашиб, яхлит меҳнат жараёнини ташкил этишидир.

Халқаро меҳнат кооперацияси меҳнат тақсимотининг байналмилал кўламда бирлашувини билдиради.

Ихтисослашув асосида кооперациялашув Халқаро миқёсда ҳамкорлик қилишнинг учта асосий йўналишини келтириб чиқаради: фан си\ими юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш; савдоиқтисодий; товарларни сотгандан кейинги хизмат кўрсатиш. Охирги йўналиш кейинги йилларда шаклланди. Уч йўналиш ҳам биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қабул қилинган дастур ва махсус шартномаларни амалга ошириш орқали эришилади.

Юқори даражадаги Халқаро меҳнат тақсимоти ва кооперацион алоқаларнинг хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг олий шакли сифатида интеграция вужудга келади.

Интеграция гоят мураккаб жараён бўлиб, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви янги ташкилий шакллари келтириб чиқарадики, давлатлар томониан қуиладиган тўсиқларни енгиб ўтишга имкон яратади. Уларнинг энг муҳим шакли иқтисодий интеграциядир.

Интеграция (integratio) лотинча сўздан олинган бўлиб, турли қисмларнинг бир бутунликка бирлашуви маъносини билдиради.

Биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашган бўлиб, ташқи алоқаларсиз ривожлана олмай қолади.

Иккинчидан, турли давлатлар томонидан қўйиладиган тўсиқларни бартараф қилиш лозимлиги объектив зарурат бўлиб қолади.

Лекин, ана шу объектив заруратни амалга ошириш учун қуйдаги шартшароитлар мавжуд бўлиши керак. А) Мамлакатлар ривожланишм иқтисодий даражасида катта тафовут бўлмаслиги, бирбирига яқин туриши талаб қилинади. Б) Ҳуқуқий умумийликка эга бўлиш, тарихан ривожланган алоқалари бўлиши керак.

Иқтисодий интеграция, ишлаб чиқариш, фантехниканинг етакчи тармоқларида чуқур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантириш, иқтисодий ҳамкорликни турли шакллари ривожлантиришни билдиради. Улар ўртасидаги алоқаларни янада юқорига кўтаради, унга янгича хусусият бахш этади.

Интеграция Халқаро ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурасини вужудга келтиради. Илмийтехникавий ишлаб чиқариш, савдо, молия соҳасидаги ҳамкорликка мунтазам доимийлик тусини беради. Халқаро меҳнат тақсимоти қанча чуқур бўлса, ишлаб чиқариш кооперация алоқалари қанча мустаҳкам бўлса, иқтисодий интеграция шунча муваффақиятли ривожланади.

Жаҳон хўжалигида иқтисодий интеграция турли шаклларда ривожланади. Унинг энг мукамал шакли Европа иттифоқи. 1958 йили олти мамлакат Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишди. Унга 1973 йили Буюк Британия, Дания, Ирландия, 1981 йили Греция, 1986 йили Испания ва Португалия, сўнгра Филандия, Швеция, Австрия давлатлари киришди.

Бу уюшманинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар товарлари, хизматлари, капиталлари ва ишчи кучи учун бирлашган бозорни вужудга келтириш ҳисобланган. Шунинг учун уни кўпроқ "Умумий бозор" деб аталган.

Ҳамжамият таркибига кирган мамлакатларнинг сони ортибгина қолмай устун даражадаги савдосотиқдаги ҳамкорликдан ташқари бошқа соҳаларни интеграциялаш жараёни ҳам жадал амалга оша борди.

Ҳамжамият даражасида божхирож бекор қилинган, экспорт ва импорт учун ички тусиқлар йўқ. Бошқа мамлакатлардан импортга ягона бож тарифлари белгиланган. Умумий аграр сиёсат юритилади. Капитал ва ишчи кучи миграциясига эркин имкониятлар яратилган. Ҳисоб-китобни амалга ошириш учун аввал ягона валюта тизими ЭКЮ яратилган бўлса, 1999 йилдан муомалага "Евро" киритилди. 2002 йилдан бошлаб, ҳамжамият даражасида фақат ҳисобкитоб учун эмас, муомалада нақд пул сифатида ҳам фойдаланилади.

Ягона фуқаролик паспортлари, стандартлари тизими, коммуникация, ва транспорт, умумий божхона тизими, киритилди. Бир хилда солиқлар жорий қилиш амалга оширилмоқда. Ўзаро савдосотиқ учун белгиланган барча баҳсларни, ўзаро тартибга солиш учун қабул қилинган инструкцияларини бекор қилиш, маълумоти ҳақидаги миллий дипломларни бир хилда тан олиш ва бошқалар жорий қилинди.

Ҳозирги пайтда Европа ҳамжамияти янада янги босқичга кўтарилди.

Интеграция \арбий Европа капиталига ва асосий рақиблари А+Ш ва Япония билан тенг рақобат олиб бориш имкониятини берди.

1961 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт (ОЭСР) ташкилоти тузилиб, унга жаҳон нинг 24 та ривожланган давлатлари киради. Ташкилот ўз аъзоларини иқтисодий ўсиш учун имкониятлар яратишига таъсир кўрсатади. Бу мамлакатлар томонидан юритиладиган иқтисодий сиёсатни уй\унлаштиради. Халқаро капитал миграциясига таъсир кўрсатади. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқиб амалга оширадilar.

Ривожланган мамлакатлар доирасида янги интеграцион иттифок - бу Шимолий Америка уюшмаси бўлиб, у А+Ш, Канада, Мексикани бирлаштиради.

1991 йили Минск ва Алматидаги келишувлардан кейин собиқ Иттифок таркибига кирган мамлакатлардан асосий қисми биргаликда мустақил давлатлар ҳамкорлиги ташкилотини тузди. Буни 1992 йил Тошкентда ўтказилган йи\илиш яна бир бор тасдиқлади.

Бу йиллар давомида МДҲ мамлакатлари икки томонлама ва кўп томонлама шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар катта эканлигини кўрсатдилар. Лекин ҳали қабул қилинган қарорларни амалда бажаришни таъминлайдиган механизмлар чинакамига ишга тушгани йўқ.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудий интеграциясини чуқурлаштириш учун жиддий ишлар олиб борилмоққа.

Кейинги пайтларда ривожланаётган мамлакатларда ҳам интеграция жараёни у даражада чуқур, самарали бўлмасада, хўжалик алоқалари, уларнинг бо\ланиши рўй бермоққа. Турли регионал гуруҳлар умумий бозор, эркин савдо ҳудудлари, божхона, валюта муносабатлари бўйича ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган. Нисбатан йирик интеграцион гуруҳларга Лотин Америкаси интеграциясини киртиш мумкин.

Кейинги 15-20 йил мобайнида ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувини кучайиши Халқаро миқёсда унинг ҳаракатини чекланмаган бўлишини зарур қилиб

қўяди. Натижада капиталнинг трансмиллий шакли ривожланади, жаҳон хўжалигида байналмилал саноат ва банк корпорациялари ҳукмрон рол ўйнай бошлади.

Ҳозирги замон Халқаро корпорация, концерн ёки консернлар уюшмаси бўлиб жаҳон хўжалигида бир еки бир неча соҳада ҳукмронлик қилиши мумкин. Ҳозирги даврда 1 млрд. доллардан ортиқ оборотига эга 600 дан ортиқ улкан корпорациялар саноат ишлаб чиқаришининг 1/3 дан ортиғини, ташқи савдонинг ярмидан кўпи, яратиладиган технологияни деярли 80% ини назорат қилади.

ТМКлар ядроси бир мамлакатга ёки икки ва ундан ортиқ мамлакатга тегишли бўлиши мумкин.

Миқёси ва фаолият юритиши жиҳатидангина эмас, балки капитали ва капитални назорат қилиш жиҳатидан ҳам байналмилал корпорациялар Халқаро корпорациялар дейилади. Улар кўпинча икки ва ундая ортиқ мамлакатларга тегишли бўлади. Ана шундай Халқаро корпорацияларнинг энг улканлари "Роял-Датч-Шэлл", "Юнилевер", "Арбед" ва бошқалардир.

Капитали ва капитални назорат қилиши жиҳатидан, яъни унинг ядроси - "она" компанияни бир мамлакатга тегишли бўлган шакли трансмиллий корпорациялар дейилади. Буларга мисол тариқасида А+Шнинг "ИБМ", "Кока-Кола", "Проктер энд Гембл", Япониянинг "Тошиба", Франциянинг "Томпсон", ГФРнинг "Сименс", Швейцариянинг "Нестле" ва бошқа кўплаб корпорацияларни кўрсатиш мумкин.

ТМК доирасила айирбошлаш трансферт нархлари асосида амалга оширилади. Трансферт нархлари - бу бир компаниянинг бўлинмалари ўртасида бирбирига сотадиган товар ва хизматларга қўйиладиган нархлардир.

Ташқи иқтисодий алоқаларни шериклар ўртасида қандай тарзда олиб борилиши, битимлар (шартномалар) тузиш учун юридик статус асосий рол ўйнайди. Агарда айирбошлашнинг субъектлари бўлган бош(она) компания ва унинг чет эл филиаллари (қиз компания) мустақил юридик шахс мақоми — статусига эга бўлса, улар ўртасидаги ҳисобкитобларда трансферт нархлари одатдаги ташқи савдо нархларидан фарқ қилмайди.

Агарда чет эл бўлинмалари бундай мақомстатусга эга бўлмаса, унда, айирбошлаш трансферт нархлари орқали амалга оширилади. У шартли ҳисобкитоб қилиш характериға эға. Бу нархлар бўйича реал тўловлар амалға оширилмайди.

Ҳозирги пайтда ҳисобларға қараганда, ТМКларға жаҳон миқёсида яратилган ЯИМнинг 1/5 дан 1/4 қисми, бош компания билан уларнинг чет эллардаги филиалларига жаҳон савдосининг 1/3 қисми тўри келар экан.

Республикада «Моторола» (А+Ш), «Сименс», «Алкател» (Германия), «ДЭУ» (Жанубий Корея) ва бошқа етакчи чет эл компаниялари муваффақият билан фаолият юритмоқдалар.

Монополистик устунлик (афзаллик) модели иқтисодчи Стивен Хаймер томонидан ишлаб чиқилиб, кейинчалик Ч. Киндлебергер ва бошқа иқтисодчилар томонидан ривожлантирилган. Бу модел чет эллик инвестор маҳаллий инвесторға нисбатан ноқулай шароитда бўлади деган оғяға асосланади. Сабаби биринчидан, мамлакатнинг бозорини маҳаллий инвесторға нисбатан яхши билмайди. Иккинчидан бу ерда уки маҳаллий инвесторға ўхшаб кенг алоқалари йўлга қўйилмаган. Учинчидан, қўшимча транспорт харажатлари қилишға мажбур ва таваккалчилик хатари катта. Шунинг учун унга қўшимча монополистик (яъни, фақат унга тегишли) имтиёзлар бериш керак. Бунинг натижасида у юқори фойда олиш имконига эға бўлсин. Бу уни бошқа мамлакатға инвестиция киритиб,

таваккалчилик қилиб, ўз маблағидан ажралиб қолиш хатарига йўл қўйгани учун мукофот.

Маҳсулотнинг ҳаётий цикли модели америкалик олим Раймонд Вернон томонидан ишлаб чиқилган. Бу моделга кўра ҳар қандай янги маҳсулот 4 босқични босиб ўтади (кейинги пайтда баъзилар 5 босқичга бўлишади). I босқич - бозорга кириб бориш; II босқич - сотилаётган маҳсулот миқдорини ўсиши; III босқич - етуклик; (Беш босқичга бўлувчилар алоҳида IV босқич сифатида бозорнинг тўйинишини ажратишади.) IV (V) босқич - сотишнинг камайиши.

Интернализация модели инглиз-америка иқтисодчиси Роналд Коузнинг катта корпорациялар ичида алоҳида ички (инг. internal) бозор мавжуд. У корпорация раҳбарлари ва унинг филиаллари (бўлимлари) томонидан тартибга солинади деган оғзиясига асосланади.

Интернализация моделининг яратувчилари инглиз Питер Бакли, Марк Кессон, Ален Рагмен, Жон Даннинг ва бошқалар формал Халқаро операцияларнинг асосий қисми аслида трансмиллий корпорация деб аталмиш ниҳоятда катта хўжалик юритиш комплексларининг ички операцияларидан (фирманинг ички операциялар шаклидаги) иборат. Корпорациянинг интернационал таркибининг барча элементлари бош компаниянинг глобал стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ягона уй\ун механизм сифатида амал қилади. Бош мақсад, корпорация фаолиятдан бир бутун ҳолда фойда кўриш, унинг алоҳида бўлинларидан эмас.

ТМКларнинг юқорида курсатиб ўтилганидек, жаҳон хўжалигининг муқим таркибий қисмига айланиши туфайли бутун дунё ягона бозорга айланиб боради.

Жаҳон хўжалигининг ягона товар ва хизматлар, каинтал, ишчи кучи ва билимлар бозори сифатида ифодаланиши глобализация деб аталади.

Глобализация ўз моҳиятига кўра, юқорироқ даражадаги байналминаллашув ва уни янада ривожланишида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра бу дунё ўн минглаб ТМКлар учун ягона бозорга айланади. Улар фаолият юритишлари учун барча регионлар очик.

Иқтисодиётни глобаллашуви ҳар томонлама савдо барьерлари (тўсиклари)ни бартараф қилиш билан бирга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатишга йўналтирилган савдо блокларни вужудга келиши билан характерланади.

Глобализация:

1. арзон моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг афзаллигига асосланган рақобатни технолошиянинг устунлигига асосланган рақобат билан алмашилишига олиб келади;

2. ишлаб чиқаришни барқарор вертикал тарзда ташкил этишдан фаол равишда мослашувчан ихтисослашувга ва кичик корхоналар занжири тарзида ташкил этишга ўтилишига олиб келади.

Илгари уларга ўз мамлакатадаги бошқа миллий фирмаларгина рақобатчи бўлган. Глобализация Халқаро миқёсдаги рақобатни ички миллий бозорда ҳам оддий ҳодисага айлантиради.

Хўжалик ҳаётини глобаллашуви натижасида жаҳон хўжалигига борган сари қатор муаммолар кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Улар ҳақида дастлаб жаҳон ҳамжамияти 60йилларнинг охири ва 70йилларнинг бошларида гап бошлаб, диққат қаратишни бошлаган эди. Кейинчалик бу муаммолар глобал (франс. global-умумий, лот. globus - шар, бутун ер шарини қамраб олувчи) номини олди ва илмий адабиётларда иқтисодий тадқиқотларнинг махсус йўналиши сифатида "глобалистика" термини қўлланила бошланди.

Глобал муаммолар ҳақида кўпчилик тадқиқотчилар ҳамфикр. Уларнинг фикрича глобал муаммоларнинг турлитуманлигига қарамай, уларни жаҳон иқтисодиётининг бошқа муаммоларидан ажратиб турувчи умумий хусусиятларга эга. Булар қуйидагилар:

- умумжаҳон характерига эга, яъни бутун инсоният (ҳеч бўлмаганда унинг катта қисми) тақдири ва манфаатига дахлдор;
- инсоният ҳаёти, ҷамият тараққиётига хавф солади. Ҳатто кишилик ҷамияти цивилизациясига хавф туғдиради;
- ўзаро бирбири билан бўлиқ;
- дунё ҳамҷамиятини биргаликда фаолият юритишини талаб қилади;
- тез, кечиктириб бўлмайдиган қарор қабул қилишни зарур қилиб қўяди.

Ана шу белгилар, хусусиятларга кўра, жаҳон тараққиётининг қуйидаги муаммолари глобал муаммоларга киритиладиган бўлди;

- қашшоқлик ва қолоқликдан қутилиш;
- қуролсизланиш ва жаҳон да адро урушини олдини олиш;
- озиқовқат, табиий ресурслар (кўпинча алоҳида энергетика ва алоҳида ҳом ашё муаммоси сифатида кўрилади) муаммоси;
- демографик муаммо (У шуниси билан ажралиб турадики, ривожланган, ривожланаётган мамлакатлар олдига бирбиридан тамомила фарқ қиладиган масалаларни қўяди. Бутун дунё учун умумий бўлгани ҳолда айрим мамлакатлар учун ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан: ривожланаётган мамлакатлар учун демографик муаммо аҳолини тез ўсиши бўлса, ривожланган мамлакатлар учун аҳоли миқдори деярли ўзгармагани ҳолда унинг таркибини қараб бориши, постсоциалистик мамлакатларда эса туғилишга қараганда ўлимнинг барқарор равишда ортиб бориши — аҳолининг депопуляциясидир)
- экологик муаммо;
- инсоний потенциални ривожлантириш муаммолари (постиндустриал тараққиёт инсонга бўлган диққатни ортишини талаб қилиши, айниқса иш кучининг сифати асосий рол ўйнаши, у ўз навбатида таълимтарбияни янги поёнага кўтаришни зарур қилиб қўяди).

Кишилик ҷамияти тараққиёти туфайли янги глобал муаммолар келиб чиқади. Масалан, Ҳозир, дунё океанини тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш, космосни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш масалаларини кўрсатиш мумкин. Афсуски, Халқаро терроризм ҳам Ҳозирги пайтда глобал муаммолар қаторидан жой олди.

XX асрнинг 70 ва 80йилларидаги, айниқса 90-йиллардаги юз берган ўзгаришлар глобал муаммоларни қайси бирини устун қўйиш масаласини ўзгаришига олиб келди. Агар 60-70 йилларда асосий муаммо ядро урушини хавфини олдини олиш бўлса, Ҳозирги пайтда қайси муаммони асосий деб топиш бўйича бир фикр йўқ. Бир хил мутахассислар экологик муаммони биринчи ўринга қўйишса, бошқалари - демографик муаммони қўйишади. Учинчилари эса, қашшоқлик ва қолоқлик муаммосини қўйишади.

Глобал муаммоларни қай бирини устун қўйиш фақатгина илмий эмас, балки практик аҳамиятга эга. Турли тадқиқот марказларининг ҳисобларига қараганда инсоният бу глобал муаммоларни ечиш учун камида 1 триллион доллар (харид қобиляти бўйича) сарфлаши талаб қилинар экан. Бу жаҳон ЯИМнинг 2,5-3%дан ортиқ қисмини ташкил этади. Кўриниб турибди, маблаг сарфи қайси муаммони асосий муаммо деб қабул қилинишига бўлиқ.

Шундай қилиб, меҳнат тақсимоти ва кооперациясининг чуқурлашиб бориши, халқаро муносабатларнинг ривожланиб бориши билан жаҳон хўжалиги шаклланди, таркиб топди. Халқаро интеграция туфайли жаҳон хўжалиги янги босқичга кўтарилди. Халқаро байналминаллашув ва интеграция ТМҚларнинг жаҳон хўжалигининг таркибий қисмига айланишига олиб келди. Улар ўз навбатида жаҳон хўжалигининг глобаллашувига олиб келди. Бу бир томондан миллий хўжаликларни ривожланишига, мавжуд ресурсларни ишга солишга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, инфраструктурани ривожланишига олиб келса, иккинчи томондан шу мамлакат ва жаҳон миқёсида қатор муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти ана шу муаммоларни ечиш учун ҳаракат қилмоқда, янги йўлларини изламоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар**

Халқаро меҳнат тақсимоти. Жаҳон хўжалиги. Иқтисодий интеграция. Модернизация назарияси. Иқтисослашув коэффициенти. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти. Трансмиллий корпорациялар. Глобал муаммолар. Халқаро меҳнат кооперацияси. Экспорт квотаси. Мамлакатларни ўзаро боғланиш концепцияси. Европа иттифоқи. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Халқаро савдо жаҳон хўжалигининг таркиб топишида лунёни иқтисодий ва ҳудудий жиҳатдан бўлиб олинишида қандай рол ўйнашини кўрсатинг?
2. Жаҳон хўжалиги эволюциясини иқтисодчилар қандай босқичларга бўлишади, уларнинг фарқи нимала?
3. Жаҳон хўжалиги таркибига кирувчи миллий хўжаликлар қайси жиҳатлари билан фарқланади? Марказий ва периферия давлатлари дегайда қандай давлатларни тушунамиз?
4. Халқаро интеграциянинг кучайишининг сабаблари сизнингча нимада?
5. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисоди интеграцияси жараёнида тутган ўрнини изоҳланг.
6. Монополистик устунлик модели бошқа моделлардан қандай фарқланади?

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.**-Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. **Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни.** -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари**

3. **“Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” :** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.
4. **“Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида:** ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – мо декабрь. – 1 б.
5. **“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 26.01.2009 й. N ПК-1046
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармони// Халқ сўзи, 2005,15 июн.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

- 8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси, Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” 2007 йил бапрелдаги ПК-616 сонли қарорни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси, 2007, №5
- 9.«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбат-лантириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.1-сон (189), январь , 2006.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

- 10.Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
- 11.И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
- 12.И.А.Каримов. **“2008 йилда республикани ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза”** “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал, № 33-34 (4696-4697)

**13.Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.**

14.Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

15.Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

#### **V. Дарсликлар**

16.Глухов В.В. Менеджмент: Учебник. 3- изд.- СПб Питер, 2009.- 608 с.

17.Ермаков В.П., Макиев З.Г. Менеджмент для студентов вузов. – Изд. 5-е. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 184 с.

Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций: учебник. – М.: КНОРУС, 2009. – 160 с.

18.Кане М.М., и др. Системў, методў и инструментў менеджмента качества: Учебник. – СПб.: Питер, 2009. – 560 с.

19.Фархутдинов Р.А. Производственный менеджмент: Учебник. 6- е изд.- СПб.: Питер, 2008.- 496 с.

20.Баринов В.А., Харченко В.Л. Стратегический менеджмент: Учеб. пособие.- М.: ИНФРА-М, 2008.- 285 с.

21.Набиев Р.А. Менеджмент: учеб. пособие.- М.: Финансў и статистика, 2009.- 368 с.

22.Зайнутдинов Ш. Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. Т., Молия, 2002.-250 б.

23.Шарифхўжаев М, Абдуллаев Ё. Менежмент. Т.: Ўқитувчи. 2002.-450 б.

24.Мескон М., Альберт М., Франклин Х. Основў менеджмента. М.: Дело, 2002.-470 с.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар**

25. Менеджмент организации. Под ред. З. П. Румянцевой, Н. А. Саломатина. Учеб. пособ. М.: ИНФРА-М, 2006 .- 305 с.

26.Менеджмент организации: современнўе технологии. Под ред. Н. Г. Кузнецова, И. Ю. Солдатовой. Учеб. пособ. Ростов – на – Дону.: Феникс, 2007.-305 с.

27.Голенихев Э. П., Клименко И. В. Информационное обеспечение систем управления. Учеб. пособ. Ростов-на-Дону.: Феникс, 2007.-318 с.

28. Костров А. В. Основў информационного менеджмента. Учеб. пособ. М.: ФиС, 2007.- 350 с.

29.Круглова Н. Ю., Круглов М. И. Стратегический менеджмент. Учебник. М.: РДЛ, 2006.- 402 с.

30.Лагоша Б. А. Оптимальное управление в экономике. Учеб. пособ. М.: Финансў и статистика. 2005.-210 с.

31.Бовўкин В.Новўй менеджмент: Учеб. пособ. – М., 2004. – 100 с.

32.Кадирходжаева Н.Р. “Менежмент” фани бўйича ўқув услубий мажмуаси. “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан Т.:ТДИУ, 2006.-210 б.

33.Кадирходжаева Н.Р. “Менежмент” фани бўйича ўқув услубий таълим технологияси. “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан Т.:ТДИУ, 2006.-215 б.

#### **VII. Статистика тўплamlари маълумотлари**

34. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.-Т.:2009.-150 б.

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.2009.-160 б.

#### **VIII. Интернет сайтлари**

36.[www.reviem.uz](http://www.reviem.uz)

37.[www.cer.uz](http://www.cer.uz)

38. [www.Ziyo.net](http://www.Ziyo.net)

39. [www. Management.ru](http://www.Management.ru)

40. [www. MBA.ru](http://www.MBA.ru)

41. [www.usue.ru](http://www.usue.ru).—Уральский государственный экономический университет

42. [www.ice.spb.ru](http://www.ice.spb.ru).—Санкт-Петербургский торгово-экономический институт.